

МУҲАММАДАЛИ ҚЎШМОҚОВ

НАМОЗШОМ ХАЁЛИ

Муҳаммадали ҚЎШМОҚОВ
НАМОЗШОМ ХАЁЛИ

«Yangi asr avlodi»

ҚЎШМОҚОВ М.

НАМОЗШОМ ХАЁЛИ / М. ҚЎШМОҚОВ — «Yangi asr avlodi»,

© ҚЎШМОҚОВ М.

© Yangi asr avlodi

НАМОЗШОМ ХАЁЛИ

Ҳикоя ва қиссалар

БУНИ ҲАЁТ ДЕЙДИЛАР

Юнус чолнинг кўзи қари тутга тушди: ажаб, ҳар куни овлоқ сўқмоқдан ўтиб-қайтиб юрса ҳам, аҳамият бермаган экан, анҳор устига янаям анча қийша-йибди. Унинг заъфарон, оловранг, шапалоқдай барглари ширт-ширт узилаёт-ганлигини кузатаётиб, қачонлардир шундай бир қари тутни айна шу алфоз ту-шида кўрганлигини эслади... Мийиғида ўйчан кулимсиради.

... қизик.

Анча-мунча чарчаганини демаса, Юнус чол хушҳол эди.

Куз кунлари баъзан илк баҳор кезларидай кишига ёқимли туюлади. Мудроқ ҳислар ўз-ўзича жунбушга келиб, баҳри дилингизни ажиб бир нималардир чулғаб олаётгандай туюлади. Ва беихтиёр нимагадир ташналигингизни, шунинг баробарида, азиз бир кимларингизнидир меҳрига ҳам чанқоқлигингизни юрак-юраги-нгиздан ҳис этасиз-да, ҳали-замон барига эришадигандек, яйраб энти-касиз.

Шу тобда Юнус чол айна шундай бир лазиз ҳолатдан хушҳол эди.

Ана, суви қуриб, тошларида бақатўнлар, сувўтилар қотиб қолган анҳор ёқа-лаб, заранг сўқмоқдан хаёлчан уйига қайтмоқда. Эғнида тупроқ рангги сингтиб, енглари ҳамда тирсак атрофлари титилиб кетаёзган коржома. Чолворининг тиз-заларига тринкадан ямоқ қуралган. Бошида хийла унникқан телпак, оёғида товони ейилган, тагчармининг тумшук томони сал кўчган кирза этик... Ер боққан кўйи, ҳорғин бораепти. Унинг ширин хаёлларини чалғитгудай сас-садо йўқ: ҳаммаёқ жим-жит. Қиш уйқусига чоғланаётган далалар, дову дарахтлар со-кин нафас олаётгандек!..

Юнус чол, ниҳоят бугун кампирининг қайтганлигини ўзича тахминларкан, тагин лабларининг таноби қочди... Соғинибди. Йўқ, буни соғинч деб ҳам бўлмас, худди нимасинидир йўқотгандек, хаёли жойида эмас. Кетганига неча кун бўляпти?.. Йўқ, аниқ эслаёлмайди. Бу гал анча узоқ қолиб кетди.

... қайтган бўлуви кирак инди, – деб ўйлади Юнус чол, кампирининг юмшоқ- қина шовла пишириб, аччиққина кўк чой дамлаб кутаётганлигига асло гумон-сирамай. – *Сенга мин киракманми, болаларинг, дейман?.. Албатта, сен кирак, сен, дейди... Лакин ёлғон сўйлийдди, чўқинган. Унгада молайлари керак, менга-да!.. Лакин...*

Юнус чол узоқдан дарвозага син солди: ёпиқ – халқалар қизил чизимча билан боғлаб қўйилган. Агар кампири қайтганида, бир тавақаси хиёл очик бўлиши керак эди. Демак?..

Унинг хушҳоллигига путр етди. Хўрсинди.

Азалдан дарвозалари қулф кўрган эмас. Қишлоқда шундай: ҳеч кимнинг дар-возаси қулфланмайди: ҳамма бир-бирига кўзу қошдай азиз.

Қишлоққа келганларига қанча бўляпти ўзи – ўттиз йилми?.. Ўттиз йилдан кўпроқ. Бари болалари қишлоқда – мана шу ҳовлида туғилган: Рашид... Рашида... Равил... Рафойил.

Дарвозадан кираётиб, Юнус чол ялт уй эшигига қаради: ёпиқ, ошхона эшиги ҳам!..

Бирдан хомуш тортди: олдинда узундан-узоқ тун!.. Бир ўзи.

Энди енгилроқ нимадир пишириши керак: тўртта картошка, иккита пиёз... Устига иккита тухум чақади. Нима дейди буни – яз-ёзими, картошка қовур-доқми?

... майли. – Бечора одам ҳамиша ўзини шундай деб юпатади. – *На илож. Шу-қур, ў з и н а шукур.*

Юнус чол устахоначасига кириб, сўмкасини михга илди. Сўмкасида нонто-парлари – болғача, онбур, искана, бир ҳовуч катта-кичик мих... Тагин – газчўп. Ҳа, шайн ҳам бор.

Юнус чол устахоначасидан чиқаётиб, бирдан томошақовоқдай обтовачани тепиб юборди. Обтовача даранглаб товукхона томон думалади. Товуклар олам-жаҳонга жар солиб қақоғлади.

Обтовачани тепиб юборгани ўзига наъша қилди: у – кампирининг таҳорат идиши. Кампири – намозхон. Илк таниган кунларидан бери, кампири Худонинг берган куни беш маҳал

намозини канда қилмайди; рўза тутади; тагин варақлари сарғайиб, титилиб кетган китоби тунлари қўлидан тушмайди – бирини қўйиб, бирини ўқийверади.

Барибир, дабдурустдан жаҳли кўзигани Юнус чолнинг ўзига ёқмади: ёши бир ерга етаётган одам...

... *уят-э!* – деди ўз-ўзига. Бориб, обтовачани кўлига олди. Бирор ери пачақ-мачақ бўлмаптимми, деб айлангириб қаради: мисдан ишланган-да, маҳкам... Элтиб, жойига қўйди. Картга ўтирди. Карт ҳовли ўртасидаги ўрикнинг остида эди. Ўрик тарвақайлаб, бори супани тутган эмасми, қонталаш баргихазонлар, ана, ҳовли билан битта бўлиб ётибди. Йўмаса, тунов куни тўнғичининг қизлари ҳовлини чиннидай тозалаган эди-я!.. Димоғида ёмғир хидини туюб, қошларини чимирди. – *Тунда шир этиб ёмғир ёғса...* – Ушбу хавотири кўнглидан кечаётиб, кампирининг йўлга юпун чиққани ёдига тушди, кўксида аттангми, раҳмга менгзаш нималардир ғимирлади. – *Ўйнагани кетгани йўқ-ку!.. Бугун беш... олти... етти... Етти!..*

Етти кундирки, Юнус чол уйда бир ўзи. Кампири ҳеч қачон бу қадар узоқ муддатга ёлғиз қолдириб кетган эмас. Жуда нари борса уч кун... тўрт кунда елиб қайтарди, лекин то келгунига довур етадиган майин-мулойим бўғирсоқ, кишмишли бўрсилдоғу бирор қозон этқовурдоқни тайин қилгач, ана кейин ло-зимандасига йўл оларди. Бу гал ҳаммаси кутилмаганда рўй берди: ўртанчалари жўнатган телеграмма қўлларига тегкан кунийёк, кампири саросар кечки поездда Тошкентга жўнаган эди.

... *тинчликмикан ишқилиб?* – деб, ўзига таскин берди Юнус чол. – *Тинчлик-дир-да, хат-пат йўқ-ку!..*

Тўнғичлари туман марказида ишлайди. Духтир. Ўтган куни хотини, болалари билан тўлиб-тошиб келган эди. Душанба куни эрталаб жўнаб кетаётганларида, катта қизини: “Сизга памагат ита, атий”, деб қолдирмоқчи бўлганида, Юнус чолнинг ўзи хохламади: “Кирак имас, – деди. – Қизинг ушёбасинан қолмасин.”

Бир замонлар – ўшанда тўнғичлари Рашид саккиздами-тўққизинчида ўқир, кенжатоилари – Рафойил, ҳали эмизикли эди, кўп инжиқ эди, кечалари бот-бот йиғлаб уйғонарди. Ана ўшандай бедор дамларида эру хотин навбатма-навбат алла айтиб, инжиқвойни ухлатгач, қишлоққа, – одамлари ўз туғишганларидай меҳрибон, – обод, кўркам ушбу манзил-маконга тамомила боғланиб қолмоқ учун, жуда кўп ажойиб режалар тузганлари ҳали-ҳамон ёдида: Рашидни духт-ирликка ўқитиб, она бедаво бел оғриғини, ота лаънати бод касалини даволатишни ҳаёл қилар ва қишлоқ касалхонасида тўнғичларини энг зўр духтир-лардан бири бўлиб ишлашини ўзларича тасаввур этиб, хандон-хушон кулишардилар. Ота ҳам, она ҳам ёлғизгина қизлари Рашиданинг ўқитувчи бўлишини, қишлоқ боғчасида мудирами ё тарбиячи-мураббийми бўлиб ишлашини орзиқиб энтикканлари ҳозиргидай ёдида. Рашидаси, қисмат-да, Шодмонова-нинг ўғли Аҳмадга кўнгили қўйган экан, мактабни тугатганидан кейин, ҳайё-хуйтлаб Тошкентга жўнадию ТошМИга кирди; ана энди эру хотин Чирчиқдаги бир ҳарбий қисмда духтир. Аҳмаддон, – она қарамоғида ўсган, отаси Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлган, – яхши йигит. Лекин, эшитишларича, унча-мунча ичиб қўярмиш.

... *шуниси ёмон. Ёмон-да, на рўзғорда барака бўлади, на...* – Юнус чол аччиқ хўрсинди. Ҳаёли чалғиб, Шодмоновани ўйлади: боғчада кампири иккалови сал кам қирқ йил тарбиячилик қилган. – *Боёқши қариган чоғида ўғлининг дийдорига илҳақ, невараларининг меҳрига ташна... Шавкати ... Шавкати ўз билганидан қолмайдиган ўжарми, бир балло... Бичорағина Шодмоновага бийик жабр!.. Хўш, кимга яхши?..*

Юнус чол оғир ўрнидан турди. Уйга кирди. Ҳаёлчанлик билан коржомасини алмаштиргач, ошхонага ўтди. Газўчоқнинг иккала кўзини ёқиб, бирига катта те-мир чойнакни, иккинчисига товани қўйди. Сўнг, тўртта чоғроқ картошка, иккита пиёзни столга қўйиб, кўлига пичокни олди. Ҳаёли эса ҳамон кампирида эди.

Ўртанча ўғил – Равил, Янгийўлда яшайди. Тошкентда ўқишни битиргач, ўша ёқларга ишга йўллашдию қолиб кетди. Катта бир савхозда инженер. Тоторис-тонлик қавмдошлардан

бирининг қизига уйланган. Бир ўғилчаси бор. Хотини Сакина иккинчисига оғироёқ – ойу кунни яқин.

... *кўзи ёридимикан?* – деб ўйлади Юнус чол, бир-бир келини, кампири кўз-ўнггидан ўтётиб; ажаб, кампирининг кўзлари дабдуруст чақнаётгандай туюлиб кетди. – *Келин қутуллолдимикан-а?!* – Юнус чол чапақай эди, беихтиёр кўнгли-дан нохуш бир фикр кечиб, ўнг қўлининг бош бармоғини кесиб олаёзди; русчаю тоторчани аралаштириб чулчутчасига сўкинаркан, апл-тапл картошкани столга қўйиб, ёқасини ушлади ва ўша баробарида, боя обтовачани ноҳақ тепиб юборганлигига кўнгли-да надомат ҳиссини туйди; хаёлида кампирининг кўзла-ри чақнаб кўринганлигини ҳам шунга йўйди. – *Астағфириллах!.. Тавба... тавба. Ў з и н г а тавба итам бит, Аллайим!..*

Нихоят, Юнус чол охирги картошкани ҳам тўғраб бўлгач, оловни янаям мил-диратиб, тованинг устига катта қопқоқни ёпди. Ҳовлига чиқди. Осмонга қара-ди: булутларнинг этаги қонталаш.

... *ёғмас-э!* – Юнус чол булутларнинг қонталашлигидан умидворланиб, кўнг-лига қулоқ солди: ёмғир ёғишини сеза қўйса, бўғимлари майин-майин сирқираб оғрийди; шу тобда эса сезимдан асар йўқ эди. – *Йўқ, ёғмай.*

Бориб, тагин картга чўнқайди.

Тошкентда – вакзалда – она-қиз учрашишлари; ана кейин Янгийўлга жўнаш-лари керак эди.

... *учрашишиган бит инди. Лакин намуна хабар йўқ?*

Ўша аснода кўчадан тап-туп таниш оёқ товуши эшитилди.

Юнус чол қулоқларини динг қилди.

... *Шариф-ку!* – Беихтиёр Юнус чолнинг кўкси бир жиз этди. – *Хатми ё?!*

Шариф деганлари – Катта урушнинг ногиронларидан – почтачи. Чап оёғи оқ-сайди. Аллақачон нафақада, лекин... ишлайди; энди ётиб қолгунича ишлай-веради.

... *бикардан – Ҳудай бизар.*

Аввал дарвозани очаётган ҳасса кўринди, сўнг – Шариф почтачининг ўзи. Кўз-кўзга тушар-тушмас, Шариф почтачи:

– Ўтирибсингми, атийси? – деди, Хабила опанинг гап оҳангига ўхшатиб.

Кўнгли суст кетиб, Юнус чол:

– Ждат итамда сани, чўқинган, – деб, ўрнидан турди. – Кел, Шариф, килавир.

Қўллашиб кўришгач, бирин-бирин картга чўнқайиб, ҳол-аҳвол сўрашдилар.

– Хабиланг ҳалиям келмадимми? – деди Шариф почтачи.

Юнус чол бошини чайқаб:

– Хат борми? – деди.

Шариф почтачи қора, эски, каттакон чарм сўмқасини очиб, Юнус чолга бир эмас, бирдан учта хат тутқазди. Сўнг:

– Майли, ман энди борай. Хат баҳона сани бир кўрай девдим-да, – деди. – Ха-йр, жўра.

Юнус чолнинг тезроқ хатларни ўқигиси келаётган эди, лекин:

– Бирга шай ишайик, Шариф, – деди. – Сўнг китарсинг.

Энди уйга кираётганларида турналарнинг алёри баралла қулоқларига чали-ниб қолди: *куре-е-ей, куре-е-ей!..*

Ҳар иккалови ялт осмонга қаради: этаклари қонталаш булутлардан анча паст-да турналар ёймисол тизилган; тандирдай қизиган куёш нуридан уфқ алвондай товланар, жониворлар эса шафақ нурларига чулланган қўйи, оҳиста қанот қоқмоқда эдилар.

– Турналар пастлаб учаяпти, қиш қаттиқ келадими, дейман-да, – деди Шариф почтачи, ўз-ўзига гапираётгандек.

Юнус чол индамади.

Улар картошка хидига қоришиқ зах иси анқийётган дахлиздан ўтиб, ўнг томондаги кенг хонага кирдилар. Хона деворларига гуллар тўқилган кашталар, катта-кичик зарҳалли расмлар осиб қўйилган эди. Тўрдаги деворни эса Юнус чол ҳамда Хабила опанинг келин-куёвлик кунларида олинган кўркем бир су-рати безаб турарди. Хона ўртасида каттакон доира стол... Курсиларга ўтирган-ларидан сўнг, Шариф почтачи қўлларини ёйиб:

– Золимга зор, номардга гирифтор қилмасин, – деди. Сўнг Юнус чолни ўзича дуо қилди: – Юнус – жўра, ўғил-қизларинг меҳрли-оқибатли бўлсинлар. Хабиланг билан узоқ йиллар яйраб яшамоқ насиб этсин. Омин!..

Юнус чол ҳам юзига фотиҳа тортди. Сўнг, мўйлавини қашиб:

– Мин ҳазир, Шариф, – дея ўрнидан турди. – Ҳазир...

Хийла фурсатдан сўнг Юнус чол катта чинни тавокда картошкалари қирмиз-ланиб пишган, иштаҳани қўзғатувчи ёқимли хиди анқийётган, парраклаб пиёз тўғралган ҳамда устига бир неча тухум чақилган яз-ёзи олиб кирди. Катта хум чойнакда чой келтирди. Ўртага мева-чева қўйди: олма, анор, узум... Сўнг, суви қочган нонни қайноқ, хушбўй кўк чойда ивитиб овқатланишарканлар, иккала кадрдоннинг гурунги аста-секин олишаверди.

– Юнус – жўра, балаларинг бари уйли-жойли, топарман-тутарман, қариган чоғингда аёқни мундай узатиб, бурутингни тавлаб ётсанг, дейман-да?

Юнус чол калхоз қурилиш бригадасида катта уста. Салкам уч йилча аввал на-фақага чиққан, лекин орадан бироз муддат ўтиб, яна ишга қайтган эди.

– Бикар ўтирганша, бикар ишла, дегани гапи бор ўзбекнинг, – деди Юнус чол, ияк қоқиб. – Вот, ўзингда ҳассангни судраб ишлийсинг-ку?

– Э-э!.. – деди кулиб Шариф почтачи. – Маники – эрмак, жўра. Ўрганиб қол-ганман шунга.

– Миникида шулай иди бит, – деди Юнус чол, аста хўрсиниб. – Инди бўлмий, ишдан шигам. Биз – кўшсак кирак.

Дабрустдан қўлидаги пиёласи қалқиб:

– Ҳа?!.. – деди Шариф почтачи. – Эсинг жойидами, қаёққа кўчмоқчисан? Ҳов-лингчи, ҳовлинг?

– Ай-й-й! – деди Юнус чол, паришон бошини чайқаб. – Синга айтсам, Қозон-даги ҳовлимиз дварес иди, настоящий дварес!.. Абийларга ташлаб килавер-ганмиз.

Шундай деб, Юнус чол аллатовур қўл силтади. Унинг бундай қўл силташи – фақат ўзигагина аён бир оғриқнинг шунчаки аламли ифодасигина эди. Ўттиз йиллардан кўпроқ аввал – янги кўчиб келган кезларида – ҳовли ўрни ташлан-диқ шўразор, ғавлаб кетган қамишзор эди. Энди саф-саф иморат, чоғроққина ҳаммом, ажойиб боғу чарвоқ...

... э, ҳаммасидан ҳам қишлақнинг одамлари-ми? – деб кўнглида қайд этди Юнус чол. – *Бари добрий... Добрий. Уф-ф!..*

– Биласинг-ку, Равил Янгийўлда яший, – деди Юнус чол, тагин жисму жони ўртангудай бир хўрсиниб. – Рафаил армиядан қайтгаш, калхуз раисиннан машин сураган иди. Раис, бикар турган машина йук, дегаш, абийсиникина меҳмонга борган иди. Инди абийсининг қайнсин-гисина уйланмакши. Рашида Равилнинг ёнига кўчишимизни сураб хат ёзипти. Синга айтсам инди, боя минга берган хатларингнинг биттаси Равилдан икан: улда кўчишимизни сўрий.

– Тушунмадим, Юнус – жўра, – деди Шариф почтачи, пиёлани дастурхон чеккасига қўяётиб. – Буларнинг бари – қариган чоғингда сарсон-саргардон-ликми, дей-ман-да!

Юнус чол хомуш эди, хаёлчан, бир қадар ўксук кулимсиб:

– Бизнинг бир уруғимиз Янгийўлга сашилган, – деди. – Што па делаеш, Ша-риф!..

* * *

Не тонгки, бирор ўн беш кундан сўнг, кўчадилар.

Айни кўчадиган кунлари – чошгоҳ маҳали – ҳовлини кўни-қўшни, хотин-ха-лаж, бола-бақра, ёшу қари босиб кетади.

Хаммаларининг кўзларида – кўчаётганларнинг ҳам, кузатаётганларнинг ҳам – сўнгсиз, тарифларга сиғмас бир мунг чакнайди.

Хатто, Хабила опанинг ўғирлари – ҳамгап аёллар – бир-бирларидан яширин-ча кўзёшларини артадилар.

Юнус чол Ғаффор Тош билан кучоклашиб хўшлашаётганида, жонажон кўш-нисининг кўзлари жикқа ёшга тўлганини кўриб, хали-замон ўзининг ҳам ўпкаси тўлиб хўнграворадигандек, лаблари қалтирайди; кўзларида ёш билан кулмоқчи бўлади... Шариф почтачи билан хайрлашаётганида эса, пешонасини қадрдони-нинг кифтига босиб, кўзёшларини унинг камзулга сингдиради.

... эркаг-а!.. Аёллар, болалар олдиди-я!..

Нихоят, ҳамма билан бир-бир бағримлашгач, кўч-кўрон ортилган қўшимча тиркама кузовли машинанинг зинапоясидан баланд кабинага кўтарилади, кам-пирининг ёнига ўтириб, эшикни ёпади.

Кузатаётганларга Хабила опанинг бошигина кўринади: расмлардаги афсона-вор фаришталарнинг юзларидай нуроний юзлари бўғриқиб, кўзгиналари қиза-риб кетган; дамбадам рўмолчасини кўзларига босади.

Рулда – Рафойил; қалин, малла сочлари пахмайган, кўзлари жавдирайди: ҳаётнинг ажабтовур нотантиликларидан шу қадар гангиганки, киндик қони томган қадрдон манзил-макондан лоақал бир сиким тупроқ олиб кетиш ҳаёлига ҳам келмайди; олиб кетаётганлари эса бир дунё меҳру эслаганда то сўнгги на-фасга довури ёкиб энтиктиргувчи хотирот!..

Бирдан Шариф почтачи, ҳаммани хушёр тортириб, азот қўлларини ёяди:

– Юнус– жўра, Хабила опажон, Рафойил – болам, тирикмиз – барингиз ёди-миздасизлар! – дейди. – Худойим – меҳрибон, йўлларингизни берсин. Омин!

Ёппасига ёшу қарининг овози титраниб, бир-бирига қоришиб, еру осмонни ларзага солгудай жаранглайди:

– Оми-и-ин!.. Алло-оҳу акбар!..

Юнус чолнинг кўкси бир қалқиб, аъзойи бадани жимирайди...

Ўша аснода машина оғир силтаниб, жойидан жилади.

Кейин...

... Бола-бақранинг машина ортидан қий-чувлашиб югураётганларини ён томон-даги узунчоқ ойнадан кузатаётиб, Юнус чол янаям мутаасирланади: ахир, осонми, болакайларнинг кўпчилигининг дояси – кампири-я!..

Қишлоқдан чиқаверишларида, Юлғунли қабристон ёнидан ўтаётганларида ахийри бўлмайди: беихтиёр кўксидан тошиб чиққан аччиқ бир ингроқ бароба-рида, кўзларидан дувиллаб ёш қуйилади.

– Ну-у, ати-и-ий! – дейди Рафойил бўғиқ овозда ва машина тезлигини сусай-тира бошлайди. – Тўхтатийинми?

Юнус чол бош чайқайди: йўк.

Йулғунлида Бектемир обий мангу ором олаётир. Раҳматли кўп одамохун киши эди. Юнус чолнинг обийга ҳаваси келади: бундан ўттиз йиллар аввал мар-ҳум тобуткаши билан қишлоққа бир кунда олдинма-кейин кириб келган эдилар; унинг бир ўғли қишлоқ қизига уйланди, икки қизи қишлоқ йигитига турмушга чикди; неваралари улғаяётирлар; обийнинг қони қишлоқлиларнинг қон-қонига қўшилиб-сингитиб кетди – хали буни Рафойил тушунмайди; тушунганида эса, албатта к е ч бўлади.

* * *

Э воҳ, аттангки, ҳадемай кўчадилар.

Кўчаётганларида айнан шундай унутилмас бир ҳолат рўй беражаги эса хали ҳеч кимнинг ҳаёлига ҳам келмайди.

* * *

Ўртага оғир, дилтанг бир жимлик чўккан эди.

Бир маҳал, майин ғижирлаб эшик очилди.

Илкис иккала чол ҳам эшик томонга ўгирилиб, Мастура кайвонини кўрди.

Мастура кайвони – кўшни кампир, эри урушдан қайтмагач, кўз очиб кўргани-дан қолган ёдгорининг бегона бир эркакнинг кўзларига маъюс мўлтирашини, *унинг* сассиқ оёғини уқала-шини орқаси кўтаролмаслигини билгани учун, очар-чилик йилларининг хорлик-зорликларига қарамай, қайтиб эр қилмаган; энди бир ҳовли неваранинг бувижониси, қишлоқ аёлларининг эса тили ўктам она-бошиси.

– Ассалом, – деб Мастура кайвони хонага кирди. Курсига ўтирди. Қўллари-ни ёйиб: – Қани, Шариф ака, – деди. – Айтинг?

Шариф почтачи фотиҳага қўл очиб:

– Илоё тинчлик-хотиржамлигимизни берсин, – деди. – Ў з и г а шукр. Етқаз-ганига шукр. Омин!..

Ҳамма юзига фотиҳа торгди.

Юнус чол чой қуйиб, Мастура кайвонига узатди.

Мастура кайвони чойдан ҳўплаб:

– Боя ғўнғир-ғўнғир овозлариз эшитилганига, Хабила опам келипти-лами десам, сиз экансиз-да, Шариф ака, – деди. – Дугонам яхшигина юриптими, бала-чағалар?..

– Шукр... Ўзиздан сўрасак?

– Бир нави-да, Шариф ака, – деб, Мастура кайвони Юнус чолга қаради. – Хабила опам бугун ҳам келмаптилар-да, Юнус ака. Сўрай-чи, келин енгилгина қутилиптими, деб келувдим.

– Ҳий-я, ўғил... ўғил! – деди Юнус чол, юз-кўзларида майин бир кулги жи-лоланган кўйи: – Мана, – деб, Шариф почтачига ишора қилди. – Хат келтирди: дваиняшка!..

Бундай ажаб хушхабардан ҳали Шариф почтачи ҳам беҳабар эди, хаяжон-ланиб:

– О-ҳ-хо, зўр-ку! – деди Юнус чолни қутлаб. – Омин, илоё ризку насиба-лари билан, ота-онасининг бахтли-саодатли умрлари билан берган бўлсин, Юнус – жўра!..

Мастура кампир ҳам юзига фотиҳа тортиб:

– Майли, ман борай, – деди. Ўрнидан турди. – Яхши қолинглар... Ҳа-я, Юнус ака, чой дамлаб берайми?

– Йук-йук, – деди Юнус чол. – Керакмий, шай бар. Бар!.. Яхши бариғиз...

Эшик чала ёпик қолди.

Бирпасдан сўнг Шариф почтачи:

– Энди ман ҳам турай, Юнус – жўра, – деди. Хайрлашаётиб эса, тагин такрор тайинлади: – Кўчиш ҳақида яхшилаб ўйлаб кўр дейман-да, жўра!..

Юнус чол ошнасини кузатиб қайтгач, алламаҳалгача ухлаёлмади. Хаёл суриб ётди. Қишлоққа кучиб келган кунларини эслади... Қишлоқнинг бугунги файзу кўркига озми-кўпми хис-саси қўшилган: деярли бари ҳовлининг деворида қалб кўрию кафтининг тафти бор. Бор-да, бировининг сувоғини, бирисининг пардо-зини қилиб берган... Ўнлаб шогирдлар, суҳбати аёло жўралар – бари бирма-бир кўзўнггидан ўтаверди.

Бир маҳал – тун бемаҳалда, аллабир гувиллаган товуш қулоғига эшитилаёт-гандай туюлиб, Юнус чол қулоқларини динг қилди: ўрикнинг шохлари юлқи-ниб-юлкиниб шовулла-моқда эди. Бирпас қулоқ солиб ётди. Хаёлида эса ҳамон болаларидан келган хат!.. Ҳовлида чаппор уриб ўйнаётган шамол ҳам, ўрик шохларининг шовуллаши ҳам хаёлидан кўтарилди.

... қашон... қашон ахир?! – деб ўйлади Юнус чол, тагин ўз-ўзини қийин-қисток сўроқ-истокқа тутиб. – Мин... мин қашон... қойерда хато қилган иканмин инди?... Ё Аллайим, раҳминг килсин инди бит, мин – қартайган мусафирингга!..

Ҳамон Юнус чолнинг кўзларида уйқудан асар йўқ эди. Эрталаб вақтлироқ уйғониши зарурлиги ёдига тушди. Ёнбошига ўгирилди. Кўзлари юмуқ кўйи, тиззаларини буклади. Энди ҳеч нимани ўйламаслик қасдида кафтларини бир-бирига бирлаштириб, тиззаларининг орас-

ига сукди-да, кампиридан ўрганган ал-лабир оятларни шивирлай бошлади. Кейин – салдан сўнгми ё алламаҳалдами, дераза ойналарига ёмғир томчиларининг бир маромда чирсиллаб урилаётгани ҳамда ҳўрознинг чўзиб қичқираётгани олислардан таралаётгандай қулоғига элас-элас чалинарган, ҳали уйқуси қаймоқламай, ғалати бир туш кўраётганига таажжубланди: отаси – раҳматли, қалин, ғира-шира дарахтзорнинг ёлғизоёқ сўқмоғидан туриб, анҳор устига анча қийшайган қари бир тутга тикилганча, мийиғида майин, ўйчан кулаётган эмиш.

20

19–72й

11

ДУНЁНИНГ УСТУНИ

Ўз оғамдай азиз Ражаббой

ҲУСАИН ўғдтнинг, ўз опамдай

азиз Бекпошша РАЖАБОЙ қизининг порлоқ хотираларига бағишладим.

Раҳимов валасapedини кимсасиз йўлакдан шошилмай, секин, хомуш ҳайдаб бораётиб, атроф-теваракка ҳайрон боқади: аллақачон вақт чошгоҳдан ўтган бўлишига қарамай, катта йўлда ҳам, ҳар иккала тарафини дарахтлар куршаган салқин, сўлим йўлакда ҳам одам йўқ; гўё бирдан вабоми, ўлат доригандек, ҳамма қаёққадир тумтарақай ғойиб бўлган.

Ҳолбуки, кунни кеча шаҳар гавжум эди.

Ана, магазинлар берк, идораларнинг эшиклари гумгурс ёпик. Шаҳар марка-зидаги русча мактабдан ҳам болаларнинг шодон шовқинлари эшитилмайди. Ресторан олдидаги баланд ишком остида Искандар новча билан Шокир буғал-тир юзма-юз суҳбатлашяпти.

Искандар новча шаҳар ва туман Умумий овқатланиш трестининг раиси. Шо-кир – трестнинг бош буғалтири – раиснинг арзанда шогирди.

Улардан сал нарирокда паст бўйли, ёши қирқлардан ўтган, тепакал бир киши серрайиб турибди.

Бир маҳал, Искандар новча:

– Амин! – деди, қаҳрчан овозда. – Амин ка-а-ал!

– Лаббай, ёшулли, лаббай! – Тепакал киши зумда пилдирабгина уларга яқин-лашди. – Ман шу ердаман, ёшулли. Буюринг, ёшулли?

– Юмурта еб турибмисан бу ерда, – деди Шокир буғалтир, Аминдан анча ёш бўлишига қарамай, сансираб. – Пахтая гетган ҳашарчилар изинан дарров овқат олиб жўна!

– Яхши-ажаб, ёшулли.

– Бор, тезроқ қорангни ўчир!..

... болғачинг уддабурун бўлса, юнг қозик ҳам ерга кирар. – Беихтиёр қадим Хоразм мақоли ёдига тушиб, Раҳимов мийиғида ўйчан кулимсиради; аслида, ушбу мақолнинг Искандар сосойга ҳам, Шокир буғалтирга ҳам алоқаси йўқ; ҳаммани – ёшу қарию аёлу эркакни пахтага қувган Биринчига – у н и н г зап-тию зуғумига – дохил эди. Ва, ўша аснода, ҳали-замон Биринчининг ҳузуридан ўзининг не аҳволда қайтажагини ўйлаб, қошлари чимирилди, пешонаси тириш-ди. Сўнг, бирдан жазаваси кўзиган вас-вос одамдек, баралла: – *Йўқ!* – деб юборди. – *Барибир, йўқ, дейман. Йўқ!..*

Раҳимов ҳовуз бўйида валасapedдан тушди.

Ҳовуз атрофида кўкка бўй чўзган, тарвақайлаган қари қарамон кўп. Қара-монларнинг ҳам, бошқа дарахтларнинг ҳам барглари сарғая бошлаган. Ўқтин-ўқтин бир-бир ярим барг бандидан чирт узилиб, аста ер бағирлайди. Ҳали сий-рак бўлса-да, барибир кузнинг илк барги хазонлари киши кўнглида маҳзун ха-ёлларни кўзгайди.

Асфалт йўлакларга сув сепилган. Салқин. Ҳовуз бўйининг ҳавоси хийла ёқимли.

Рахимов валасапедини қарамонлардан бирига суяб қўйди. Шапкасини ечди. Негадир, икки чаккаси лўқилламоқда эди, такрор-такрор чаккаларини уқалагач, сочларини бармоқлаб таради. Сочлари ҳали у қадар сийраклашмаган, лекин қув оқарган эди. Почасидан нозиккина қистиргични олиб, чўнтагига солди. Сўнг шапкасини қўлида осилтирган қўйи, кўнглида алла-бир беқарорлик билан, секин йўлакдан рўпарадаги икки қаватли бино томонга жилди.

Бино анча салобатли, хели кўркем. Пештоқига катта-катта ҳарфлар битилган алвон қоқиб қўйилган:

ҲАММА ПАХТАГА!

... *йўқ, дейман. Йўқ, дейишим герак*, – деб, тагин қатъий аҳд этди Рахимов, ҳадемай Биринчи билан юзлашажаги кўзўнгтида аниқ-тиниқ гавдаланиб. – *Ина, талабгор ёшлара берсинлар. Ҳозир ким кўп – еб тўймас ҳаромхўрлар кўп. Ман-га... Йўқ... Сираям герак эмас. Ўзимнинг ишим яхши... Неча йил бўлди – йи-гирма... тўрт... Йўқ, салкам йигирма беш йил бўлаётир. Э, айтишига осон!.. Йи-гирма беш йил дегани – гўч бир йигитнинг умри.*

Рахимов иккинчи қаватга кўтарилди.

Таниш қабулхонада ҳеч ким йўқ. Ўнг томондаги эшик – Биринчининг жи-гарранг чарм қопланган маҳобатли эшиги – қия очик эди.

Рахимов секин эшикка яқинлашиб, ичкарига мўралади: туман фирқа кўмита-сининг биринчи котиби Расулов, жигар қонидай қип-қизил гилам тўшалган кенг-мўл хонада, оппоқ чойшаб сирилган диваннинг болишига кифтини тира-ган қўйи, кафтига чаккасини босганча, мудрамоқда эди.

Ёши олтмишлардан ўтган, ўртадан баланд бўйли, ориқроқ бу киши, олдин қўшни туманда Биринчи эди. Буёққа ўтганига ҳали бир йил бўлганича йўқ. Шу боис, ҳамма ҳар хил фикрда: бировлар, чўрт кесар деса, баъзилар, янгира-ботликлар Расуловдан қутилганларига атаб хатми худойи қилганмишлар, деб таърифлайдилар. Ҳали Рахимов ҳам яхши билмайди – иккинчи маротаба қабу-лида бўлиши; нечундир, ҳар гал юрагини айна шу тобдагидай тушуниксиз бир ваҳм чулғайди.

Ҳа-я, Рахимовнинг Расулов ҳақида эшитган-билгани шуки, айтгани – айтган, дегани – деган; канадай бир ёпишса – қўймас эмиш.

Мана, ногоҳ Рахимов кўксида яна жизиллаган бир оғрикни туйди ва тарад-дудланиб, аста томоқ қирди.

Расулов, чаккасини кафтидан узмай, кўзларини ҳорғин очиб, эшик томонга оғир қаради: кимсан?

Рахимов ўнг қўлини кўксига босиб:

– Ассалом алайкўм, ёшулли! – деди. – Мумкинми?

– Галинг.

Рахимов гуё хотиржам хонага кирди. Қўллашди. Эсон-омонлик сўрашгач, бир неча қадам ортга тисарилаётиб:

– Галдим, ёшулли, – деди.

– Хўш-ш?! – деди Расулов, Рахимовнинг кўзларига қаттиқ тикилиб. – Ўта-диган бўлдингизми?

Дарҳол Рахимов ҳар иккала қўлини кўксига босиб:

– Ёшулли, илтимос, ўз ўрнимда ишлийвераин? – деди. – Айтган эдим: хоти-ним касал-ванд... Ўзим бедаво давленига йўлиққанман.

– Қўйинг, бўшачи гапларни гапламанг! – деб, Расулов шартта дивандан ту-риб, ўрнига ўтди. – Ўтишингиз герак.

– Илтимос, ёшулли, манга озор берманг? – деди Рахимов, Расуловнинг кўз-ларига жавдираб. – Пионерлар уйини қабул қилиб олганимда унинг оти бору ўзи йўқ эди. Раҳмингиз гал-син, ёшулли: Пионерлар уйина мани салкам йи-гирма беш йиллик меҳнатим... меҳрим синг-ган. Ўтган йили биз ВДНХанинг бронза медалини олганмиз. – Биринчининг диққат билан,

бир қадар хайри-хоҳлик била тинглаётганлигини кўриб, Раҳимов янаям жўшиб давом этди: – Ўзингиз ўйлаб кўринг, ёшулли, СССРдай бепоён мамлакатда йўқ деганда ўн-ўн беш минг район бордир.

– Дўғри айтасиз, – деди Расулов. – Ўн беш мингдан кўроқ бўлиши гарак.

– Отангиза раҳмат, ёшулли! – деди Раҳимов, қайтабошдан кўнглида умид чақнаб. – Ина, бизнинг район Пионерлар уйимиз ВЛКСМнинг катта мукофо-тини олди. Шу кунларда биз кўшни республикаларнинг Пионерлар уйлари билан ёзишмалар олиб бораётирмиз. Илтимос, бошлаган хайрли ишларимиз ўлда-жўлда қолиб гетмасин, ёшулли?

Ҳамон Расулов столнинг четига чап муштини тираб, тик турган эди. Ўрнига ўтирди-да, бирпас кафтига манглайини босиб тургач:

– Йўқ, – деди, қатъий оҳангда. – Йўқ, Раҳимов. Сиз Детдома директор бў-лишин-гиз шарт!.. Ман ўзим бориб гўрдим: етимаклар ўз аҳволига ташлаб қў-йилган. Талон-тарож авжида. Пешинги овқатларида бир туюр ҳам гўшт йўқ. – Шундай деб, Расулов дўқ этказиб столни муштлади. – Макаренконинг “Педа-гогика”сини ўқиганмисиз?

– Ўқиганман, – деди Раҳимов, Биринчининг “Педагогика”дай китобдан ха-бардорлигига кўнглида қойил қолиб. – Авлонийниям ўқиганман.

– Авлоний деганийиз ким у?

– Абдулла Авлоний – ўзбекнинг энг улли маърифатпарварларидан.

– Дим яхши!..

– Бахти қатти, катагон йилларида қатл этилган. – Ушбу маълумот чинми ё тахминлигини билолмай, бир зум жим қолгач, дадил давом этди: –Хрушшёв замонигача асарлари запретда бўган. Сталин урилгандан кейин оқланган.

– Да-а!.. – деди Расулов, чўзиб. – Энди Детдомдаям ўзингизни бир гўрса-тасиз. Ина, янгиработликларни қаранг: ҳамма соҳада биринчи. Бу ёқда маориф-чилардан биттаям гирой йўқ экан. Икки йил... узоғи билан уч йилда биз сизни гирой этамиз. Бунинг учун сиз ўзингизни гўрсатишингиз гарак...

Биринчининг гапларини эшитаётиб, Пионерлар уйидан тамом айро тушаёт-ганлигига гумони қолмай, Раҳимов, дилида ГорОНО мудир Олимовадан ран-жиди. Билади: “Агар директорликни бўйнига олса, Болалар уйини қаторга қўшадиган энг муносиб одам Раҳимов, – деган. –Лекин, ўла қолсаям, Пионерлар уйидан гечмийди. Аввал ҳам бир неча бор айтганмиз, ўлгудай қайсар-да, эши-тишниям хоҳлабийди, ёшулли!..” Ана кейин, Расулов: “Хорошо, биз – кўнди-рамиз”, деган.

Раҳимов баридан хабардор эди. Ўтган гал айна шу хонада, худди шундай ту-риб, хоти-нининг бетоблигини айтгач: “Ёшулли, илтимос, уч-тўрт кун муҳлат беринг, бир ўйлаб кўрий. Уйдагилар билан ҳам бир маслаҳатлаший”, деб зўрға қутилган эди. Энди қандай қутилсай-кин-а?

... айтарга ярарли бирор бир баҳонаям, сабаб ҳам... Қолмади-да, барини айт-дим-ку!

– Хўш?! – деди Расулов, бетоқат столни чертиб. – Начун жимсиз? Сиздан бошқа биров бўлганда, шунингдин пайтда, яхши-ажаб, деган бўларди. Хабарингиз бор: кечадан бошлаб ҳамма пахтага мобилизация этилди.

– Ҳовва, хабарим бор, ёшулли.

– Да-а-а! – деди Расулов, боягиданда чўзиброқ. – Пионерлар уйиннан неча киши ҳашара чикди?

– Саккиз киши.

– Ўзи неча киши ишлийди?

– Ўн бир киши, ёшулли.

– Ҳаммачикини чиқариш гарак эди, – деди Расулов, Раҳимовнинг кўзига ялт қараб. – Бир киши қолса етади. Пахта йиғим-терими шунчаки кампания эмас – меҳнат fronti. Ундан ҳеч кимнинг четда қолишга ҳаққи йўқ.

– Яхши-ажаб, ёшулли! – деди Раҳимов, тагин ҳар иккала қўлини қўксига бо-сиб. – Ҳар ничик топширигингизга тайёрман. Фақат Пионерлар уйинан мани узоқлаштирмасангизлар бўлгани.

– Демак, Детдома ўтмоқчи эмассиз? – Биринчининг овози хели босиқ, лекин бир қадар таҳдидли янгради. – Шундийми?!

– Илтимос, ўртоқ Расулов?... Шаҳарда чакқон, ишчан, абжир ёшлар дим қўп. Ина, Раҳимийнинг ўғли, Йина... Девоновнинг қизи...

Бирдан Раҳимовнинг гапини бўлиб, Расулов дўқ этказиб столга муштлади-да:

– Етар! – деди. – Боринг!..

Туйқис Раҳимовнинг миясига қон тепдими, икки чаккаси қаттиқ лўқиллаб, кўзлари катта-катта очилди.

– ...Боринг! – деди Биринчи, кескин қўл сермаб. – Нишатишимизни, кимни нера қўйишимизни шу кунгача билмаган бўлсангиз, бундан кейин билаварасиз. Боринг!..

Раҳимовнинг хўрлиги келди. Нохос, эс-хушдан айро тушгандек эди, бир зум гангиб қолди. Сўнг, ночор, бўшашиб эшик томонга йўл олди. Назарида, хона узайиб кетгандай эди. Ниҳоят, бўсағага етиб, бирров ортига қаради: столда қа-тор терилиб турган телефонлардан бирининг ғилдирагини Биринчининг шоши-линч, асабий айлантираётганлигини кўрди.

... *тамом*, – деб ўйлади Раҳимов, юраги куйишиб. – *Тамом... Алвидо, Пионер-лар уйи!*

Раҳимов руҳиятида беадат бир эзгинлик билан бинодан чиқиб, хиёл муддат туриб қолди. Ҳамон икки чаккаси лўқилламоқда эди. Чаккаларини қаттиқ-қаттиқ уқалаётиб, қабулхона-нинг кийим илгичида шапкасини унутиб қолдир-ганлигини билди. Шартта изига қайтмоқчи бўлди. Лекин... фаромуш қўл сил-тади.

... *бош омон бўлса, дўппи топилар.*

Тобора қўксига қўшилиб халқумиям куйишаётгандай туюлди; негадир, айна чоғда бошқача чанқаётган эди.

Энди биринчи галда чанқоғини қондириши керк. Ў з и асрасин, бунақада одамнинг бирор бедаво дард орттириши... Албатта-да, ҳеч гап эмас. Шуни ўйларкан, нима учун янгира-ботликлар Расуловдан қутилганларига атаб хатми худойи қилганликларига энди ишонгандай бўлди.

... *ё тавбагдан-эй, гап тушунтириб бўлмаса-я!?* – деб ўйлади Раҳимов, катта йўл бўйи-даги газсув дуқончаси томонга хомуш-хаёлчан бораётиб. – *“Педаго-гика”ни ўқиганмикан-а?.. Макаренкони ўқиган одам... Тавба, бунингдин метин бўлиши...*

Хоппа семиз газсувчи аёл, лаш-лушларини йиғиштираётган экан. Оппоқ ха-латининг енглари, хатто бўлиқ кўкракларининг устларини ҳам гилос шарбати қизартириб юборгани Раҳимовга ёқмади.

... *аёлга қараётганида, ҳар қандай эркакнинг ҳам ҳаваси галиши герак*, – де-ган ўй кўн-глидан кечди. – *Озодалигина, орасталигина... Ахир, аёл-а!*

Раҳимов жуда чанқаётган эди, индамай, пештахта устига бир неча сариқ ча-қани ташаб:

– Сув борми? – деди.

– Сув йўқ, – деди аёл.

– Ҳанг! – деди ажабланиб Раҳимов. – Начун?..

– Ина, Искандар сосой: “Сувингни хашарчилара элтиб сот”, деб қўймаётир. Гўраётир-сиз-ку, барибир, шаҳарда зоғ ҳам йўқ.

Хаёл паришонлик билан Раҳимов лабларини ажабтовур чўччайтириб, танга-ларига қўлини чўзди.

– Шошманг, оға! – Бақалоқ аёл шартта тангаларнинг устига кафтини босди. Унинг қўли чўқмордай, бармоқлари эса бикки эди. – Ўзим сиза бир куружка муздайиннан қуйиб бераман.

Ҳаял ўтмай, газсувчи аёл, жўмракчани бурадию, сувни шовуллатиб, каттакон шиша кружкани лиммо-лим тўлдириб узатди.

Идиш дарз еган экан.

Раҳимов вижиллаётган муздай сувдан озгина ичди.

Куз... Ҳаво салқинроқ эди.

Гарчи тишлари зиркираётган эса-да, тагин бир неча қултум босиб-босиб хўп-лади. Сўнг, ахийри, қолганини ариқчага сепиб юборди. Газсувчи аёлга раҳмат айтишни хаёл қилди. Лекин, сувни дарз еган идишда берганигами ё халатининг ола байроқлиги учунми, айтмади.

Кейин, салқин, сўлим, кимсасиз хиёбондан бораётиб, шапкасидан бошқа тагин нима-сини ҳамдир унутиб қолдиргандай туюлаверди. Лекин дафъатан ни-малигини эслаёлмай, зора эслармиканман, деган хаёлда янаям одимини се-кинлади.

Барибир, қадрдони – ўзининг парвардаси – Пионерлар уйидан мосуво бўлаёт-гани учун, ҳамон кўкси куйишаётганигами, хаёллари алғов-далғов эди, нима-сини унутиб қолдирганлигини эслаёлмади.

Назарида, шаҳар бир кунда ҳувиллаб қолганидан дилдираётгандай эди. Ё унга шундай туюляптими-кан-а?

Тагин хаёли ўз ғуссаларига оғаркан, кўнглига бир мадат истаб, тоғасини эс-лади: тоғаси – узоқ йиллар вилоят ижроқўм раисининг биринчи муовинлигида ишлаган.

... *дойма айтаман*, – деган фикр дилидан кечди-ю, лекин ўша заҳоти тоғаси-нинг нафақадалиги шаштини сусайтирди. Ва, шунинг баробарида, Биринчининг вазоҳат билан ўшқириб, кескин қўл сермагани кўзўнгтида бор бўйича намоён бўлди. – *Бунингдин одам пенсиядаги бировнинг айтганини қилмасо-ов!..*

Шаҳар кинотеатрининг орқасидаги тор, заранг кўчадан чиқиб, Пионерлар уйи томон бурилаётганида, эндигина дарвоза ёнидан жилаётган, орқа ойнасига оппоқ ипак матодан парда тортилган Расуловнинг қаймоқранг “Волгаси”ни таниди. Ва, баттар юрагига ғашлик ўрлади.

... *ў-ў, ў з и келган бўлса!..*

Ўша аснода фақат шапкасини эмас, валасапедини ҳам унутиб қолдиргани ёдига тушди: ховуз бўйидаги қарамонга суяб қўйган эди, қолаверибди.

Бошини қашиди. Майли, қайтага яхши бўпти: ҳалироқ борганида, биратўласи шапкасиниям кийиб қайтади.

... *маники ҳалол*, – деб ўйлади Раҳимов. – *Ҳалол. Яхши-да!..*

Дарвоза ёнида бетоқат турган уч кишини кўрди: бириси – райкомнинг хо-дими Зоҳир Карим. Иккинчиси – бўйи баландроқ, чучмалгина бир йигит, ёши ўттизларда. Оти?.. Йўқ, отини эслаёлмади; йўмаса ГорОНОнинг йиғинларида кўп кўришган: ҳамиша ноҳос бир и ш н и бажариб қўйгандек, жилжайибгина кўришади. Учинчиси – Олимова.

... *демак, Пионерлар уйининг директорлигини чучмалвойга беришаркан-да!.. Тавба, топган одамлари шу бўлса, Пионерлар уйининг аҳволи не гечади?..*

Қўрққан олдин мушт кўтарар, деганларидай Олимова:

– Ўртоқ Раҳимов, қайсарлигиз қолмади-қолмади-да! – деб, доду вовайло билан қарши олди. – Сиз учун бизам роса таъзиримизни едик...

Раҳимов шавқсизгина алфоз Зоҳир Карим ҳамда Чучмалвой билан бир-бир қўллашиб кўришгач, Олимованинг юзларига, кўзларига бир зум, бир нафас чимирилиб тикилди: унинг жигари хастароқми, мойупоям ёноқлари атрофидаги доғларни ёполмаган, қошу киприклари эса беармон сурмага қонган эди.

– Зийнат, қизим тенгги шогирдимсан, – деди Раҳимов, босиқ оҳангда. – Ман санга на ёмонлик қилганман – начун сан мани бунча ўртийсан-а? Ё отангни манда қасди бормидики, ўчини олмоқчимисан?

– Ина, Зойиржон Каримович, эшитаётирмисиз?! – деди Олимова, райком ходи-мига, қошу кўзини ўйнатиб. – Бировлара яхшилиқ қиламан деб, ҳамиша шун-дий балога қолиб юраман.

– Агар яхшилигинг шу бўлса...

– Дўғри-да, она меҳрига зор, ота меҳрига ташна у етимақкиналар ҳам қорни тўйиб нон есин, кўнгли яйраб кийим-кечак кийсин ахир! – деб, Олимова Раҳимовнинг гапини бўлди. – Кейин, қолаверса, қозон ҳам мой, чўмич ҳам деган-ларидий...

Олимованинг гапини охиригача эшитмай, Раҳимов:

– Нима, сан эшитмаганмисан, Зийнат? – деди. – Етимнинг ҳақи етти дарёни қуритар эмиш!..

Зоҳир Карим аста Раҳимовнинг тирсагидан олиб, гапга аралашди:

– Биз баримиз сизнинг шогирдларингизмиз, устоз, – деди. – Биздан чакки ха-фа бўлаётирсиз. Ўзингиз яхши биласиз-ку, буйруқчи – буюради, ижрочи – ба-жаради. Биз – ҳаммачи-кимиз – партиянинг салдатларимиз... И ш н и, ина, Са-лимбойга хатлаб топширасиз. Топшириқ шу!..

– Ишними? – деб, Раҳимов Чучмалвойга қаради: унинг эғнида қора кастюм-шим, оқ кўйлак, бўйнида калта тўғаланган чипор галстук; лабларида билинар-билинемас ишайиш, кўзларида эса мубҳам, ўлимтик бир н и м а жилваланаётир. Сан – бала, Пионерлар уйини хароб этасан-ов, деган аччиқ, аламли бир фикр ҳаёлидан кечаётиб, Чучмалвойнинг навқиронлигини, ўзининг эса ёши ўтаётган-лигини ўйларкан, кўксига бедодликнинг тигдай алланимасидир совуқ санчилиб, Раҳимов: – Топширамиз, – деди, хиёл ўксук, хиёл титроқ оҳангда. – Эса ичона кирали. Юринглар.

Ҳовли кенг-мўл эди. Ҳаммаёқ ораста. Ҳовлининг теварагини қатор хоналар қуршган. Ҳар бир хона эшиги ёнида ихчам-ихчам гулзорчалар; гулзорларда эса гултожихўрозлар, райхону сафсар гуллар... Уларнинг барқ уриб яшнаётганлигини кўриб, беихтиёр кишининг баҳри дили яйрайди. Ҳовлининг ўрта-сидаги қари бир тут дарахтидан атрофга сокинлик, шунинг баробарида, ажаб бир улугворлик таралаётгандек.

Дастлаб улар эшигининг тепасига “Шон-шуҳрат зали” деб ёзилган лавҳа осиглиқ, кенг, ёруғ бир хонага кирдилар.

Чучмалвой даъфатан кўраётганларига ишониб-ишонолмай:

– Оҳ-ҳо, зўр-ку! – деворди, ҳаяжонини яширолмай. – Қойил-а, Зойир Каримович?! Деворлардаги Фаҳрий ёрлиқлару Дипломларни қаранг-а, бари ромка-лаштирилган-а!.. Қойил... қойил!..

Хонанинг ҳар ер-ҳар ерида бир-биридан кўркам тулумлар: бир қозон деб аталгувчи, тумшуғи узун, катта оққуш, қарға, чағаллоқ, даканг хўроз, каклик, тустовуқ, бургут...

Бир-биридан ажойиб, бир-биридан жонлидай қотирилган тулумларни кўраётиб, меҳмонлар бир зум анграйиб қолдилар.

Олимова илдам бургутга яқинлашиб, қанотларини сийпалади, аста тумшуғига бармоғини тегизиб кўрди...

Чучмалвой ҳайрату ҳаяжон билан таъкидлаганидек, хона деворларида ранг-ба-ранг Фаҳрий ёрлиқлар, зарҳал ёзувлари жимжимадор Дипломлар... Уларнинг ҳар бири алоҳида рамкаларда хонага бошқача бир зеб бағишлаётгандай эди. Тўрдаги узун, ойнабанд кутида эса бир талай минорасифат ҳамда гумбазсимон катта-кичик совринлар деразадан тушаётган қуёш нурида кўзни қарақтиргудай ялт-юлт жилованмоқда эди.

– Сиз, насиб этиб, жиддий киришсангиз, усто, тез орада Детдомния оёққа турғазасиз, – деди Олимова, хилма-хил совринларни томоша қилаётиб. – Ина буни қарангла, Зойиржон Каримович, ВДНХаники экан, худди Кремила ўхший-ди-я!..

Раҳимов ён томондаги хонага ўтаётган эди, индамади.

Зоҳир Карим эса оёғи учида кўтарилиб, Фаҳрий ёрлиқлардан бирини ўқиётган эди:

– Дўғри айтасиз, – деди, Олимованинг гапини маъқуллаб. – Детдома устозди-йин раҳбар гарақ.

Тобора Раҳимовнинг кўксини аламми, нимадир таталамоқда эди, уларнинг тилёғлама гапларига энсаси қотиб:

– Галаверингла, бу ёқда хали рамкага солинмаган яна ўнтачаси бор, – деди, тагдор оҳангда. – Қўлингиза бериб қўяман...

Хона ўртасидаги хонтахта устида шаҳарнинг ёғочдан заргарона зеб бериб ишланган макети турарди: у – жуда чиройли эди, айнаи шаҳарнинг ихчам нус-хаси, ҳатто миноралари хам!..

Зоҳир Карим остонадан ўтаётди:

– Ўҳ-ў! – деди, макетдан нигоҳини узолмай. – Пионерларингиз ясаганми шуниям-а?

Раҳимов бош ирғаб:

– Ҳовва, баричики пионерларнинг иши, – деди. – Биласиз-ку, пионерлар кўз-бўямачиликни ёқтирмийдилар, алдам-қалдамни билмийдилар... Агар ҳамма иш-ларимиз пионерчасига бўғанида эди... Хўш, ишни навудан бошлиймиз?

Зоҳир Карим бир-бир Чучмалвойга, Олимовага қараб:

– Манимча, ҳужжатлар билан танишишдан, – деди. – Дўғрима-а?.. Жами пионерларингиз қанча, устоз?

– Икки юзу элликдан кўпроқ. Тўғаракларимиз, ҳатто бозор кунлариям иш-лийди, – деб, Раҳимов ғаладондан иккита катта дафтар олиб, Зоҳир Каримнинг олдида қўйди. – Бири – инвентарлар рўйхати, иккинчиси – тўғаракларнинг иш жадвали, ишчиларимиз ҳақида маълумотлар... Бир методистимиз юкорида ишлаб ўтирибди. Ҳужжатлар билан танишаверинглар, ман ҳозир...

Раҳимов хомуш юриб, ҳовлига чиқди, дарвоза томонга ўтаётди, қаровул чолни чақирди:

– Бобожон ака-а?!.

Дарвоза олдидаги пастак ғиштин супача тарафдан қаровулнинг овози эши-тил-ди:

– Ҳо-о, Раҳимуп, ман бу ердман, иним!..

Ҳаял ўтмай, Бобожон қаровул кўринди: бошланг, калласи тақир, соқол-мўй-лави калта қузалган, эғнида йўрма ёқали, этаги узун сурп қўйлак, сурп иштон, оёқяланг.

– Кавушийиз қани, Бобожон ака?

Бобожон қаровул:

– Ина... – деб, дарвоза томонга ишора қилди, сўнг оёғига қаради: тирноқлари буришиб-бужмайиб кетибди. Аллатовур кулимсиради: оғзининг у ер-бу ерида иккитами, учтагина тиши кўринди: узун-узун. – Шуниси яхши: илимжи ердан шира сўради-да, Раҳимуп!..

– Бобожон ака, сўрасалар, чой-пой дамлаб берарсиз.

– Яхши-ажаб, Раҳимуп.

– Матқодирга айтинг, пастга тушиб, меҳмонлар ёнида бўлсин.

– Яхши-ажаб, Раҳимуп! – деб, Бобожон қаровул ҳовлининг адоғи томон жил-моққа чоғланди. – Ҳозир айтаман.

– Боя ман валасапедимни райкомнинг ҳовузи ёнида унутиб галаверибман.

– Неваралардан бирини юборай, Раҳимуп? Йўғ-а, ишга ярийдиган неваралар бари ётар-лайн пахтага гетган. Ман ўзим бора қолий?

– Йўқ, ўзим...

... демак, қаровулдан бошқа ҳамма ҳашара, – деб ўйлади Раҳимов, дабдуруст-дан Биринчининг вазоҳат билан қўл сермагани кўзўнгидан ўтаркан, кўчага хомуш чиқаётди. – Даҳшат-ку, а?!.

* * *

Тўлин ой шуъласидан хона ичи ёп-ёруғ. Боққа қараган дераза ланг очиқ эди. Рўпарадаги олманинг акси оҳиста деворда сирғалади – гоҳ у ёққа, гоҳо бу ёққа.

Раҳимов ҳали ухлагани йўқ, яқин орада ухлашيام гумон: тоғасининг қўнғи-роқ қилишини кутиб ётибди; хаёли номаълум – олис ёқларда, кўзлари эса де-ворда беқарор сирғалаётган сояларга қадалган; лекин сояларнинг сирли-сехрли, ажабтовур ўйинини кўриб-кўрмаётгандек.

Бир маҳал, телефон жиринглади.

Раҳимов шошиб қаддини тиклади-да, шартта дастакни олиб:

– Алў? – деди. Ва, ўша асно, юраги гуп-гуп ураётганлигини сезиб, дарров кафтини кўк-сига босди. – Дойи?..

Қўшни уйнинг эшиги секин ғижирлаб очилди:

Раҳимов бошини буриб, тўнғичини кўрди: қизи узун тунқўйлаги устидан бо-шига катта рўмол ташлаб олибди.

– Раҳмат, дойи, раҳмат!.. Сизниям овора этдим-да, алаштирмийсиз, дойи. Ду-шундим...
Ҳовва... Яхши ухлаб туринг, дойи!..

Раҳимов дастакни жойига қўяр-қўймас, қизи паст овозда:

– Хушхабарми, ака? – деди.

Раҳимов хушҳол жилмайиб:

– Ҳовва-а! – деди.

– Хайрият-э! – деди қизи, эшикни ёпишга чоғланиб. – Яхши ухлаб туринг, ака.

– Апанг ухлаб қолдимми?

– Йўқ... Биласиз-ку, ака.

Раҳимов бошини қуйи солди.

... бахтимиза Ў з и н г тану эсонини соғ қилғийсан, Тангрим?..

Қизи яна бир карра хушҳоллик билан хайрли тун тилагач, аста эшикни ёпди.

Хиёлдан сўнг, Раҳимов энди хотиржам ухламоқни ният қилиб, тўшагига чў-зилди.

Бироқ, хоразмликнинг: ҳўккининг устига тугун, деганидек, Раҳимов, орага тоғасини қўшгани учун, ташвиш устига ташвиш орттириб олганлигини ҳали билмас эди.

* * *

Тун алламаҳалгача ухлаёлмаганлиги боис, Раҳимов эрталаб ҳар қачонгидан кечроқ, лекин хийла бардам кайфиятда уйғонди. Бугундан бошлаб Матқодирни ҳам пахта ҳашарига жўнатмоқни ҳамда ҳашарчилардан бир хабар олмоқни ди-лига тугккан кўйи, илиқ сувда роҳатланиб ювиниб, соқолини кўпиклаётганида, аллақачон мактабга шайланвоган кенжа ўғли Биринчининг ёрдамчиси кўнғироқ қилганини айтди.

Бирдан Раҳимов ўз-ўзига гапираётгандай тутакиб:

– Яна начун чақираётир эмиш У? – деди.

Ўғли кифтларини қисиб, катталардек:

– Ман нердан билий, ака, – деди. – Тез етиб борармишсиз. Шу!..

Раҳимов шошилиш соқолини қиртишлаб, наридан-бери артинди. Кийинди. Одатдаги-дай хотиржам ёнбошлаб нонушта қилмоққа вақти танг эди.

Шартта хотини хонтахтанинг қаршисига курсичани кўйди:

– Ўтиринг, – деб, шаманда паловнинг гўштини тезгина бир бурда нонга ўраб узатди. Сўнг, катта пиёлада новвотчой бераётиб, сўради: – Тавба, саккиз бўмий иша галса!.. Ухлийдимми ўзи У одам?

Кеча, катта чошгоҳ маҳали Биринчининг оқ чойшаб сирилган диванда мудра-ётганлигини кўриб қолгани Раҳимовнинг ёдига тушди::

– Кабинетида ухласа герак-да! – деди.

– Манга қаранг, ўзингиз наву деб ўйлийсиз – тонг-сахарлаб сизни чақиртира-ётгани яхшиликкамикан-а?

Ногоҳ, ютган лўкмаси бўғзига тикилиб, Раҳимов паришон бошни чайқади:

– Ай, Пошша!.. – деди, ўзигагина аён бир хавотир билан. – Ай, билмадимо-о-ов!..

* * *

Раҳимов ҳаялламай етиб борганида, Расулов саломга алик олмай, дабдуруст-дан бар-моғини бигиз қилиб:

– Шуни бир билиб қўйингки, агар биз билан галишиб ишласангиз, обрў-эъти-бор ортирасиз, – деди. – Агар қайсарлик қилсангиз, бадном бўлиб, инингиза гириб гетасиз. Душундингизми, Раҳимов?!

– Ўртоқ Расулов, мани арзимни тингламайдиган бўлсайизлар...

– Йўқ! – деб, Расулов шитоб ўрнидан турди. Столни айланиб ўтди. – Аввал сиз бизнинг гапимиза қулоқ соласиз, кейин биз... Ясно?!.

Ушбу чулчутча сўроқ-истоғу алламбало таҳдиддан кейин, Раҳимов, албатта: тушундим, ёшулли, дейиши керакмиди. Лекин айна тобда ўзини кўчадаги – эр-кин, дахлсиз, – Расулов эмаслигини, тобора хокисор бир бечорага эврилаётган-лигини – тенгсиз қудрат олдида ҳеч кимга эмас, ҳатто ҳеч нима экан-лигини шуурида алам билан, жисму жонида эса бир оғриқ билан англамоқда эди. Шунгами, тили гапга айланмай, жимгина мунграйиб қолди.

– Ким ўргатди сиза, ўртага одам қўйгин, деб?.. Дойингизнинг юзинан ўтол-мадим – кекса партия ходими; областдаям, республикадаям таниқли, ҳурматли оғамиз. Яхши, ишлийверсин, дедим. Ҳалиям гапим шу: бугуноқ Детдомни қа-бул қилиб оласиз; у йигит, – Партшколани сиртдан битирган экан, – то иша ўр-ганиб-кўникиб гетгунча, Домпионерингизниям ўзингиз бошқарасиз. Гап тамом. Ё... гапингиз борми? – деди Биринчи, важоҳат билан қараб. – Хўш?!

Раҳимов, Расуловнинг кўзларида беҳос шоён бир қаҳр... беадат бир ғазаб ифодаларини илғаб:

– Гапми? – деди. Ва, тақдирга тан берган каби, ниҳоят, хиёл асаблари юмшаб, бошини чайқади. – Гапим йўқ.

– Яхши... Дим яхши!.. – деб, Расулов шартта Раҳимовнинг қўлини маҳкам сиқди; Раҳимовнинг қўли, ҳатто, кифтлари ҳам шалвирагудай бемажол, қарахт эди, бармоқлари бир ғижимланганидан беихтиёр хушёр тортдию, қаддини ғоз тутиб, кўксини керди. – Боринг, дадил иш бошланг!.. Зоҳир сизни кутаётир.

Раҳимов варраги қўлидан учиб кетган боладай шумшайиб хонадан чиқди.

... *уф-ф-ф! Уф-ф-ф-ф!* – деб аччиқ хўрсинди; гуё уйқудаю, бари тушда кеча-ётган каби юзларини қаттиқ-қаттиқ ишқалади, бошини чайқади, хаёлида эса куйдирги бир савол чарх урмоқда эди. – *Энди нишатаман-а?*

* * *

Ҳамон Раҳимовнинг кўнгли ғаш эди, Зоҳир Каримни, Олимовани Болалар уйининг дарвозасига яқинлашар-яқинлашмас кузатиб қўя қолди: қўлучи!.. Лоа-қал, йўл бўйида шай турган машинага ўтиришларини ҳам кутмади – арзимади ғалласи, куйдирди шогирдонаси. Хомуш ортига бурилди.

Нима қилсин – кучи етгани шу-да!..

... *ййнашмагин арбоб билан, арбоб урар ҳар боб билан.* – Ушбу ҳикмат эрта-лабдан бери минг бора хаёлидан кечгандир. Лекин, хоҳласин-хоҳламасин, Пио-нерлар уйидан айро тушганини ўйласа, – ё пирай! – беихтиёр алами қўзиб, тиш-лари ғижирлайверади. – *На илож?!*

Ниҳоят, Раҳимов ишчи-хизматчиларнинг хужжатлари билан бир-бир таниш-гач, биринчи куннинг ўзидаёқ бош ошпаз Шавкат Тўра деганларини ҳамда Хў-жалик мудирини ишдан бўшатишга аҳд этди: Шавкат Тўра деганлари, – *Худо омадини берсин,* – аёлванд экан – ўн бир фарзанди бор эмиш; хотини – уй бека-си.

... *албатта-да, шунча болани туғиш, ҳам бирор жойда ишлаш... Э, бечо-ранинг ўлмаган жони-е!* – деб ўйлади Раҳимов, кафтини пешонасига босиб. – *Эрнинг маоши, ина, эру хотиннинг қорнини тўйғазмоққа ё етар, ё етмас. Бир товўққа ҳам дон керак, ҳам сув...*

Раҳимов табиатан жуда кўнгличан, болажон эди, боши қотди: қарори тўғ-рими ўзи – гуноҳи кабирга ботмайдими?.. Ўша аснода бир ривоят ёдига тушди: мачитда бир чипор мушук яшар экан. Ёвош, ақлли... Ҳеч ўғрилиқ қилмас экан, ҳатто, оч қолса ҳам!.. Кунларнинг бирида, муллаваччалар қарасаларки, бир бўлак лаҳм гўштлари жойида йўқ эмиш. Гўшт яна ва яна гумдон бўлганидан сўнг, муллаваччалар пойлаб, чипорни қўлга тушириптилар. Улар қий-

чув-лашиб, ахийри жониворни узоқ бир маҳаллага адаштирмоқчи бўлганларида, мадрасанинг мударриси хабар топиб: “Сабр, бўталарим, сабр!.. – дебди, оппоқ соқолини силаб. – Гуноҳи кабирга ботмайлик. Аввал аниқланглар-чи, агар болалаган бўлса, биз кўмаклашиб туришимиз керак. Ана ўшанда жонивор ўғ-рилиқ қилмайди.”

... *Детдом – мадраса эмас, ман – мударрис...* – деб ўйлади Раҳимов, қарори тўғрилигига ўзини ишонтириб. – *Ман энди етмиши етти етимакнинг ота-симан. Бирин-бирин ҳаромхўрларнинг думини туғишим герак, токи!..*

Бош ошпаз – Шавкат Тўра, қорни хийла қаппайган, юзлари қип-қизил, калта кузалган мўйлави ўзига ярашган, қирқ ёшлардаги йигит экан, ишдан бўшатиш-ганлигини эшитиб, аввал бир зум анграйиб қолди, сўнг қизларникидай узун-узун киприклари пирпираркан, энди болагиналарининг муқаррар оч-наҳор қо-ларларини ўйладими, кўзлари қизарди, намланди. Ва, ниҳоят, лабларини ялаб:

– Начун ахир?!.. – деди, қалпоғини бошидан ғижимлаб олаётиб. Унинг қал-поғи оппоғу, лекин шалпайган томони хели кирланганроқ эди. – Начун, ёшул-ли?... Ўғрилиқ этдимми-ё? Ман... ман, сизам билсангиз гарак ахир, ота-боболари хоннинг бош ошпазлари авлодиданман, ёшулли. Кўргандирсиз, улли отам Матчон Тўра билан акам Мадрахим Тўранинг расми шаҳар музейининг тўрида осиглиқ турибди.

– Тангри ёрлақасин сизни, иним, – деди Раҳимов, гўё рўпарасида ҳаромхўр Шавкат Тўра эмас, – қабри илоҳий нурлар ила мунаввар бўлгур! – Матчон Тўра-нинг ўзи тургандек, ҳар иккала қўлини баравар кўксига босиб. – Ота-боболари-нгизнинг машхур ошпаз бўлганликларини бутун эл билади. Лекин бугун бир тоғора пиёзни бир қошиқ пахта ёғида куйдириб, бир қозон овқатни қизартириш – ота-боболарингизнинг арвоҳлари олдида уят-да!.. Дўғрими, иним? Она сутига тўймай, ота меҳрига зор ўсаётган норасида етимакларни биз қайғиришимиз ге-рак. Билдингизми?

– Манга раҳмингиз галсин, ёшулли. Кўчада қолиб гетмайин. Маниям ўн бир балам бор ахир, ёшулли.

– Биладан. Умрларини берсин. Бўшашманг!..

– Устингиздан арз этаман...

Унинг дийдиёсига қулоқ солмай:

– Ихтиёрингиз, иним, – деб, Раҳимов ўрнидан турди-да, шундай қилмаса гап чўзиладигандек, хонасидан чиқмоққа чоғланди. – Биз, барибир, Искандар со-сойга ё Шокир буғалтирга айтамиз: сиздай ошпазни ишсиз қолдиришмайди.

Шавкат Тўра Раҳимовнинг ортидан қабулхонага ночор тумшайиб чиқди-ю, тарс-турс юриб, даҳлизда кўздан ўчди.

* * *

Ахийри, кўярда-қўймай, Пионерлар уйининг катта методисти Матқодирни Болалар уйи Хўжалик мудирлигига ишга тайинлаганидан сўнг, Раҳимовнинг кўнгил ғашлиги тамомила тарқагандай бўлди.

Илк танишув чоғидаёқ бўйлари пасту баланд, сочлари сарғиш, қора, қизғиш, кўзлари кўк, тарғил, мовий, қоп-қора, жавдирабгина турган болагиналарни ях-ши кўриши зарурлигини ҳамда кўксига беадат бир оғриқ билан етимаккина-ларни ёктириб қолаётганлигини ўйлагани ҳамisha ёдида. Яхши кўриш истаги эса ўша лахзалардан бери тобора авж олаётгани айни ҳақиқат. Айниқса, бош ошпаз Шавкат Тўрани бўшатганидан кейин!..

Дарвоқе, Матқодир аввалида уввало кўнмаган эди: йўқ, деган эди паришон бошини чайқаб: “Йўқ!.. Биласиз, ман сизни ўз оғамдин яхши кўраман, лекин ўз уйимдай бўлиб қолган жойимдан мани бежой қилманг, илтимос?..”

Тўғри-да, салкам йигирма йилдан бери ишлаб, обрў-эътибор орттирган ишхо-насида, кўнгил кўйган касби корию дўсту даврадошларидан айро тушиш осон-ми. Умр – оқар дарё:

бандасига кўп нарса керак эмас – яхши хотин, яхши фарзандлар, яхши касб, яхши дўст, яхши давра... Осонми – то янги жойга кўн-гил қўйгунча?!.

Аммо-лекин, Раҳимов Матқодирга ётиги билан тушинтирганидан кейин, ин-жиқлик қилмай, рози бўла қолди: “Яхши! – деди, дабдурустдан кўзлари бош-қача чакнаб. – Дим яхши ўйлабсиз, ёшулли!..”

Ажабки, Болалар уйининг тарбияланувчилари шаҳар мактабларида ўқиётган-лари учунми, Болалар уйида биттаям тўгарак йўқ экан. Раҳимов Болалар уйи-нинг ўзида худди Пионерлар уйидагидай турли тўгараклар тузажакларини айтди: “Ёш табиатшунослар”, “Навқирон техниклар”, “Ўғил-қиз меъморлар”, “Гўзал раққосалар”, “Каштачи қизлар”, “Бизнинг мусавирлар”, “Жўровоз хонандалар” ва ҳоказо.

– Маъқулми?.. Тўгаракларнинг баричикини ўзинг назорат қиласан. Яхши, де, ўжарлик этма, ўзинг яхшисан-ку, Қодирбой – иним?

Матқодир, бир зум ўйчанликдан сўнг:

– Яхши, – деди, юз-кўзлари жилмайиб. – Дим яхши ўйлабсиз!..

– Отанга раҳмат, Қодирбой! – деди Раҳимов, қўлини чўзиб. – Эса, таша!.. Лекин айтиб қўйий: асосий вазифанг, – ман бору йўқ, – Хўжалик ишларини бошқариш!..

– Шуниси сал чакки-да, ёшулли! – деди Матқодир, тагин жилмайган қўйи, оғасидай кадрдонининг қўлига қўлини шарақлатиб ташаётиб. – Яхши, сиз айт-ганча бўла қолсин!..

Ана ўшанда Раҳимов на фақат болаларнинг ҳаётида, балки айни чоғда ўзи-нинг ҳаётида ҳам унутилмас нималардир рўй бераётганлигини кўнглида гурул-лаган бир ҳаяжон билан аниқ идрок этган эди.

* * *

Хуфтон маҳали.

Кенг-мўл, баланд айвон, тўрда икковгинаси: эру хотин. Ўртада хонтахта, хон-тахта устида ёз неъматларига тўкин дастурхон: олма, анор, шивирғони, коса-ланган гурвак...

Раҳимов ҳалигина ишдан қайтган эди.

Ёшигию деразаси айвонга қараган анави уйда кенжаси хонтахтага мук ту-шиб, дарсини қияпти, тўнғичи ошхонада, қолган учаласи эса пахтада.

Ҳаял ўтмай, тўнғичи катта сапол товоқ тўла курдик ҳамда иккита қошиқик, тоза ювилган битта қизил қалампирни олдиға қўйгач:

– Ош бўлсин, ака, олинг, – деб, тагин ортиға қайтди.

Аллақачон кечки овқат маҳали ўтганига қарамай, Маҳалла қўмитасидан пах-таға жўнатилаётган маҳалладошларининг дийдиёсидан сулайиб, роса очиқиб қайтган эса-да, Раҳимовнинг иштаҳаси йўқроқ эди, аччиқ қалампир иштаҳасини очишидан умид қилиб, тавоққа қошиқ солди: иссиққина.

Салкам қирқ йиллик ёру жони чой қуйиб узатди.

Чой қайноқ эди, пиёладан димоғни эркалагувчи буғ аралаш ёқимли ҳид таралмоқда эди.

Раҳимов пиёлага бир пуфлаб, тил куйдирар чойдан озроқ хўплади:

– Яхшимисиз, Пошша? – деди.

– Яхшилигимни олғий, – деди хотини. – Мактабдан тирик сурат бўлиб қайт-ган эдим. Боягача бошимни кўтаролганим йўқ... Курдикниям Ойгулийиз қай-натди. Яхшими?

– Дим мазали, – деди Раҳимов, қалампирни майин-майин эзаётиб. – Омайсиз-ми?

Хотини бош чайқади:

– Дори ичганман. Ичим аптека бўп гетди-е!.. Олинг, совимасин.

... ё *Танграм*, *мўъжизакоримизсан-ку!* – Беихтиёр Раҳимов одатича дилида тавалло қилди, аччиқ қалампирнинг таъми сингган, зуваласига тухум қўшиб қорилган курдикни там-шаниб чайнаётиб. – Балалари опаси дардина *Ў з и н г шифо берғийсан, Танграм. Оми-и-ин!*

– Пахтадан кейин, Домпианерингиза қайтаришмасмикан-а?

Эртага... шанба: икки-уч соат ўқитганларидан сўнг, бошланғич синф ўқувчи-ларини ҳам икки кун далага олиб чиқишни режалаштириб қўйганлари Раҳимов-нинг хаёлидан кечди; юқори синф ўқувчиларига бир кунда эллик килодан пахта териш вазифа қилиб белгиланган, лекин баъзилари уддалаёлмаяптилар; кичкин-тойлар ёрдам беришлари керак – пахта дегани н и м а л и г и н и улар ҳам билиб қўйсинлар; баҳонада, ўзининг хашарчи-пахтакор қизию ўғилларидан ҳам бир хабар олмоқчи.

– Йўқ, – деди Раҳимов, бир бурда нон билан овқат юқини сийираётиб. – Энди бордию қайтармоқчи бўлсалар ҳам, қайтмайман. Йўқ, дейман, Пошша... Ҳовва-а, ишонаверинг!

Эрининг ажабтовур иқроридан таажжубланиб:

– Ҳанг?! – деди хотини. – Начун – жонийизда қасдийиз борми, ҳар куни тонг-сахардан каро хуфтонгача ишлаб?

– Болалар яхши-да, Пошша, – деди Раҳимов. – Баригинаси одамнинг жони-дай!.. Шу кунларда мани, ўзимизникилардан ташқари, дағи етмиш етти ўғил-қизим бор. Яхши-да!

Эрининг иқрори нашъа қилиб, ниҳоят, хотини кўнглида қаноатбахш бир енгилликни туйган қўйи, мийиғида жилмайди: дим сара.

... *албатта-да, ман ишимни энди топдим-ку!* – деб ўйлади Раҳимов, тарс... тарс ёрилган анорнинг кўзни қамаштиргудай қирмизи доналарини бир-бир пўс-тидан айираётиб. – *Болалар... болағиналар... Ё насиб!..*

* * *

Атроф-теварак кета-кетгунча пахтазор – қарийб уфққа туташ.

Боягина поёнсиз пахтазор қизариб-бўзариб ботаётган кўёшга қўшиб, булут-лари конта-лаш уфқнинг ўзини ҳам ютиб юборган, энди лаҳза сайин қоронғилик қуюқлашмоқда эди.

Ниҳоят, Раҳимов етмиш етти омонат дафтарчани стол чеккасига қатор тергач, қилаётган ишидан боладай қувониб, ўрнидан турди. Қўлида қалпоғи темир, бинафша рангда ёзадиган ручкаси бор эди, ҳар бири қизил қаламда белгилаб чиқилган рўйхатнинг устига қўйди.

Болалар ўтган йилларда ҳам пахтага чиққанлар, ҳамишагидай терган пахта-лари учун пул олганлар ва йиғим-теримдан қайтганларидан сўнг, албатта, ўша кунлардаёқ заруратсиз майда-чуйдаларга харжлаб юборганлар.

... *бола-да!* – деб ўйлади Раҳимов. – *Қўзичоқни – бўрига, пулни – болага ишо-ниб бўларканми?..*

Болаларнинг пахта териш топаётган пуллари омонат дафтарчага ўтказиш фикри қандай хаёлига кела қолди – Раҳимовнинг ўзи ҳам билмайди. Лекин, ўйлаб қараса, чиндан ҳам яхши бўлди: эрта бир кун етимхонани тарк этаётганларида би-рин-бирин омонат дафтарчалари қўлларига тутқазилади.

... *ина кейин, бахтиқаттилар бундоқ очиб кўрсаларки, бинойидай сармоя! Суюна-суюна, бир кори хайрларига ишлатадилар-да!..* – Дарвоқе, ҳеч кимнинг таъзийиғисиз бошланғич синф ўқувчиларини ёрдамга олиб чиққанларининг асл сабабларидан бири ҳам шу. – *Ҳозирдан у г и н а л а р ҳам пулнинг ҳидини билиб қўйишлари герак. Келажакда улар учун пул – ҳам ота, ҳам она. Улар буни кейин англайдилар – кейин!...*

Раҳимов шуни ўйлаган қўйи, бамайлихотир ҳовуз бўйидаги баланд симёғочга яқинлашди, ёқкичга қўлини чўзаётиб, бирров ёнверига кўз югуртиргач, чирқ эт-казиб буради: бирдан бир неча симчирокларнинг ёрқин нуридан ҳаммаёқ оп-ойдин бўлди. Ва, ўша захоти дарахтларнинг тепа шохларида кимўзарга чуғур-лашаётган бари қушларнинг овози ўчди.

Кундалик вазифасини бажариб, даладан эртароқ қайтган болаларнинг бирла-ри ошпазларга, бирлари тарбиячи-мураббийларга қўмаклашиб, дастурхонни ту-заяптилар.

Қандай яхши – ана: ҳамма бирор бир юмуш билан машғул – бекор юргани ё ўйинқароқлик қилаётгани кўзга чалинмайди. Ҳовуз теварагини узун столлар эгаллаган. Кимдир дастурхонга нон, кимдир мева-чева, кимдир бир-бир қошиқ қўяпти... Кичкинтойлар эса ёнма-ён

ўтириб, овқат келтирилишини бетоқат кутаяптилар; хали-хозирча ҳеч ким дастурхонга қўл чўзганича йўқ, гарчи, бо-лалигим – пошполигим, бўлса ҳам.

... *тартиб шунақа.* – Раҳимов шуни дилида қайд эти аётиб, бир-бир бола-чаларга ҳам меҳр, ҳам раҳм аралаш ўйчан кўз югуртираркан, енгилгина энтикиб қўйди. – *Макаренко айтган: барча ютуқларнинг асоси тартиб ва тарбиядир. Авлоний айтганки, тарбия – ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокатдир.*

Ҳамма жамул-жам бўлганидан сўнг, бир зумда навбатчи қизалоқлар, ўспирин йигитчалар овқат тарқатишади.

Раҳимов билади – дил-дилидан ҳис қилади: овқат келтирилишини тоқат би-лан кутаётган манави бир-биридан ширин болачалар ҳамма ота-онали тенгдош-лари каби, жорий тартибнинг жафокаш малайи бўлмай, кўнгиллари тусагандай эркалик қилгилари келади..

... *албатта, озорсиз-малолсиз шўхлик-шаддотликларга ҳам ҳақлари бор,* – деб ўйлади Раҳимов. – *Бор-да, бор, лекин... Ҳар қанча шўхликка ҳақлари бор, шумликка – асло!*

Гоҳо эрта тонг чоғлари, гоҳо уйқулари қочиб, тун алламаҳалда ўз-ўзлари би-лан ёлғиз қолганларида, ёхуд катта чошгоҳ маҳалидан кейин, салқин, зах эгатда кўкракларини ерга бериб, терган ярим этак, бир этак пахталарига маъюс, ғам-гин манглайларини босганча, аянчли қисматларини ўйлаб, она меҳрини, ота меҳрини қўмсаб, еру кўкка сиғмай, зор-зор йиғлайдилар.

... *болагиналарнинг баъзан кўзлари қизариб, қовоқларининг ишиши, мискин юришлари шундан. Лекин, на илож?*

Ўзининг кенжасидан қиёс: ҳар қанча ўзини уллилардай тутишга уринмасин, барибир, вақти-вақти билан опасининг пинжига кирадию, қучоқлаб, исканади, эркаланади... Ҳатто, лабларини майин тук босаётган катталари ҳам!..

... *э, бунингдийин бахту давлат ҳамма болагаям насиб этавермас экан-да!..*

Раҳимов хомуш ортига қайтди. Ўрнига ўтирди.

Ана, овқат тарқатиб бўлинди.

Соатига қаради.

... *вақт – ўн бешта кам саккиз – аввал оқшом. Ҳали кеч эмас. Ҳадемай, овқат еб бўлинади. Кейин...*

Болаларнинг омонат дафтарчалари билан боғлиқ муаммони ўйлаб, Раҳимов:

– Қодир, – деди. – Қодирбой?!.

Олди брезент билан тўсилган ошхона айвони томондан Матқодирнинг овози эшитилди:

– Лаббай, ёшулли. – Ва, ҳаял ўтмай, чакқон яқинлашаётиб сўради. – Ай-тийми, дастурхон ёзаверсинларми?

Болалар овқатланиб, идиш-товоқлар йиғиштириб бўлингач, ошпазу тар-биячи-мураббийлар бирга давра қуриб овқатланишарди.

– Йўқ, – деди Раҳимов. – Ўтиринг. Омонат дафтарча масаласи мани ўйланти-раётир.

– Унинг навуси сизни ўйлантиради, ёшулли, – деди Матқодир, шартта Раҳимовнинг рўпарасига ўтираётиб. – Қайтага бари хурсанд бўлади-ку!

Аслида, шундайку-я, лекин, болаларнинг орасида яширинча сигаретми, папи-росга кўнгил қўйганлари, бўйи чўзилиб қолаётган қизлардан баъзиларининг қошқаламу лаббўёққа ишқи тушаётганлари бўлиши мумкин.

... *катта кетиб бўлмайди-ку, бола-да!..*

Қачонлардир қўлларига тегадиган даста-даста сармоя эмас, айни кезде нақд оладиган беш-ўн сўмлари уларни кўпроқ қизиқтирилишини айтиб:

– Биз болаларни ўзимиздан ранжитиб-бездириб қўймаслигимиз герак, – деди Раҳимов.

– Ина, масала нерда, Қодирбой – иним!

– Ман буёғини ўйламаган эканман, ёшулли. Сиз – ҳақсиз.

– Ўйланг, иним, ўйланг!..

Иккинчи ўн кунлик йиғим-терим якуни бўйича, айрим чевар қизларга етмиш беш сўм, баъзи болаларга эллик-эллик беш сўмгача берилиши керак. Бош-ланғич синф ўқувчиларининг барига уч сўмдан беш сўмгача...

... эллик сўм шунчаки арзимас пул эмас-а!.. Бир камбағалнинг салкам бир ой-лик хизмат ҳақи, – деб ўйлади Раҳимов. – Аёлларнинг энг қимматбаҳо чехча фасон этикчаси ўттиз-ўттиз икки сўм, йигитларнинг мана ман деган финча костюм-шими эса эллик сўмнинг нари-берисида.

– Агар улар бугун фалон сўмдан қўлларига пул олсалар, эрта кечкурун шум-такаларингизнинг бир-яними гўзингизни шамғалат этиб, калхўз марказидаги дўкондан виноми ё бошқа бир балолар олиб келмасликларига ёки бир-бирининг пулларига кўз олайтирмасликларига сиз кафил бўлоласизми, Қодирбой – иним?

Қодирдан садо чикмади, тирсагини столга тираб ўтирган эди, муштини оғзи-га босиб, қошларини бир керди-да, бошини сарак-сарак қилди.

– Болалара пуллари ўрнида омонат дафтарчаларини топширганимиздан ке-йин, бош тарбиячи билан иккинги ўқувчиларимиздан кимда-ким уч-тўрт сўма мухтож бўлиб қолса, албатта, ўша захоти бериб дуришларингизни айтасиз, – деди Раҳимов. – Болаларимиз биздан хафа бўлмасликлари герак. Яхшими?

– Яхши, – деди Матқодир, бошини ирғаб. – Душундим, ёшулли.

– Пул бераётганда журналга ёздириб, қўл қўйдиรวолишни ҳам унутмаслик герак.

– Яхши-ажаб!..

– Шундий этсак, болалар ҳам жавобгарликни душунади. Дўғрима-а?

– Дўғри... Дўғри айтасиз, ёшулли.

– Энди иккинчи м а с а л а, – деди Раҳимов. – Лекин, бу – асосийси, Қодир-бой – иним! Матқодир қулоқларини динг қилди.

– Кунлик нормани бажармаганларни “уялтириш”ни омонат дафтарчаларни тарқатишдан аввал ўтказамиз. Дафтарчаларни кейин... Тантана билан!.. Биз шундий этишимиз геракки, улар ҳам омонат дафтарчанинг нелигини душун-синлар!.. Аввал омонат дафтарчани топшириб, кунлик нормани топширолмаган дангасаларни ур калтак-суркалтак этиб уялтирадиган бўлсак, омонат дафтарча деганимиз гўзина балo-қазодай гўриниб гетади.

Топширикни ошириб бажарган ўн, гоҳо ўн беш бола ҳар куни кечки овқатдан сўнг ҳаммага ибрат, намуна қилиб кўрсатилади; чевар ўқувчиларга барча, ҳатто, тарбиячи-мураббийлар ҳам бор овозда жўр бўлиб олқиш ёғдирадилар: раҳмат! Қойил!! Ана кейин дангаса теримчилар – беш-олти қолоқ ўқувчи – саф олида қатор турғазиб қўйилиб, уларнинг ахил-иноқ оилага иснод келти-раётганликлари; агар улар ҳам топширикни ошириб бажарганларида, шаҳар мактаблариаро ташкил қилинган кўчма Қизил байроқни қўлга киритишлари; пировард-натижада Болалар уйи теримчилари катта мукофотга эга бўлажаги аччиқ-аччиқ дакки-дашномлар билан айтилгач, ҳамма барабар замбараклардан ўқ узаётгандай маломат ёғдиради: ялқовлар шаънига: уят! Уят!! Уят!!!

Ҳамма жўр овозда авж билан: уя-а-ат! Уя-а-ат!! – деяётганда, дарахтларнинг тепа шохларида мудраётган кушлар жонҳоври потрлаб, зимистон қўйнига отиладилар ва шунинг бароба-рида, еру осмон гумбрлаётгандай туюлаверади.

Чиндан ҳам, ушбу манзара четдан кузатган бировга жуда аёвсиздай туюлиши мумкин: аммо, на чора?!.

Гулдурoс маломат эшитаётганлардан баъзиларининг кўзлари дилўрттар лаҳза-ларда ёвқур чақнайди; баъзи қизалоқларнинг эса кўзлари жиққа ёшга тўлади.

Аслида, бундай бўмағур усулни ўзи ўйлаб топган бўлса ҳам, Раҳимовга ёқмайди. Сираям!..

Бироқ, модомики пахта йиғим-терими – меҳнат фронти экан, жонини қойит-маётган ландавларга кўнгилчанлик...

... *хайф!* – деб ўйлайди, ҳар гал уятдан ер ёрилсаю ерга киргудай қизариб-бў-зараётган болажонларга дили ўртаниб. – *Ўрни галганда бахтиқаттиларнинг ка-рахт ғурурини қўзғай билиш ҳам гарак.*

Ҳали Матқодир иккаловининг маслаҳат-кенгаши тугаганича йўқ эди, шийпан олдиға бир “Волга” аста яқинлашиб тўхтади.

– И-и, Расулов-ку! – деди Матқодир, кўзлари бежоланиб. – Тинчликмикан?

... *хай, билмадимо-о-ов!*

Ўша аснода Биринчи машинадан тушди. Ҳовуз томонга яқинлаша бошлади.

Ҳамма бола, биров ўргатиб қўйгандек, баравар ўрнидан туриб, ёппасига:

– Ассалому алайкум! – деди.

– Валайкум салом! – деди Биринчи, ўтиринглар, кўзгалманглар, дегандай қў-лини так-рор-такрор тўлгаб. – Иштаҳаларийизни бузманг, болалар. Маладес... маладес, ўтиринглар.

Раҳимов илдам пешвоз чиқаётиб:

– Галинг, ёшулли! – деди. Қўш қўллашиб кўришди. – Ассалом алайкум!..

Биринчининг кайфияти яхши экан, одатдагидай ҳол-аҳвол сўрашилгач, юз-кўз-ларида майин бир кулимсиш жилоланиб:

– Жонлими, Раҳимов? – деди.

– Жонли, – деди Раҳимов ҳам жилмайиб. – Шукр этсак бўлади, ёшулли. Қаровулдан бошқа ҳаммачикимиз пахтадамиз.

– Яхши!.. – Сал чеккароқда Матқодир қўл қовуштириб турган эди, Расулов қўлини уза-тиб саломлашди. – Ничиксиз?..

– Раҳмат, ёшулли!..

Стол атрофида юзма-юз ўтирдилар.

Раҳимов, одатича, дилида шукронасини айтиб, гуё қошларини силаётгандек, икки қўллаб эмас, ўнг қўлининг кафти билан юзларини сийпалаб қўйди.

Расулов, – *мусулмон-ку!* – сезган бўлса-да, ўзини билмаганга солиб, қатор те-рилиб тур-ган омонат дафтарчалардан бирини қўлига олди:

– Бу наву, Раҳимов? – деди.

Раҳимов омонат дафтарчалар билан боғлиқ ниятларини бир-бир айтгач:

– Болаларнинг келажаги учун буям бир пойдевор-да, ёшулли, – деди.

– Отангиза раҳмат! – деди Биринчи, қўлидаги омонат дафтарчани бир қур кўздан кечир-гач, жойига қўяётиб. – Дим яхши ўйлабсизлар. Лекин, бизнинг ёшларимиз пулга – бойликка эмас, меҳнатга, биродарликка меҳрли бўлишлари гарак. Партиямиз, ҳукуматимиз ёшларимиз-нинг ғамини ейди. Сиз хавотирла-наётганингиздай, эрта бир кун уларни чорраҳада бош қаш-тиб қўймаймиз.

Раҳимов, гуё кечирилмас бир жиноят устида қўлга тушгандек, н а х о т к и-а?! – деган каби Биринчининг оғзига жим қараб қолди: етимакларнинг кела-жагини қайғириб амалга оширмақчи бўлган хайрли ниятини оқлаш учун бирор бир гап айтолмай, аччиқ хўрсинди.

– Аммо сиз тўғри қилаётирсиз, Раҳимов! – деди Биринчи, қадим-қадимлардан синалган давлатдорлик усулини ёқлаб. – Бойваччадан кўра, тегишли ҳақина эга бўлолмаётган қарамни бошқариш осонроқ; шу йўл билан баъзи бир кўнгилсиз-ликларнинг ҳам олди олинади.

Ўша пайтда Матқодир бир чойнак чой ҳамда иккита пиёла келтирди. Ва, тик турган қўйи, чойни шопиргач, пиёлаларга чой қуйди-да, биринчисини Расу-ловга узатди.

Расулов чойдан ҳўплаб, Матқодирдан:

– Кечки овқатларингиз наву? – деб сўради.

– Шовла, – деди Қодир.

Расулов Раҳимовга хушҳол жилмайиб:

– Маниям шовла билан сийлайсизларми, Раҳимов? – деди. – Ёки бир пиёла чой бериб қутулмоқчимисизлар?

... демак, билса – ҳазил, билмаса – чин, деганларидек, буям бирўзича праверка экан-да!

– Йўғ-э, ёшулли!.. – деб, Раҳимов Матқодирга юзланди. – Қизлариза айтинг, дарров дастурхон ёзсинлар!.. Ёшуллининг шафёрини ҳам овқатлантиринглар.

Дархол оқ халат кийган бир хамшира қиз ҳамда тарбиячи жувон бир-биридан чакқонрок зипиллаб, бирпасда тўкин дастурхон тузади: аччиқ-чучук, қавун-тар-вуз, олма-анор...

Кейин, хамшира қиз ҳар икковларининг олдига бир тавокдан шовла қўйгач, аста:

– Ош бўлсин, – деб, Раҳимовга қаради: дағи бирор хизмат борми?

– Раҳмат. Кўп раҳмат! – деди Раҳимов, боравер, қизим, дегандай бошини ирғаб.

Расулов шовладан ярим қошиқдан мўлроқ олиб оғзига солди, тамшанди, сўнг Афандининг шовла еяётган чоғида кўзларидан ёш чиқиб кетгани ҳақидаги латифани сўйлаётиб, янаям хушхол жилмайди:

– Мезбон сўрабди: Афандим, начун кўзларийиздан ёш чиқиб гетди? Афанди шовланинг ширинлигини, тил куйдирар даражада иссиқлигини айтмай, айтса – ўзига кам қоладигандек, бош чайқаб: э, сўраманг, ажойиб қайнонам бор эди, раҳматли ёдима душиб, хаёлим алғов-далғов бўпгетди, дея шовланинг ёғини қориштириб, кўпроғини ўзи томонга тортган экан, – деб, баралла кулди. Сўнг: – Сизларнинг шовлаларингиз оғизни куйдирар даражада бўлмасаям, лекин, Афандининг гўзлариннан ёш чиқарворган шовладан кўра мазалироқ экан, – деди. – Яхши... яхши!

– Ошпазимиз мактаб кўрган йигитлардан, – деди Раҳимов. – Матжон ошпаз-нинг шогирди. Қўли дим ширин.

– Аввалгисини нишаттингизлар?

– Искандар сосойнинг ихтиёрина ўтказвордик.

Биринчи маъқул маъносида бошини ирғаб:

– Ҳм-м, – деди. – Сиз ҳам эшитгансиз, Раҳимов: “Галинбийимнинг паловини ширин қилган оғамнинг бозорлиғи”, деган экан биров.. Гап – масаллиқнинг хомталош этилмаслигида!.. – деб, Биринчи жиддият билан сўради: – Кўчма бай-роқни ала киритиш ниятларингиз борми, Раҳимов?.. Начун тўртинчи ўриндан ҳеч кўтарилолмаётирсизлар?

Ҳар беш кунлик натижаларига кўра, ҳашарчи-теримчиларга ҳақ тўланиб, Байроқ топ-ширишда ҳам шунга амал қилинса, албатта биринчи беш кунликдаёқ байроқдор бўлишларига Биринчини ишонтириб, Раҳимов:

– Шуни йўла қўйиб берсангиз, дим яхши бўлар эди, ёшулли, – деди.

– Начун беш кунлик?

– Ҳар беш кунда ҳақ тўланса, болаларнинг қизиқиши кучаяди-да, айниқса бизникиларнинг!.. – деди Раҳимов. – Биласиз, етимакларнинг меҳр-мурувватга қарашлари бошқача. Нима, биз улардан каммизми, деб байроқдорликка интила-верадилар-да!... Кейин, ҳар кило-сина ҳеч бўлмаса, йина беш тийин қўшилса?... Ёгин-сочинли кунлар яқинлашаётир.

– Ҳозир қанчадан олаётирсизлар?

– Ўн тийин, – деди Раҳимов. – Ҳадемай, иккинчи терима тушамиз.

Гўё Раҳимов ўн тийинни менсимаётгандай туюлди, Биринчи:

– Ўн тийин деганимиз – битта яхши кулча-ноннинг баҳоси, Раҳимов, – деди. – Учинчи... тўртинчи теримдан кейин яна ўн тийин қўшса бўлар. Ҳозирча беш тийин?... Да-а-а!.. – деб, Биринчи ўйчан бош ирғади. – Яхши, эртадан ҳар кило-сина беш капак қўшилади... Демак, биринчи беш кунликда байроқдор бўласиз-лар?

Кичкинтойларининг ёрдамига ишонди, Раҳимов:

– Бўламиз, ёшулли! – деди. – Фақат, илтимос, мукофотга кийим-кечак эмас, бизга сигир бўладиган ғунажин ёки сигир берсалар? Сизнинг ёрдамингиз билан мавсум охиригача бир-иккита сигирли бўлвосак... Буям бир умид-да, ёшулли.

– Яхши, – деди Биринчи, Раҳимовнинг талабини маъқуллаб. – Сиз аввал Бай-роқни ала киритинг. Сигир масаласини ҳам, сигирларингизга ем-хашак масала-сини ҳам биз ўзимиз сизга ҳал этиб берамиз.

Охирги марта жигар қонидай қип-қизил гилам тўшалган кенг-мўл, узундан узоқ хонадан дилтанг, қарахт алфоз чиқаётиб, ёноқларидаги қорамтир доғла-рини, ҳатто, мойупоям беки-толмас Зийнатнинг гўрига йўлақай дилида ғишт қалаган кунидан бери Раҳимов Биринчи билан кўришмаган – бинобарин, бун-дай ҳамсуҳбат бўлиш насиб этмаган; шу тобда эса, янгираб-от-ликларга ҳайрон қолмоқда эди.

... ажаб, шунингдийин раҳбарни-я?! Ҳай, ношукрлар-а!.. Ўзи, аслида, иш бую-рувчи, буюрган ишининг натижасини ижкилаб сўраб-суриштирувчи раҳбар қачон, кима ёқибди – ёқмайди-да!..

Бирок, бир пиёла чой баҳонасида қисқа муддат давом этган ишчан, дилкаш, унутилмас суҳбатдан сўнг, янгираб-от-ликларнинг куни Раҳимовнинг ўз бошига тушиб, анг-танг қотди-қолди: йўлга шай турган “Волга”га яқинлашаётган эди-лар, Расулов аста Раҳимовнинг билаги-дан тутиб:

– Бугун пешинда Бекназар Сардорнинг бригадасида хашарчиларни йиғиб, мажлис ўтказибмисиз? – деди.

– А-а, уми?.. – деди Раҳимов, лекин Биринчининг аллатовур синчков назари дилини оғритди. – Мажлисбоз дедиларми?

– Қизишманг, Раҳимов.

– Ахир, биласиз – ман маҳалла қўмитасининг раисман, ёшулли, – деди Раҳимов. – Маҳалламиздан келган даъвойиқоқ хашарчиларимиздан биттаси Бек-назар Сардор билан урушиб қолган экан. Шундий йиғим-терим маҳали ота гўри, қозихона этиб юришмасин деб... Дарров сизга чакибдилар-да?

– Парво қилманг. Дим дўғри этгансиз, отангиза раҳмат! – деди Расулов. – Ўзи, аслида, ман сиза бошқа бир янгиликни айтиш учун келган эдим: Олимова бизнинг дамимиза дош беролмаётир... Аёл-да, йиғлаб-сиқтаб кеча аризасини топширди.

Аллазамонлар рўй бериши зарур-у, лекин, ниҳоят, энди содир бўлган янги-ликни эшитганидан кейин, нимадир дейиши кераклигини ўйлаб, Раҳимов, ҳеч бир шавқсиз, надоматсиз оҳангда, ҳали гап нимадалигини англамай, йўлига:

– Э, шундийми? – деди. – Қаранга-а!..

– Ўрнингиза яхши бир шогирд таёрланг...

Бирдан бир пақр муздай сув бошидан қуйиб юборилгандай сесканиб, Раҳимов Биринчининг қўлидан билагини бўшатдию, беихтиёр бир қадам ортига тисарилди.

– ... Пахтадан кейин...

Биринчининг гапини охиригача эшитмай, Раҳимов:

– Йўқ-йўқ! – деб, ҳар иккала қўлини барабар кўксига босди, паришон бо-шини чайқади. – Уддалаёлмайман. Илтимос?..

– Сиз – уддалайсиз. Биз – сиза ишонамиз.

– Ўзимни ўзим биламан-ку, ўртоқ Расулов – ёшулли – жон оға?..

Нимадир наъша қилаётгандай майин кулимсираганча, орқа эшикдан маши-нага ўтираётиб, Биринчи яна такроран:

– Ман сиза ишонаман, Раҳимов, – деди. – Ҳозирча!..

... эси жойидами ўзи бу одамнинг? – деб ўйлади Раҳимов, гангиброқ ортига қайтаркан, меҳр-мурувватга жонини ҳам аямайдиган, бир-биридан ширин бола-жонлар кўзўнгидан бир-бир ўтаётган кўйи, оғир энтикиб. – Тавба!.. Ҳар бири бир дунёга тенг болалардан кечи-а?! Йўқ... йўқ!..

Айни ўша аснода сочлари пагила, юзлари дўмбоқ, ўн бир-ўн ики ёшлардаги бир парвардаси – Султонпошша – чопқиллаб яқинлашди, қўлидан ушлади, кўзларига жавдираб:

– Ота! – деди. Қизалокнинг кўзлари тим қора эди, хиёл намли эди. – Манга уят айтмасинла – илтимос, ота?.. Мани беш кило пахтамини тарозибон, хом терибсан, деб ёзмади.

Султонпошша – *етимча* – ота деганидаёқ Раҳимовнинг кўкси одатдагидай бошқача жиз этган эди, ҳали жавоб айтишга улгурмай, ўртоғининг изидан югу-риб келаётган синфдоши – Мадамин:

– Султонпошша дўғри айтаётир, ота, – деди, сал нарида тўхтаб. – Ишонаве-ринг: беш кило пахтасини тарозибон ҳисобга олмади.

– Ина, Мадамин ҳам гапингни тасдиқлаётир, – деди Раҳимов, Султонпошша-нинг бошини силаб. – Хотиржам бўл, она-қизим, сани ҳеч ким уялтирмайди. Кеча қанча терган эдинг?

– Эллик кило, – деди Мадамин. – Ман ҳам эллик!..

– Эртага-чи?

– Эллик-да, ота, – деди Султонпошша.

– Йўқ! – деди Раҳимов, бошини чайқаб. – Йўқ... Бунақаси гетмийди. Эллик бешдан. Ҳали биринчи терим тугагани йўқ-ку!.. Эртадан пахтаси оқиб ётган далага ўтасизлар. Ман сизлара ишониб, ёшуллага ваъда қилдим: бу гал Бай-роқни биз олишимиз герак. Оламиз-а?

Ҳар иккалови ҳам, болаларча ишонч билан, баравар:

– Оламиз, ота! – деди.

– Балле! – деди Раҳимов, ҳар иккаловининг кифтига бир-бир қоқиб. – Боринг-лар, қароғларим. Саф тортинглар. Ман ҳозир...

Султонпошша ҳам, Мадамин ҳам болалар томонга бир-биридан ўзишга ин-тилганларича, шодумон югуриб кетди.

... *йўқ, дейман*, – деб ўйлади тагин Раҳимов, аллақачон ҳовуз бўйида ўйин-қароқлик билан саф тортишга чоғланаётган болаларнинг барини ажабтовур меҳр назари билан бағрига босгудай тикилиб. – *Ҳа-да, бу гал... Асло!..*

20

19–75й.

11

БИР КУНИ

Ажойиб дўст, гўзал шоир

Тошпўлат АХМАДга

бағишладим.

Ҳар қандай киши ҳаётининг энг ёмон б и р к у н и – келажакда к и м бўлиб қолишида жуда жуда ҳам муҳим. Муҳим экан. У б и р к у н қачон ва қай йўсинда рўй беради – номаълум. Демак, одамнинг бир куни эмас, ҳатто ҳар бир лаҳзаси ҳам бири-биридан азизроқ, бири-биридан муҳимроқ.

Ниҳоят, Султонбой шундай хулосага келди. Лекин, ушбу хулосага келганида афсуски, кеч бўлган – қачонлардир ўша б и р к у н н и... ўша бетакрор лаҳза-ларни бой бериб қўйган экан.

Дарвоқе, Султонбой, – ўртана-ўртана! – тагинда жиддийроқ бир хулосага ҳам эришади. Ҳикоямиз шу ҳақда.

* * *

Султонбой бошқармага институт йўлланмаси билан борган эди.

Бошқарма бошлиғи пахтачилик бўлими мудирини чақиртирди.

Мудир – қоринчаси қаппайган, қошлари бароқ, қошларига оқ оралаган, соч-лари қув оппоқ, бугдойрангдан кўра қорамтирроқ, бўйи эса пакандан хиёл ба-ланд, кўзлари кичкина, бурни... ихчамгина, юзлари думалокқа мойил, эллик ёш-лардаги киши экан.

Султонбойнинг – *бамайлихотир ўтирган нотаниши йигитнинг* – саломига не-чундир хушлар-хушламас алик олиб, мудир қоринчаси устида қўлларини алла-товур мутеларча қовуштирди: хўжайин, хизмат?

... *бунча?! – Мудирнинг маъракалардагидай қўлларини қоринчаси устига қўйиб, қанотлари қора аллабир куш каби бошини бошлиқ сари ғалати қийшай-тиргани Султонбойни таажжублантирди. – Шартмикан шунақаси? Ёши кап-катта одама-а?*

Унинг – эллик ёшлардаги кишининг, бошлиққа – қирқ ёшлардаги йигитга, тавозеъ билан – мутеларча қўл қовуштиргани, ростиси, Султонбойга ёқмади. Лекин буни сездириш... сездириб қўйиш вақти ҳам, қолаверса, ўрни ҳам эмас эди; сиртдан гўё хотиржам – курсининг суянчиғига бепарво суянган қўйи – ҳар иккала ёши улуғ кишининг муомала-муносабатларини ажабтовур қизиқиш билан кузата бошлади.

– Танишиб қўйинг: укамизнинг отлари – Султонбой экан, – деди бошлиқ. Султонбой ўрнидан хиёл туриб, қўллашмоқчи эди, лекин мудир қия ҳам қара-маганидан сўнг, қимир этмай, ўтираверди. – Бизда ишламоқчилар. Мана, нап-равлениялари ҳам бор. Ўзлари шу... ўзимизнинг кўктепалик эканлар.

– Пўлат Ҳакимович, напращенияси борлиги яхши-ку, лекин кўктепалик-ларнинг ўпкаси андак баландроқ бўлади, дейдилар, – деб, мудир қоринчасини қилпиллатганча, хиринглаб кулди. – Баъзан қаттиқ-қуруқ гапириб қўйсак, тў-қимларини қоринларига оғдирволмасмиканлар?

... *нима деяпти бу энагар?* – деб ўйлади Султонбой, қошлари чимирилиб. – *Эшак демоқчими?.. Э, сани йша оғзингга... аяғим. Бўйингг-а!..*

Бошлиқ ҳам кулган бўлиб:

– Кўрасиз-да, баландроқ бўлса, силаб-сийпалаб, жойига тушириб қўярсиз, – деди. Сўнг Султонбойга юзланиб, узрчан кулимсиради. – Султонбой, кўнгли-нгизга олмайсиз-да, Бакир акангизнинг феъллари шунақарок.

... *яхши. Яхши!* – деб ўйлади Султонбой, тушундим, дегандай бош ирғаб. – *Бил-ган топиб гапирар, билмаган – қопиб... Кўрамыз.*

Ҳар иккаловларига қарата бошлиқ – Пўлат Ҳакимович:

– Биргалашиб ишлайверасизлар, – деди, ниҳоят, энди мени холи қолдиринг-лар, дегандек. – Омад!..

– Хўп бўлади! – деб, Султонбой ўрнидан турди.

Султонбойнинг бир қадар бетакаллуф гап оҳангги Бакир мудирга ёқмадими, бир чимирилиб қўйди. Сўнг бошлиққа куллик қилиб, негадир:

– Раҳмат, – деди, *ч о й ч а қ а у н д и р г а н ч о л д а й б у к и л г а н* қўйи, секин ортига тисарилаётиб. – Кўп раҳмат, Пўлат Ҳакимович!..

Ростиси, мудирнинг бу қилиғи ҳам Султонбойга ёқмай, кўнглидан хавотир-намо бир гумон кечди.

... *бунақалар а л а м з а д а бўладилар!.. Кўрамыз.*

Дахлиз узундан-узоқ эди. Нимёруғ эди. Дахлизнинг ҳар иккала томонида қатор хоналар. Айрим хоналарнинг эшиги қия очик. Ҳар бир эшикка қайси бў-лим эканлиги хусусида лавҳа ёпиштирилган: “Боғдорчилик”... “Паррандачи-лик”... “Чорвачилик” ва ҳоказо.

Султонбой кўп кузатган: бўйи ўртачароқ кишилар атай кўкракларини кериб, лўнгк-лўнгк юрадилар. Бакир мудир эса, бўйи ўртачадан пастроқлиги учунми, сал-пал кўкрагини керганидан ташқари, хийла виқор билан юаркан.

Дахлизнинг адоғига етиб, ўнг томондаги хонага кирдилар.

Хонада икки йигит мук тушиб, ҳар бири ўз олдига қўйилган қоғозларни ва-рақлаб, нима-ларнидир қайд қилаётган экан.

Мудир йигитларни Султонбойга, Султонбойни йигитларга димоғдорлик билан таништиргач, жойига ўтиб, ойнабанд шкафда қатор териб қўйилган қоғоз пап-калардан бирини олди-да, шарп этказиб стол устига ташлади:

– Укам, яна аччиғийиз келмасин-у, ўзбекнинг кичиги бўлдинг – кучуги бўлдинг, деган гапи бор машойихларнинг, – деди дабдурустан. – Унда-бунда иш буюрсак, малол келмас, а?

... *боя эшакка йхшатувди, итоғиз*, – деб ўйлади Султонбой, тишларини ғич қи-ларкан, беихтиёр чакка томирлар бўртиб. – *Энди... очигдан-очиқ... Э, сани йша!..*

Султонбой бўзрайиб, бош ирғадими ё англаширсизроқ бир ҳаракат қилдими, билолмай, қошларини чимирди.

Мудирнинг кўзлари кичкина – уккиникидай, лекин қизғимтир қорачикла-рида эса совук бир кулимсиш ифодалари беқарор изғимоқда эди.

Унинг кўзларидан нигоҳини узиб, Султонбой девордаги узун-узун, сершоҳ-сербуток пахта навларига, турли хариталару жадвалларга юзланди.

– Каллангизни лиқиллатганийизга тушунмадим: нима у – йўқ деганийизми ё хўп деганийизми? – деди мудир, сурлик билан. – Очикроқ гапираверинг, хафа бўлиш йўқ.

Баттар энсаси қотиб, Султонбой:

– Хўп, деганим! – деди, кўрсроқ оҳангда.

– Баракалло-о! – деди мудир. – Манави папкада районингизнинг пахтачилик хўжаликларига тегишли маълумотлар. Анали стол сизники. Ўтириб, яхшилаб танишиб чиқинг.

Султон кўрсатилган жойга бориб, пайпоғи қўнжидаги туфли артадиган бир парча латтани чиқарди. Аввал курсини артди, сўнгра столни... Бир-бир ғала-донларни очиб қотган нон увоқлари, ғижимланган чой қоғоз, қоғозли, қоғозсиз қанд-курс ҳамда анча-мунча туксизланган чигитни бурчакдаги ахлат челақка элтиб тўқди. Ниҳоят, ишга тутинди.

Ҳамма ўз иши билан машғул, хона жимжит эди.

Бир маҳал, мудир: ув-ва-а!... – деб кекириб юборди.

Султонбой ялт ўтирилди-ю, ноҳос бир ножўя иш қилиб қўйгандек, ўша за-хоти юзини бурди.

– Қурғур, зардам қайнаёпти, ошқозоннинг мазаси йўқроқ. Ўв, Султонбой! – деб, Бакир мудир чўнтагига қўлини тикди. – Укам, югуриб бориб, бозордан манга бир донагина сабзи келтирмайсизми? – дея қўча томонга – тўрт қават пастга ишора қилди. – Ана, бозор яқин.

... *ҳазиллашаяптими?* – деб ўйлади аввалида Султонбой, лекин унинг қўлида бир ховуч сариқ чақани кўриб, ижирғанди. – *Нима, ман сани малайингманми? Югуриб борибмиш-а!.. Ҳе, сани йша жиғилдонингга!..*

Агар қўнглидан кечаётган аччиқ фикрларини овоз чиқариб баралла айтганида эди, эҳтимол, бундан кейин бўладиган ғалваю ғашликлардан Султонбой бира-тўла бутунлай... қутилиб қолармиди. Лекин, ўзбекчилик – қўндоқдалигиданок қулоғига қўрғошиндай қуйишган: каттага – ҳурмат, кичикка – иззат; мусулмонмисан, – тамом! – ўзингдан катта биров иш буюрганда, қулоқ қоқмай, тайсалламай бажаришинг керак. Бакир мудир эса нафақат ёши улуг киши, айти чоғда раҳбари ҳам.

... *балки, мани синаётгандир, энағар.*

Ушбу тахмин ҳаёлидан кечаётиб, Султонбой:

– Қўяверинг, ўзимда бор, – деб, мудир айтганидай югуриб эмас, хушлар-хушла-мас, – гўё секин бориб келгунигача, жиғилдони қайнай-қайнай ўлиб қолади-ю, бираваракайига у н д а н қутиладигандек! – хонадан чиқди.

Орадан бир чойнак чой ичилгудай фурсатларда Султонбой қоғоз халтачада бир талай сабзи олиб қайтди. Лекин, негадир, Султонбойнинг юз-кўзидан ху-ноблиги билинмас, аксинча, аллатовур хушхолдай эди.

Бакир мудир қоғоз халтачани қўшқўллаб оларкан:

– Ўх-хў-ў, бу жуда кўп-ку, укам! – деди. Раҳмат демади.

Султонбой мудирига: нима, бу санинг миннатдорлигингми, ношукр, деган-дай бир қаради-да, индамай, жойига ўтди. Ўтирди.

Ўша аснода Бакир мудир халтачадаги бори сабзини столга тўкдию:

– Иби, нима бу, укам?! – деди, қошларининг ўртасига ғуррадай тугун тушиб. – А-а?

– Савзи, – деди Султонбой.

– Кўраяпман – сабзи! – деди Бакир мудир. – Лекин, буларнинг бари эркак-лаган сабзи-ку!

Бош бармоқдан йўғонроқ, ўрта бармоқдан узунроқ бир талай сабзининг орасида биттаям мушак сабзи йўқ эди.

Йигитлар бир-бирига: бопплапними, азамат, дегандек, бир стол устидаги саб-зиларга, бир Султонбойга қараб қўйишди.

Султонбой эса:

– Қизталақ, чорбозорчи мани алдапти-да, – деди. – Алмаштириб ке-лайми?

Беихтиёр йигитлар: рост айтаяптими, дегандай тагин Султонбойга бирров кўз югуртирдилар.

Бакир мудир эса Султонбойнинг марҳаматига парво қилмай, ғаладонидан их-чамгина пичоқни олиб, сабзилардан йирикроқ бирини тозаламоққа тутинаркан, боягидай узоқ кекириб:

– Ҳўй, йигитлар! – деди. – Сизлар ҳам мазасини кўринглар қани.

Йигитлар раҳмат айтишди.

... энди манга иш буюрмайди, – деб ишонган эди Султонбой. – Яхши бўлди – қутулдим!..

Бироқ, бир маҳал, Бакир мудир:

– Э, эсим курсин! – деди. – Дойим ёнимда сўдам бўларди, бугун тугаб қолганини қаранг-а!.. Султонбой – укам, хизмат бўлмаса, яна бир зингиллаб, дорихонадан манга ошсўда келтириб берасиз-да, а? Эркак сабзини сўдага булаб емасам... Ана, дорихона шундоқ рўпарамизда. Майлими, малол келмайди, а?

... э, бу қанақаси ахир?! – Султонбой энсасини қашиди. Йигитларга, – ҳар иккалови ҳам мийиғида кулимсимокда эди, – қарамоққа юраги безиллаб, паришон ўрни-дан турди. – Ҳе сани йўша жиғилдонингга!..

* * *

Биринчи куниёқ Султонбой ишдан хомуш, хатто, бир қадар дилтанг кай-фиятда қайтди.

* * *

Нечанчи куниямдир, уйқуга ётаётиб беҳаловат ўйлайверганиданми, эрталаб уйқудан уйғонар-уйғонмас, кечмиш воқеаларни узук-юлук, хира тасаввур қилган қўйи, тагин узоқ тўлғаниб ётди: қачон... қайерда хато қилди? Хатоси ни-ма ўзи?

... хай, иш ишга бормасам-чи? – деб ўйлади, ўша аснода. Шуни ўйлагани ҳамоно, қишлоғи кўзига кўриниб кетгандай туюлди. Қишлоғи дунёнинг гадой топмас бир овлоғида бўлсаям ўлғудай яхши кўради, лекин далада куну тун чанг ютиб, камчинидан қон томғудай раисдан дакки-дашном эшитиб аграномлик қилиш... – Азоб-э! – деб юборди овоз чиқариб. Бир куни, ўзи кўрган, қулоғи билан эшитган – бир бригадирни раис: сани онангни эшшак... эмсин, деб сўк-кан, бу ҳам етмагандек, қаҳр билан кетига тепган. – Азоб ҳам гапми, турган битгани хўр-лиг-э!.. Ишга боришим керак: барибир, Бошқарма – Бошқарма-да!..

Ахийри, чала-чулпа нонушта қилган бўлиб, ишга йўл олди.

Кунлар ўтавераркан.

Аттангки, кўнгилда – на ҳаяжон, на бир йилт этган нур!.. Гоҳо, ҳалитдан ўзини минг йиллар яшаб қўйгандай ҳис этаётгани ўртаворади.

... лекин, на чора?!.

* * *

Кеча – бозор куни, Султонбой Бакир мудирнинг янги қураётган иморат ҳашарида қатнашган эди, ишга кечикиб, қош-қавоғи шишган, кўзлари қизарган, юзлари сўлгин, чолвори

ғижим бир ахволда борди. Дам кўзларидан ёш, дам бурнидан сув кетиб, чошгоҳгача қилган ишининг тайини бўлмади, кўнгли ёришмади ҳам. Кейин, бирдан иситмаси кўтарилиб, аъзойи танига совуқ бир титрама ёйилди-да, совуқ еяётгандек, жунжикаверди. Ахийри, ижозат сўраб, ижарахонасига қайтди.

Уй бекаси – ҳамиша қошу киприкларига куюк ўсма-сурма суриб юргувчи, кўзлари чаросдай тожик хола, саратоннинг жазирамасига қарамай, Султоннинг жағи-жағига тегмай, дир-дир титраётганини кўриб, даъфатан саросималаниб қолди. Сўнг, дарров уйга суяб кириб, тўшакка ётқизди. Ва, ҳаял ўтмай, бир коса серпиёз, серқалампир қайноқ шўрва кўтариб кирди-да, худди ўз опаси, ўз онаси каби қўярда-қўймай:

– Ичинг, бачем, ичинг! – деди, буғи чиқиб турган шўрвани қошиқда оғзига тутиб. – Ҳа, акун яна бир қошиқ...

– Ачиқ-ку, холажон.

– Охи ким айтаду сизга, дори ширин бўлади, деб?! Инжиқлик қилманг акун, бачем. Пиёзларини ғажур-ғажур чайнанг, чайнанг!..

– Раҳмат, холажон. Бас.

– Йўқ, яна бир қошиқ!.. Ҳа, бале. Акун яна бир қошиқ!..

Сал иссиғи кўтарилса, Султонбойнинг алаҳсирайдиган одати бор эди, алаҳлай-алаҳлай, кўзи уйкуга илкинди; кўрпа устидан тожик холасининг яна бир адёл ташаганини билмади ҳам.

Гоҳ қордай оппоқ булутлар бағрида, гоҳо тубсиз, қоронғи жарликларга уча-уча, ухлаган-ухламаганлигини билолмай, аъзойи бадани жиққа терга ботиб, Султонбой кўзларини очганида, қуёш уфққа оғқан, унинг олтинранг нурлари дераза ойналарида шуълаланмокда эди.

Ногоҳ, узлуксиз ғинғиллаётган инжа бир товуш Султонбойнинг қулоғига чалина бошлади. Султонбой қулоқларини динг қилиб, кўзларини катта-катта очди: вассажуфт шифтнинг бурчагидаги ўргимчак тўрига ўралиб қолган бир чивинга назари тушди. Ва, ўша аснода, ковакдан чиққан бўзранг, биққи бир ўргимчакнинг аста чивинга яқинлашаётганлигини кўриб, нечундир, бирдан қайт қивлоргиси келди, тагин кўнгли лаҳосланиб, кўзларини юмди.

Сирасини айтганда, идорада Султонбойнинг қилаётган ишларининг тайини йўқ: турли жадваллар чизиш... кун сайин туманлардан оқиб келаётган оппоқ ва-рақлардаги жонсиз... рухсиз, лекин пахтакорнинг қаро терию бадбўй қонига қоришиқ – *“Фронт – қурбонсиз бўлмайди. Пахта йиғим-терими кампаниясиям фронт!”* – аччиқ қисматидан ғамгин ҳикоя қилгувчи рақамларни бир-бир катта темир дафтарларга кўчириш ва хоказо. Бироқ, бири-биридан бетайин, бири-биридан тутуруқсиз ҳафталик йиғинларда эса ҳамиша мудир, одатича қўлларини қоринчаси устида қовуштириб, Султонбойни мақтагани-мақтаган: Пўлат Ҳакимович, Султонбой – ажойиб ходим; Пўлат Ҳакимович, Султонбойнинг почиркаси чиройли; Пўлат Ҳакимович!..

... *заҳар-заққумдай ҳушомадларнинг бари малайлигим учунми-ё?..* – деб ўйлайди Султонбой. – *Албатта-да!..*

Учхознинг бир-бирига туташиб кетган поёнсиз далаларида, институт дом-лалари билан очу наҳор тонглари тунларга улаб, “108-Ф”дан то куни кечагача яратилган “Бухоро” пахта навларидан қай бирининг толаси узунлиги, пишиқ-лиги, қай бирининг ғўза зараркунандаларига чидамлилигию ҳосилдорлигини жирканч малайлигу ҳушомад учун ижикилаб ўрганганими?.. Нима, тишини тишига босиб чидаши – аламзадаларча эрта б и р к у н н и пойлаб, ўз-ўзига риё-корлик қилиши керакми?.. Ана кейин, қачонлардир бир кун, соқолини қиртиш-лаб, сочини сочмойи билан ялтиллашиб тараб келадиган навқирон бир мутахас-сис йигитчани зир югуртириш учунми?..

... *йў-йў-йў, бунақаси кетмайди,* – деб ўйлади Султонбой, хомуш, ҳаёлчан бошини чайқаб. – *Ҳали у кунларгача кў-йў-йў эмаклашимга тўғри келади чоғи. Тезроқ бир чорасини топишим керак.*

Атанг, ўшанда – мудирнинг илк маротаба ҳазиломуз таҳқирлаб: Пўлат Ха-кимович, унда-бунда иш буюриб қўйсак, тўқимларини қоринларига оғдирвол-масмиканлар, деганидаёқ, аччиқ бир гап билан бошлаб таъзирини бермаганига; биринчи даъфа: укам, яна аччиғийиз кел-масин-у, ўзбекнинг кичиги бўлдинг – кучуги бўлдинг, деб қизариб-бўзариб сабзи келтириб беришни сўраганидаёқ, шартта андишани йиғиштириб қўйиб, ярим копирча, ярим мусулмон-часига: пашўл н. х!.. Жиғилдонингга хойям. Бор, ўзинг бориб кел! – демаганига... деёл-мага-нига, мана, энди аччиқ афсус-надоматлар чекаркан, хонага ёпирилган ал-латовур сукунатдан юраги сиқилиб, кўзларини катта-катта очдию ўргимчак тўрида осилиб ётган чивинни кўрди: ана холос, энди у ғинғилламаётган эди.

* * *

Эшик очилиб, хонага пўрим кийинган, ўртадан кўра баландроқ бўйли, қирқ ёшлардаги бир киши кирди. Шляпасини қўлига олиб, бир-бир йигитлар билан кўришгач, юз-кўзларида янаям хушҳоллик жилоланиб, илдам Бакир мудир то-монга юрди.

Аллақачон Бакир мудир оғзи кулоқ-чака илжайиб:

– Марҳабо... марҳабо! – деганча, у кишининг истиқболига пешвоз чиққан эди, шодон қўллашиб сўрашаркан, бурчакдаги оромкурсига ишора қилди. – Қа-ни, марҳамат, ўтирсинлар, – деб, ўзи иккинчи оромкурсига ўтираётганида, бошқачароқ томоқ кирди.

Мудирнинг бундай томоқ қиришининг маъноси аён эди, лекин йигитлардан ҳеч бири парво қилмади.

– Пахта қалай, пахта? – деди Бакир мудир, меҳмоннинг жавобини кутмай, қаттиқроқ йўталволиб. – Йиғим-терим авжигами?..

Бакир мудир одатдагидан бошқачароқ, заруратсиз йўталганидан сўнг, иккала йигит бир-бирига зимдан бир қараб қўйди-ю, лекин ё униси, ё буниси қимир этмади.

Султонбойнинг эса, негадир юраги аллатовур бетоқат гурсиллаб ура бошлаган, шунгами, тобора юзлари қизариб, икки чаккаси тобора лўқилламоқда эди.

Ахийри, Бакир мудир:

– Султон! – деди. – Бир чойнак чой минг тангга турмас.

Султонбой қиё боқмай, беихтиёр бир хўрсиниб, ишини қилаверди.

Лоақал шундан сўнг, икки йигитдан бириси турса бўларди, лекин, табиатан одамзод – ёвуз! – томошага ўч; йигитларнинг томоша кўргиси келмоқда эди шекилли.

Меҳмон эса, жуда шошилаётганлигини, зарур бир иш юзасидан Пўлат Хаки-мович билан учрашганлигини айтиб:

– Бакир ака, сиз билан бирров бундай дийдорлашай, деб кирувдим, – деди. – Чой керак эмас. Қўйинг, йигитларнинг диққати бўлинмасин.

Бу гап баттар Бакир мудирнинг қитиқ патига тегдими:

– Ўв-в, мулла йигит! – деди, Султонбойга беписанд қош учираркан, столи ус-тидаги чойн-акка ишора қилиб. – Ҳм, турмайсизми?

Султонбой мийиғида аллатовур кулимсиб, қаламни қаттиқ тишлади. Қалам қирс этиб синди.

– Ўв-в, муллавачча!

Султонбой кескин юзланди: уф-ф-ф!..

Бир муддат ҳамма жим қотиб, нафсини ичга ютган эди.

Бакир мудирнинг пўписанамо совуқ гап оҳангги нақ жимликни тилкала-ворди:

– Кимга айтаяпман?!

Ниҳоят, ҳал қилувчи жангга чоғлангандек, Султонбой аста ўрнидан туриб:

– Инсофсиз! – деди, паст, дағал оҳангда. Ва, катта, оппоқ жадвал устига қа-ламни отиб юборди. – Ишга келган кунимдан бери югуртирасан; қилмаганим – кетингни артиб қўйиш қолди, демокчи бўлди, сансираб. Лекин бундай демади. – Билиб қўйинг! – деди, тишларини

ғижирлатиб. – Сиздай фаросатсиз чала-саводларни ўқитишим мумкин, лекин чойхоначилик қилолмайман. Билди-йизми?

Султонбойнинг қўллари қалтирамоқда эди. Чўнтагидан сигарет қутисини олиб, секин эшик томонга юрди. Эшикнинг бирдан тарақлаши эҳтимолини ўйлаб, эшикни ёпмади.

Эшик очиқ қолди.

– Ў, баччағар-эй-й! – дегани эшитилди Бакир мудирнинг. – Кўрдийизми, бу бойваччалар текинга танга санамайди. Бурнидан сал баланд гапирсайиз, тошбў-рон қилворишиям ҳеч гапмас.

Меҳмон негадир ўхшовсиз кулди:

– Сизни феълийизни билмас экан-да, Бакир ака! – деди. – Зарари йўқ, қўйинг, кўнглийизга олманг.

Айни ўша дамда йигитлардан бировининг ўрнидан тургани ва ҳаял ўтмай, чойнак қапқоғининг шиқирлаган товуши Султонбойнинг қулоғига чалинарсан, беихтиёр тишлари ғижирлаб кетди: сўкинди.

Қўққис, меҳмоннинг:

– Чойнакни қўйинг жойига! – дегани эшитилди. – Ман кетганимдан кейин қайнатиб ичасиз. Барака топгур, сизга айтаяпман... Қўйинг... қўйинг!..

Кейин – бироздан сўнг, меҳмон хайрлашди.

Бакир мудир меҳмонни бошлаб хонадан чиқди.

Султонбой чеккада хомуш... хафаҳол сигарет чекаётган эди.

Меҳмон хайр маъносида Султонбойга бош ирғаб, аллатовур бешкетди маъно-сида кулимсираб қўйди.

Султонбой ютоқиб тутун сўраётган эди, меҳмоннинг юз-кўзларида ўзига нис-батан илиқ бир хайрихоҳликними илғагандай бўлиб, негадир, кўнглида мубҳам пушаймонга яқин бир эзгин ҳисни туйди.

Бакир мудир иккинчи қаватнинг зинапояси ёнида меҳмон билан куюқ хайр-лашди. Сўнг, бирпас бошини қуйи солинтирганча, тек қотгач, аста Пўлат Ҳакимовичнинг хонаси томон жилди. Икки-уч қадам юриб, ортига қаради.

Гарчи оралик бирор қирқ қадамларча бўлса-да, узун дахлиз нимёруғ эса-да, ҳар иккалови ҳам бир-бирини аниқ кўрди: Бакир мудир – ҳамон оғзию бур-нидан тутун бурқситаётган Султонбойни, Султонбой – феъли айниган Бакир мудирни!..

* * *

Бир куни, чошгоҳ маҳали котиба эшикни очиб, бошини ичкарига сукди-да, бираваракай ҳаммага салом берди, Султонбойга эса қошини қокиб:

– Пўлат Ҳакимович чақироптилар, – деди. Котибанинг қошлари қайрилма, кўзлари жон олғувчи жоду эди. – Бегон!..

Султонбой дахлизга чиқиб, эшикни ёпганидан сўнг, котиба, – бели бир тутам, ўзи Мапасаннинг дўндикчасидай жувон! – чаросдай жоду кўзларини ўй-натиб, бош бармоғи билан бўйнини тилди: ўлдинг!..

Котибанинг: ўлдинг! – деганича бор экан – Султонбой хонага кирар-кирмас, Пўлат Ҳакимович, худойи саломига ҳам алик олмай, бирдан қош-қавоғини уйиб:

– Бизни тинч қўясизми, йўқми?! – деди. – Нима, сиз шунақа хангтимисиз?

Гап нимадалигини билолмай, Султонбой қотди-қолди.

– Бу нима деган гап? – деди Пўлат Ҳакимович, бирров телефонларга хавотирли кўз югуртирётиб. Стол чеккасида оқ, қизил, қора, кўк телефонлар қатор терилиб турарди. – Кечадан бери бир шаллақи телефон қилавериб, қо-нимни ичаяпти-ку!..

– Ким? – деди Султонбой, беихтиёр устма-уст савол бериб. – Ким экан у? Манда нима иши бор экан?

– У м о ч а х а р н и н г кимлигини сиз айтасиз бизга! – деди Пўлат Ҳакимович, янаям қахрчан чимирилиб. – Бўйида олти ойлик боласи бор экан. Сиздан!.. Вақтида тоғ-тоғ ваъдаларни бериб, энди қочиб юрган эмишсиз.

– Э, домла!.. – деди Султонбой, кулмоқчи бўлиб. – Ҳали ишга кирганимга олти ой бўлгани йўқ-ку, Пўлат ака... Қизиқ.

– Нимаси қизиқ?! Балки, ишқий саргузаштларийизни ишга кирмасингиздан аввал бошлаворгандирсиз, – деди Пўлат Ҳакимович, хиёл ҳовридан тушиб. – Агар у... у сизни танимаса, ишхонангиз раҳбарининг телефон номерини қаёқдан билади?

Кифтларини учириб, Султонбой:

– Агар ман у н и алдаб қочиб юрган бўлсам, сўдга берсин, – деди. – Ғирт тухмат бу, Пўлат ака. Ишонинг?!.

Айни ўша пайтда қора телефон бирдан олам-жаҳонни бузгудай кескин жи-ринглади.

Шартта Пўлат Ҳакимович Султонбойга: жиминг! – дегандай қўлини пахса қилгач, бир зум телефонга чимирилиб турди.

Тагин телефон чўзиб... чўзиб жиринглади.

Пўлат Ҳакимович дастакни хотиржам кулоғига тутиб:

– Да! – деди. – Да, гапиринг, кимсиз?! Ҳа, ўзимман... ўзим. Ҳовлиқманг... ҳовлиқманг-э!.. Эй, манга қара, ким бўлсанг ҳам, кучала еган жойингда кучан. Тушундингми?! – Пўлат Ҳакимович чапанिकासига сўкиниб, дастакни тарақ-латиб жойига қўйди-да, телефонни тоқдан узди. – Бораверинг, – деди Султонбойга. – Иккалови-мизниям судга берармиш. Хотинбоз ишчийизни қаматмагу-нимча қўймайман, деёпти. Кўрамиз. Лекин, айтиб қўяй: униб-ўсаман десайиз, қадамингизни билиб босинг!..

– Пўлат ака...

– Боринг, – деди Пўлат Ҳакимович, қўл сермаб. – Бор...ринг!..

... ким? – деб ўйлади Султонбой, хонадан дилтанг чиқаётиб. – *Кимнинг иф-воси бўлиши мумкин бу... уйдирма?*

Султонбой кун бўйи қарахт юрди. Лекин дамба-дам Бакир мудирнинг кўзла-рига ижирганиб-ижирганиб қарагиси келса ҳам, қарамади: худди ёмон бир ниманидир билиб қолганлигини сездириб қўядигандай туюлаверди.

Эртасига эса эрталабданоқ кечагиданда баттарроқ бир ғавғога йўлиқди: коти-ба худди кечагидай, Пўлат Ҳакимович чақираёптилар, дедию, Султонбойнинг саволчан назарига жавобан бу гал лабларини муччига чоғлагандай чўччай-тириб, жоду кўзларини бежо ўйнатганча, бошини чайқади:

– Вот што, писаржон, билиб қўй: аввал ўлмаган бўлсанг ҳам энди ўласан!

Султонбой гангиброқ эшикни очди.

Эшик очилар-очилмас, Пўлат Ҳакимович:

– Роса хуноб қилдинг-ку, сан бола, а?! – деди, сан-санлаб. Ва, оғир ўрнидан турди. – Муди-ринг билан келишолмаётганингни, кеча мандан эшитган аччиқ гапларнинг аламини бундан олмоқчи бўлдингми? – Шундай деб, Пўлат Ҳакимович столи устидаги бир тахта қоғозни Султонбой томонга шағиллатиб сурди. – Ўйлаб қилаяпсанми, белинг синади-я, бола!..

Султонбойнинг кўзларидан тирқираб ёш чиқиб кетаёзди: катта харита-жад-вални ҳафта давомида ишлаб-чизиб, ниҳоят, кеча тугатганган эди. Кечагина!.. Энди унинг қондай шафакранг бўёққа бўялганлигини кўраркан, ногаҳон ши-линган яра каби юраги жизиллаб ачишмоқда эди. Қурисин деб, стол устида қолдириб кетганига қаттиқ афсусланди:

– Ким... ким бундай қилди? – деди, лаблари пир-пир учиб. Ва, ўша аснода, Бакир мудир кўзига пушибгина кўринаётгандай туюлди: ў ш а н и н г кирдико-ри бу!.. – Сиз қаердан олдингиз бунди?

– Ий-э?! – деди Пўлат Ҳакимович. – Сан билмайсанми ҳали?..

Султонбой аранг аламини ичга ютиб, ётиги билан тушунтирди, бу қилғилик ҳам мудирнинг иши эканлигини айтди; ҳатто, онт ҳам ичди.

Бироқ, Пўлат Ҳакимович ишонмади:

– Йўқ, бўлиши мумкин эмас, – деди.

– Майли, манга ишонмасайиз, ман кета қолай, Пўлат ака, – деди Султонбой, ахийри дилтанг, паришон ортига тисарилаётиб. – Калхозимда ишлайман бориб.

– Шошманг! – деди Пўлат Ҳакимович, энди сизлашга ўтиб. – Бўшаб кетишни ҳаёлингизга келтирманг. Кадрлар кўнимсизлигига чек қўйиш – бизнинг вазифамиз. Партиямизнинг, ҳукуматимизнинг сиёсати шу!.. Яқинда сизга квар-тира берамиз.

– Раҳмат, – деди Султонбой. – Манга жавоб бераверинг, Пўлат ака.

– Гапимни ерда қолдирганни ёмон кўраман, – деди Пўлат Ҳакимович, ўрнига ўтириб. – Жиззакилик қилманг. Таблицани ҳафтанинг охиригача янгитдан чи-зиб-битказиб, ўзимга топширасиз. Боринг... Бургага аччиқ қилиб, кўрпа куйдир-майдилар.

Султонбой бир қулоч энликдаги катта-тахта қоғозни қувурча қилиб ўраган қўйи, қабулхонага чиқди.

Котиба, тагин кўзлари ҳамишагидай бежо чакнаб, дик этиб ўрнидан турди-да:

– Ну, писаржон, гавари-же! – деди.

– Не чево гаварит, – деб, Султонбой хушлар-хушламас, фақат ўзигагина аён маънода котибага шавқсиз, лекин бир қадар сирли қулимсираб қўйди: кўзимга камроқ кўрин лекин!.. – Тушундингми?..

Гарчи анави офатижонга чор-ночор қулимсираган эса-да, ишдан кўнгли қол-ганигами, хайё-хуйтлаб қишлоққа кетвориш фикри ҳамон ҳаёлини тарк этма-ётган эди. Хомуш... хафагазак алфоз нимқоронғи дахлизга чиқди. Ва, бошини қуйи солинтириб, гўё – борлигу йўқлик аро, паришон қўйи кетаверди: нима қилиш керак? Қўлидан нима келади ўзи?

Бир маҳал, “Боғдорчилик” бўлимига қарашли хонанинг эшиги очилиб, осто-нада ошнаси – акахони кўринди:

– Иби, ҳа, укажон?! – деб қўллашаркан, хонасига тортди. Дарров бир пиёла илиқ чой қуйиб узатди. – Тинчликми, укажон?

Қўлида чой билан, эски, хийла урунганроқ диванга оғир ясланиб, Султонбой:

– Э, сиз сўраманг, ман айтмай, Тошпўлат ака! – деди. Тўғри-да, бировга айт-сайиз, ишонмайди: неваралар кўрган кат-матта одам-а!.. Шуни ўйлаб, бошини чайқади. Аччиқ хўрсинди. Сўнг, рўй берган дилхираликни гоҳ тутатиб, гоҳ бўғилиб хангама қилгач: – Бошим қотган, Тошпўлат акажон, – деди. – Нима қилишимга ҳайронман.

Тошпўлат акахони ҳамдардлик билан кифтига қўлини қўйиб:

– Ман аввал ҳам сизга айтувдим, – деди. – Мани номимдан Бошқармани ёмонлаб, редакцияга шикоят ёзганида, қончиқмас жойларига уриб, роса қўрқ-итганман: “Билиб қўй, мараз! – деганман. – Бундан кейин аяш йўқ – сўяман! – деганман.” Кейин, ахийри бу бўлимга ўтиб қутулувдим. Сиз ҳам шундай қи-линг, укажон: деворга тақаб, бўғзини эзинг, бўғзини!.. Ёки... калака қилинг – ёлғондакам хушомад йўлига ўтволинг.

... *хушомад-ад? Йўғ-э!* – деб ўйлади Султонбой. – *Ундан кўра... Энг яхши йўли – ясам!*..

– Замонанинг зайли билан отдан тушиб, эгарида қолган мудирийиз – Бакир бакироққа кўпроқ хушомад ёқишини кўраяпсиз-ку, укажон?..

Тошпўлат акахони билан бирпас гурунглашиш асносида, бундан кейин Султонбой рўпарасида икки йўл кўндаланг турганлигини англади: лекин, била-яптики, ҳар иккала йўл ҳам бир-биридан қалтисро-оқ!..

... *на чора?!*

Ажаб, ўша кунлари – бир хуфтон маҳали, кутилганиданда қулайроқ вазият пайдо бўлди: бироқ, арзимас бир дийдиё туфайли ўласи қилиб дўппослаб, бори аламларининг хуморини тарқатиш бахонасида ширакайф Бакир бакироқнинг эс-хушини жойига тушириб қўйиш

ўрнига, попошлаб уйига кузатиб қўйди. Кейин... қоқ ярим кечада эртақлардагидай гўзал шаҳарнинг сирли-синоатли тош кўчаларида танҳо, мастона сандироқлай-сандироқлай, кўк-сида куйдирги нималардир ила бедор тонг оттираркан, тамомила ўзгарганига... ўзгараётганига – оқибат, ичида нималардир сўлиб, нимадир куртак отаётганига ҳам ҳайрон қолди, ҳам кўз-лари жимирлаб, кўнгли ёмон ўксиди.

* * *

Орадан аввалию адоғи йўқ бир дунё вақт ўтди.

Авжи баҳор кунлари эди, дову дарахтларнинг ранг-баранг гулларга буркана-ётганлигини кўраркан, беихтиёр одамнинг баҳри-дили яйраб, яккаш яхшилик ҳақида ўйлагиси, кимларга-дир яхшилик қилгиси ва янаям яшаргиси келади.

Лекин... ўша кун, ўша тобда осмон ҳўмрайган, севалабгина ёмғир ёғмоқда эди. Шунгами, кенг-мўл хона унчаям ёруғ эмас. Дераза ойналарига бир ма-ромда шитирлаб уриляётган майда-майда ёмғир томчилари эса ажаб бир мусиқа янглиғ оҳиста кулоққа чалинади.

Бир маҳал, эшик очилиб, хув ўш а – пўрим кийиниб юргувчи киши, хонага кирди. Одатича, бош кийимини – қорақўли антиқа қалпоғини – олиб, хиёл таъ-зим аралаш, йигитлар билан бир-бир қўллашиб кўришди.

Султонбой ўрнидан турди, – *биров айтган экан: қўёшдай бош сенга томон энгашади-ю, сен янги туққан хотиндай тарвайиб йтираверасанми, адабсиз?! – хув ўш а н д а* кўрслик қилгани бори икр-чикрлари билан ҳаёлида ғужғон ўйна-ган кўйи, юз-кўзларида табассумга мойил майин бир жилмайиш жилоланиб, қўллашди, сўрашди. Сўнг, ҳамма қатори шукронага қўшилиб юзига фотиҳа тортгач, меҳмонни бир пиёлагина иссиқ чой билан сийлашни ўйлади ва столи стадаги чойнак ҳамда пиёлаларни олиб, секин хонадан чиқди.

... токи сафдошларинг қаторида сен ўзингни энг охирги ўринга қўёлмас экан-сан, бил-гилки, сенга омонлик йўқдир. – Яқинда авлиёмонанд Махатма Ган-дининг “Менинг ҳаётим” китобини ўқиётиб, Султонбой ушбу жумлаларнинг остига қизил қалам билан такрор-такрор чизган эди, шуни эслаб, енгилгина энтиқди. – *Шунақа – даъво қанча катта бўлса, ранж ҳам ўша қадардир.*

20

19–80й.

10

S O S

Ушбу ҳикоямни бутун дунёга “Ўзбеклар иши” деб жар солинган лаъ-нати жараённинг жабрдийдалари-га бағишладим.

Фаридиддин Атторнинг ёзишича, Малик Динор кемада бораётган экан. Ундан кира ҳақини сўрашипти. Пулим йўқ, дебди Малик Динор. Кема малай-лари Малик Динорни роса калтаклашибди. Малик Динор ҳушидан кетибди. Ҳушига келгач, тагин кира ҳақини талаб қилишибди. Пулим йўқ, дебди яна Малик Динор. Малайлар тагин аямай калтаклашибди. Яна ҳушидан кетибди у. Ҳушига келганидан сўнг, тагин кира ҳақини сўрашибди. Пулим йўқ, дебди та-гин Малик Динор. Малайлар яна уни ҳушидан кетгунича савалашибди. Ҳушига келгач, қўлоёғини боғлаб, денгизга улоқтирмоқчи бўлишибди. Ана ўшанда мўъжиза рўй бериб, бир гала балиқ сув бетига қалқиб чиқибдию, ҳар бири тум-шуғида Малик Динорга иккитадан тилла динор узатибди. Малик Динор икки тилла динорни олиб, кема малайларига берибди. Ва, бу жоҳиллардан энди йи-роқроқ юрайин, деб, этак силтаб, денгизда, – хатто, тўпинига сув сачрамай, – яёв кетиб қолибди.

Ў-ў, менинг карахтига ўзбегим, сен минг йиллар тиришсанг ҳам Малик Динор бўлол-майсан, – тобора денгизинг ҳам қуриб, бирин-бирин балиқларинг ҳам нобуд бўляпти, – бино-

барин, сенга тумшуғида олтин тангалар узатадиган баликлар ҳам йўқ. Бироқ, тасаввур этгинки, Малик Динор ҳолига тушиб қол-динг. Хўш, энди нима қиласан?..

1

Миршаблар қуршовида ташқарига чиқаркан, у ер-бу ерда ишчиларнинг қай бирлари куйиниб, баъзилари хангоматалаблик билан тўпланиб турганлик-ларини кўрдию, Мўмин Хол бошини эгди. Кўзи тинди. Оёғи остида ер чайқа-лаётгандек эди.

... *шафқатлисан ахир, раҳмдилсан-қу, Художон, бунақа шармандаликдан кўра, ол омонатингни, ол?! Тўғри ишхонадан... Машинада... Ана, пўлат сандиқ-дай машина ичида темир қафас... Хангоматалабларнинг кўзи олдида-я!.. Ху-дожон, ол, ола қол жонимни?!*

Миршаблардан қайсидир бирови кескин елкасидан итариб, темир эшикни даранглатиб кулфлади.

... *бунча қоронғи, бунча тор. Иссиқ. Худди...*

Машина жойидан жилар-жилмас, эзгин тарала бошлаган ингроқ бир товуш қафас ичини тутиб кетди. Товуш айна хотинининг, ажабки, шунинг бароба-рида, қизининг ҳам ғамгин изиллаб йиғлаётганини эслатяпти.

... *йиғлаётган ким – қизимми ё онасими? Ёки... шунчаки таниш туюла-яптими?.. Йўқ, аламнинг, ғамнинг бегонаси бўлмайди... Қизик, қачон, қаерда ёзиб олишган экан-а? Бунча!..*

Бармоқларини бигиз қилиб қулоқларига тикди. Барибир эшитилаётгандек эди. Янаям қаттиқроқ итарди.

... *йўқ.... Қайтага баттарроқ-қу! Нима қилиш керак?*

Машина кескин чайқалди. Боши темир панжарага урилди. Кўзларидан уч-қунлар сачради. Беихтиёр инграётиб, лабини қаттиқ тишлади.

... *ҳой-наҳой, қонатвордимо-ов!*

Лабларини сийпалади. Кейин, бошини чангаллаб, ғужанак бўлиб олди.

... *нима қилиш мумкин? Умуман, қутулишининг чораси?.. Ўтган гал!.. Ни-ма, элтиб қамаб қўйишадими энди?*

Ўтган гал бетайин тергову беаёв қийноқлардан сўнг: билиб қўй, янаги сафар пачакилашиб ўтирмаймиз, дейишган эди.

... *чиндан ҳам... Тиқиб қўйишади шекилли. Мана, темир қафас, юракни тирнаётган, йўқ... бурдалаётган йиғи товуши. Буям бир жазо усули-да! Ифлос-ларнинг йўлаб топганини... Чидаш... чидаш керак. Ҳали бундан ҳам оғирроқ-лари, бундан ҳам баттарроқлари... Лекин, нима учун ахир? Бировга нимадир берган ёки олган бўлсам ҳам гўрға эди-я!.. Агар у одам олган бўлса, бировлардан олгандир, мендан... Йўқ, ҳатто, таъма ҳам қилган эмас ахир. Уф-ф, йиғи то-вуши эзворди-қу!.. Қоронғилик... Ингроқ йиғи товуши... Уф-ф-ф!*

Қоронғилик ингроқ тишлари билан ҳам миясини, ҳам кўксини ғажийёт-гандек, лекин айна кезде юраги беадад куйишмоқда эди. Хўрлиги келди. Нимадир бўғзига қадалди. Қошлари орасидан олдинма-кейин икки томчи тер чап кўзига томди. Бўғзига ниманингдир қадалгани-гами, нафаси сиқилди. Ал-лақачон кўйлаги тердан жикқа хўл бўлган эди.

... *оғриқ... Қизик, шу тобда кўпроқ азоб бераётгани миямми ё юрагимми – қайси бири? Ёки?..*

Қаери аёвсиз оғриётганлигини аниқ билолмади. Лекин, ўлгиси келаётгани чин эди.

Бир маҳал, машина секинлаша бошлади.

... *хайрият-э! И-и, нега суюнаяман ўзи? Ҳадемай қийноқ... Нима, яна?.. Уф-ф-ф, чида-ёлармиканман-а ?*

Ниҳоят, машина тўхтади.

Тарақлаб эшик очилди.

Бирдан кўзлари қарақди. Энгашиб, темир қафас рўпарасидаги майдончага чиқди. Киприклари пирпиради. Аччиқ терданми, кўзлари жикқа ёш эди, хов-лида – тарвақайлаган тут соясида – давра олиб турган бир тўп миршаб кўзлари-га хаёлий соялар каби хира кўринди.

Пешин.

Жазирама.

Қуёш тобора қиздирмоқда.

Сочлари орасидан, пешонасидан сизиб кўзларига, юзларига, бўйнига сирға-лаётган терларни артмоқчи бўлди. Лекин, айнаи ўша тобда шартта ёшроқ мир-шаб билагидан ғижимладию, кескин силтаб пастга туширди. Қўлига кишан ур-ди. Елкасига нуқиб:

– Ўтинг, Холов! – деди, дағалроқ овозда. – Серрайманг.

Янаям хўрлиги келиб, Мўмин Хол:

– Қотил ё хоин эмасман-ку! – деди. – Нима учун кишан солдингиз қў-лимга?

– Бизга шундай буюрилган. Гапирилмасин!

... овози бунчаям таниш – ким бўлдийкан?.. Буюрилган, дейди-я, энағар! Буюрилса, ўйламай-нетмай, отасининг ҳам кўкрагига қўрғошин жойлашдан қайтмаса керак. Ўйлашга ҳақи йўқ.. Ўйлаш ҳуқуқидан маҳрумлигини тан олгани учун маош берилади бу жоҳилга. Буюрилса бас, кўзларини лўқ қилиб... Раҳ-матли отам ҳақ эканла: қ ў р қ о қ л и к ҳамда м а ғ р и ф а т с и з л и к – бандасининг шўри, жамиятнинг бадбахтлигидир.

Ана, кўзтаниш миршаб йигит индамай, деразалари қалин панжарали бино томонга шахдам бошлаб боряпти.

Зинадан кўтарилиб, даҳлизга кирдилар.

Салқин.

Нимқоронғи.

Чап томондаги чарм қопламали эшикни очиб, миршаб йигит елкасидан итарди:

– Анграйманг!..

Ичкари кирар-кормас, бирдан ўқ узилган каби, ортидан қарсиллаб эшик ёпилди.

Хона... лаҳаддек қоронғи – йилт этган нур анқога шафе. Хийла салқин. Зилдай туюлаётган жимжитлик эса тобора ўз қаърига тортаётгандек.

Юраги дук-дук ура бошлади. Бояги ингроқ товуш эса ҳамон қулоғидами, миясидами, эзгин аксу садо бераётгандек эди.

... нима, қамоқхонами бу? Нега қўлимни кишанлаб қўйишди?

Бир пайт, Балояннинг аллатовур ғуриллаган овози эшитилди:

– Нега сеники бакрайиб турасан, Холов?!

Бирдан Мўмин Холнинг юраги шув этди. Ва, ўша баробарида тиззаларига титроқ кирди.

... ух-х, шу ерда-ку! Бир ўзимикан?

– Стулга отур.

– Кўрмаяпман.

Сидоров чийиллаб кулди. У – Балояннинг шериги. Русчалаб, сермаъно оҳангда:

– Ҳозир биз сенга корсатиб қўямиз, – деди.

Тунчироқ тугмаси чирқ этди. Хона хиёл ёришди.

Дафъатан Мўмин Холнинг нигоҳи столга ўмгаҳини тираган кўйи иршайиб ўтирган Сидоровнинг бароқ соқолига, совуқ чақнаётган чайир кўзларига тушди.

Шунингдек, стол устида Лениннинг кичкина ҳайкалчасини ҳам кўрди.

Отюз, қиррабурун, уккиқўз, тепа сочи тўкилган Балоян эса, столнинг чап ёнида, деворга тақаб қўйилган юмшоқ ўриндикда ястаниб, оёқларини чалиш-тириб ўтирибди. Худди... тошдан йўнилган ҳайкалдек.

Хона ўртариғида бир курси кўзга қорайиб кўринмоқда эди.

– Кўряпсанми?

– Кўряпман.

– Жудо яхши, – деди Балоян. – Отур!

... ток улаб қўйилган бўлса!

Аммо, шундай ўйлаётган эса-да, ўтирмай иложи йўқ эди – Мўмин Хол курсига чўнкайди. Хазин хўрсинди:

– Кишанни ечиб олинглар? – деди.

– Фақат битта шарт бор! – деди Балоян русчалаб. – Биз айтгандай қилиб тилхат ёзиб берасан.

– Айтганман-ку, мен ҳеч кимга ҳеч нарса бермаганман! – деди Мўмин Хол.

– Берган, сеники пара берган! – деди Балоян. – Яхшиликча, иқрор бўл, Холов!

– Бермаганман ахир, ўртоқ Балоян! – деди Мўмин Хол бўғиқ оҳангда. – Ишонинг, пора берган бўлсам, тил тортмай ўлай.

Қошлари ўжар чимирилиб, Балоян ирғиб ўрнидан турди:

– Свет! – деди.

Шартта Сидоров курсида ортига айланаркан, кучли қўлчирик нуруни деворга тутиб:

– Кўриб қўй! – деди. – Қара... яхшилаб қара!

Деворда Карим Раҳимнинг каттакон суратини кўриб, бир зум Мўмин Хол анграйиб қолди: дунёсининг энг бахтиёр одами каби Карим Раҳим яйраб қуляпти. Бошида чиройли дўппи, эгнида сталинча тўрт қиссали камзул. Кўркем. Юз-кўзлари беғубор кулгидан яшариб, яшнаб кўринади... Қараб туриб, унинг яшаёлганигами, кўнгилларда ўчмас бир из қолдирилганигами, нимасигадир ки-шининг ҳаваси келади.

– Ана шу одамга сен ўттиз минг пора бергансан, – деди Балоян. – Тўғрима, Холов?

– Бермаганман, ўртоқ Балоян, Худо хайрингизни берсин, ишонинг ахир?!

– Етар!.. – Сўкиниб, қўл силтади Балоян. – Бермаган бўлсанг ҳам, ўттиз минг пора берганман, деб тилхат ёзасан. Чунки, унинг ўзи сени пора берганлар рўйхатига ёзиб қўйган. Сен ўн еттинчи ўриндасан. Етмиш икки киши унга пора берган. Етмиш икки!.. Билдингми?

Балояннинг гапларига ишонарини ҳам, ишонмаслигини ҳам билолмай, та-ғин Мўмин Хол суратга хомуш тикилди. Хўрсинди.

... йўқ, гапларига ишонмаслик керак. Иблис-да, авраб, илинтирмоқчи. У одам ўз бўйнига ўзи сиртмоқ соладиганлардан эмас. Ана!.. Агар мабодо па-лакати босиб, пора берганлар рўйхатини Карим Раҳим ўз қўли билан тузган бўлса ҳам, у қаторга мени тиркаёлмайди. Асло!.. Чунки, пора тўғрисида менга, бирор ишора ҳам... Йўқ, бермаган нарсамни бердим деб... Йўқ!.. Эрта бир кун юз-юзга, кўз-кўзга... Йўқ!.. Ёзмайман... ёзмайман... ёз...май...ман.

Кишан айна бўғма илондай экан. Сал қўли қимирлаб кетса ҳам, билагини янаям баттар-роқ сиқиб, тобора азоб бермоқда эди.

Мўмин Хол Балоянга мунграйиб:

– Илтимос, кишанни ечиб олинг? – деди.

Балоян, ниҳоят, юрагидаги очофат қонга тўйган каби совуқ кулимсираб:

– Ёзасанми? – деди.

Мўмин Хол оғир бошини чайқади:

– Ёзмайман, – деди.

Бирдан Сидоров бақириб:

– Ёзасан, газанда! – деди. Ва, шартта ўткир чироқ нуруни кўзига тутди.

Туйқис кум тикилгандай оғриб, ҳеч нимани кўролмай, Мўмин Хол чирт кўзларини юмди.

– Ёздираман!..

Балоян сиполик билан Сидоровнинг ҳовуруни босиб:

– Қизишма, Иван, – деди. – Биласан-ку, бугун бизнинг вақтимиз кўп. Улгу- рамиз...

Чироқни деворга бур! – Сўнг, яна Мўмин Холга буюрди: – Қара, қара! Кўряпсанми, у кит эди, сен – чавақсан. Унинг зулми остида қандай яшага-нингни эслагин-да, тилхат ёзиб беравер, Холов. Агар у чиқиб келса, сенга ҳам, сендай чавақларга ҳам кун бермайди.

Кўзлари жимирлаган кўйи, суратга тикиларкан, Мўмин Хол кўнглида Ба-лояннинг фикрига қўшилмади.

... йўқ, Карим Раҳим наҳанг эмас, зарбу зугуми зўр раҳбар эди. Ишнинг кўзини биларди. Ишбилармон кишиларни қадрларди. Шунинг учун ҳам унга шахсан Рашидовнинг назари тушган эди. Ҳа-да!..

Ёдида: авжи саратон. Пешин пайти. Вилоят марказидаги катта боғда кен-гаш ўтказила-япти. Минбарда Рашидов.

– Кеча биз Зарафшон бўйидаги бир колхозни айланиб, колхозчиларнинг анча бой-бадавлат яшаётганликларига гувоҳ бўлдик. Колхознинг мармар ҳовузлири, кўркам боғлари, мухташам биноларини, теплицаларини кўриб қу-вондик. Ўша, – биз кўрган, – миллионер колхоз раиси ўртоқ Каримов ҳам кенгашда иштирок этяптилар, – деб, Рашидов кўр тўкиб ўтирган раисларга, директорларга, котибларга синчков нигоҳ ташлагач, бош ирғади. – Қани, ўртоқ Каримов, марҳамат, бизга айтинг-чи, бундай қувончли ютуқларга қандай эри-шаяпсизлар?

Гурс-гурс одим отиб, Карим Раҳим минбарга яқинлашди. Даврага юзлан-ди. Кейин, хиёл Рашидов томонга ўгирилиб:

– Ҳурматли Шароф Рашидович, сизнинг қимматли ўғитларингизга амал қилиб, ишбилармон кадрларни жой-жойига қўёлганимиз учун ҳамма мушкул-ларимиз осон кўчяпти, – деди.

– Раҳмат, ўртоқ Каримов! – деди Рашидов. – Отангизга раҳмат!..

... шунақа.

Карим Раҳим наҳанг эмас, беҳуда гапирмайдиган, гапини елга совурмай-диган раҳбар эди. Кейин, ўша кенгашдан сўнг, туман қурултойида партия қўмитаси биринчилигига тайинлангач, қулочини кенг ёйворди. Жуда қисқа фурсатда – салкам беш йилда туман шаъни-шавкати учун жуда кўп хайрли ишларни бажартирди: етмиш йилдан бери нураб ётган масжид-мадрасаларни созлаб-бутлаб таъмирлатди; марказий кўчаларни кенгайтириб, кўкаламзор-лаш-тирди; туман маркази этагида катта боғ барпо қилдирди; ўнлаб данғил-лама қироатхоналар, саройлар қурдиргани хали-ҳамон тилларда дoston.

... э, жуда кўп хайрли ишларни қилди-е! Унинг замонида бошланган катта қурилишлар-нинг баъзиларини, ана, ҳанузгача бозорни битиролмаяптилар-ку!..

Ҳа, Карим Раҳимнинг қилган энг катта, энг сара ишларидан яна бири – ҳамма катта корхоналарга ишнинг кўзини биладиган мутахассисларни тайин-лаган эди.

Бир куни, ҳузурига чақиртириб: “Мўмин Хол – ука, биз, ўйла-буйлаб, сени тайёрлов маҳкамасига раҳбар қилиб қўйишни лозим кўрдик, – деди. – Ветврач-сан – терининг сифатини, жуннинг сарасини яхши фарқлайсан. Заводлардаги ноинсофлар сани алдашолмайди – район-нинг ҳақини ундириб ололасан. Раҳ-матли отангни яхши билардим, ҳаромдан ҳазар қиладиган намозхон одам эди. Сўраб-суриштирдик – кўзи тўқ, анча бамаъни йигит экансан. Энди ўзинг бир иш кўрсатасан-да, ука!..”

Мана, ўша суҳбатга ҳам тўрт йил бўляпти. Яқин бир йилдан бери эса Карим Раҳим қамокда. Тергов беряпти. Аслида у одамдан омад юз ўгирди. Бўл-маса... Тўғри, айтгани – айтган, дегани – деган, анча каттиққўл, хатто, каттиққўлликни ҳадди аълосидан оширворган пайтлари ҳам бўлган, лекин...

...қизиқки... пора олган одам, минг бир қийноққа дучор бўлса ҳам, олдим, дермиди... Етмиш икки одам... Рўйхат – буларнинг бари манави ёвузнинг би-чиб-тўқийётган уйдирмаси. Албатта-да!..

– ... Агар яхшиликча ёзиб берсанг, биз ҳам одаммиз – тушунамиз, ортиқча озор кўрмайсан, – деди Балоян, ҳамон аврашда давом этиб. – Ёзиб бермасанг... Ёзасан-а?... Ёзасанми, Холов?

Мўмин Хол унинг кўзларига тик қараб:

– Йўқ, ўртоқ Балоян, тилхат ёзмайман, – деди.

Деди-ю, энгаҳи остидан зарб еди. Ҳавога бир сапчиб, қаттиқ чайқалди. Қуламади. Аммо қулоқлари чиппа битди. Кўзлари тинди. Кейин – хиёлдан сўнг, қулоғига Балояннинг ўдағайлаётгани олислардан эшитилаётгандай чалинди.

– Ёзасан, аблах! Биз билан ўйнашма! Барибир, ёздирамиз!

Мўмин Хол жисмида майин бир титроқни туйган кўйи, афти бужмайиб тупурди. Олдинги бир тиши шилимшиқ тупугига қўшилиб тўп этиб тушди. Кафти ортига лабларини артаётиб:

– Майли, адвокат чақиринг, – деди. – Адвокатнинг иштирокида ёзаман.

Балоян қахрчан сўкиниб:

– Мана сенга адвокат!.. – деди. Ва, Мўмин Холнинг юзига муштини тираб, чап деворга қаратди. – Иван, свет!

Эшик ёнидаги каттакон суратга нигоҳи тушар-тушмас, Мўмин Хол дик этиб ўрнидан туриб кетаёзди: негадир Карим Раҳим хўмрайганча, қўлидаги кўзойнакни тўппончадек ўқталган каби, шитоб хонага кириб келаётгандай эди. Бошида чорқирра дўппи, оёғида яраклаган туфли... Кўзларида эса аллатовур бошқача бир ғазаб чакнаётгандек!

Ҳамон вужуди бўйлаб таралаётган майин бир титроқдан беҳолланиб, Мўмин Хол бошини ўмгаҳига босди.

... худди устимга бостириб... Қизик, қоронғулик таъсириданми ё мушт еганимнинг оқибатими, мана, юрак... Юрагим ҳам... Қоронғилик кишининг қўрқувини кучайтираркан-эйЁ!.. Қўлларимда кишан. Роса эзаётти... Қоронғи-лик, кишан, калтак... Қўрқитиб, қийнаб тилхат ёздириммоқчи. Ёзсам, эрта бир кун у одамнинг кўзига қандай қарайман? Кейин... мана, пора берганини тан олган, деб ўзимниям элтиб тикиб қўйишлари... Йўқ, ёзмайман. Ёзмаслигим керак.

Гўё кўнглидан кечаётган фикрларни англаётгандек, Балоян:

– Агар у билан юзлашишдан қўрқаётган бўлсанг, қўрқмай қўяқол, – деди суратга ишора қилиб. – Биз и ш н и шундай бажарамизки, қамокдан қайтиб чиқмайди у... Сен судда қатнашмайсан. Кейинчалик ҳам сени ҳеч ким безовта қилмайди... Қара, кўраяпсанми уни?... Агар у қамокдан чиқиб келса, ҳаммангни ғажиб ташайди. Кўзларига қара!..

– Ўзингиз билиб турибсиз-ку, ўртоқ Балоян...

... ўртоқ бўлмай ҳар бало бўл. Илоё балога йўлиққайсан, Балоян!

– ... мен пора бермаганман, – деди сўнг Мўмин Хол эланаётгандек: – Худо-дан қўрқинг ахир?!

Нимадир нашъа қилгандай яйраб иржайиб, Балоян:

– Берган, сеники пара берган, Холов! – деди яна ўзбекчани бузиб гапириб. Сўнг русчада давом этди: – Агар пора бермаганингда, бунақа сердаромад ишга ўтолмас эдинг. Ҳар қандай нодон ҳам билади буни. Тўғрими?... Қайсарлик қилсанг, қолган тишларингни ҳам бита-битта қоқиб оламиз. Агар ўтган гал тушунтирганимиздек, кабинетига киритиб, ўттиз минг берганман, деб тилхат ёзсанг, озодсан.

Бошини паришон чайқаб, Мўмин Хол:

– Йўқ, ман... ман туҳмат қилолмайман, – деди.

Бирдан Сидоров:

– Ух-х, гад! – деб, Лениннинг ҳайкалчасини ирғитди.

Мўмин Хол аранг чап бериб қолди.

Ҳайкалча ганчдан ясалган экан, орқа деворга тарақлаб урилиб, чил-чил тўзғиб кетди.

Ўша аснода Сидоров:

– Ёзасан, газанда. Ёзмай иложинг йўқ! – дея ёвкур вазоҳатда отилиб бордию, ногоҳ икки қоши орасига кўрсаткич бармоғини найзадай санчди.

Хушдан кетаётганини сезиб-сезолмай, Мўмин Хол гурс этиб қулади.

Бир маҳал, ҳушига келди. Тўнғиллаган овозлар чалинди қулоғига. Билдики, гилам устида чўзилиб ётибди... Айниган чой сепишганми ё бошқа бирор нимами, сочлари, юзлари жикқа ҳўл. Сассик!.. Кишанни ечиб олишибди. Аммо, тунчироқ ёниб турганини демаса, ҳамон хона қоронғи эди. Секин бошини пайпаслади.

Айни ўша пайтда Сидоров шартта ердан узиб, курсига ўтирғизиб қўйди. Сўнг:

– Отбозорни биласанми? – деб сўради пишиллаб. – Қоровулбозорни-чи?

– Билмайман, – деди Мўмин Хол. Ўз овози ер қаъридан таралаётгандай ғалати эшитилди қулоғига. – Билмайман.

– Биласан. Эшитгансан, газанда. Агар тилхат ёзиб бермасанг, хотинингни ҳам, қизингни ҳам Отбозорга элтиб, кўз олдингда қамокдаги каллакесарларга қўшиб қўяман. Улар навбатма-навбат роса пийпалаб... – Баралла ҳақорат қилгач, Сидоров дўқ-дўқ кўксига нукиди. – Кўрасан, мен қиламан шу ишни!

Нохос тили танглайига ёпишгандек, Мўмин Хол лол қотди. Ва, шунинг баробарида, тагин ўша ингроқ йиғи товуши қулоқлари остида жаранглаётгандай туюла бошлади. Орадан бирор лаҳза кечиб-кечмай, ҳаёлида ғира-шира нурланаётган фаҳш бир манзарадан эса баттар даҳшатга тушди.

... бунақа имонсизлардан ҳар қандай ёвузликни... О, Художон, ўзинг мадад бегайсанр?! Шармандаликдан... юзи қароликдан ўзинг асрагайсан, Художон?!. Бу не ҳақорат, бу не хўрлик... Ман нима учун бунча қўрқоқлик... Сабилгина жоним учунми?.. Йўқ, қизим!.. Хотиним! Қизим!.. Уф-ф! Ким деган одам бўламан кейин? Қандай бош кўтариб юраман кейин?!

– Хўш, ёзасанми?.. Сендан сўраяпман, газанда?!

– Нима?

– Яхшиликча ёзасанми, деяпман?! – деди Сидоров ўқрайиб. – Гапир ахир!

Мўмин Хол тагин бошини қуйи эгди.

Шартта Сидоров столни айланиб ўтиб, қўлчироқ нурини ўнг томондаги деворга тутди:

– Қара! – деди. – Яхшилаб кўриб қўй султонингни, газанда! Сени ҳам худди шундай аҳволга соламан.

Терговхонадами, аллақайси кавакда Карим Раҳимнинг мунғайиб ўтирган ҳо-латдаги каттакон суратини кўрдию, бирдан Мўмин Холнинг чакка томирлари лўқиллай блшлади. Тишларини янаям ғич қилди.

...ух-х, жоҳиллар!.. Бечора муштдайгина бўлқопти. Тавба... тавба. Бечора-нинг кўзлари!..

– Эй, сен – Македонскийнинг хазинабони! – деди Сидоров, таҳқиромуз ир-шайиб. – Хотининг билан қизингни кутаётган ғаройиб қисматниям унутма!

Тобора кўкси ғуссага тўлиб, Мўмин Хол:

– Уф-ф! – деди. Бошини чайқади.

– Бошқа иложинг йўқ, Холов, – деди Балоян. – Хотининг билан қизинг кал-лакесарлар қўлига тушишини хоҳламасанг, ўзинг қутулиб қолишни истасанг, биз айтгандай қилиб тилхат ёзиб беришинг керак... Ёзасан-а?

Мўмин Хол индамади.

Сидоров бир неча варақ қоғоз ҳамда ручкани стол чеккасига қўйди. Тун-чирокни яқинроқ сурди. Сўнг, эпчиллик билан курсига қўшиб кўтариб, Мўмин Холни стол ёнига элтди-ю:

– Ёз! – деди. – Ёзасану кетасан.

Хаёл-беҳаёл Мўмин Хол ручкага қўлини чўзаркан:

– Барибир, бирор кун у о д а м сизлардан ўч олади, – деди. – Албатта, ўч олиши керак.

... агар ўч олмаса, одам эмас. Э, музтар, муттаҳам бандаси ҳар қандай махлуқдан ҳам баттар-э!..

– Во!.. – деди Балоян, кўрсаткич бармоғини кўкка ниқтаб. – Сеники калла ишлайди, Холов. Тўғри, ўч олиши керак. Лекин... лекин, сенга шуни айтиб қўяйки: кўрдик, билдик –

биздан ўч оладиган ўзбекларнинг бари ўтиб кетган экан. Қолганлари... – Шундай деб, Балоян шартта икки бармоғи орасидан бош бармоғини сиқиб чиқариб кўрсатди. – Во-о!..

Кўкси куйишиб оғриб, Мўмин Хол мунграйиб қолди.

...ўзбекда бир адовати бўлиши керак бу ифлоснинг. Бўлмаса... Ахир, юрагида ёли борларни ҳар хил баҳоналар билан битта-битта гўмдон қилишайпти-ку! Наҳотки... наҳотки?!.

– Ҳозиргина айтган гапинг учун сениям қамокда чиритворишимиз мумкин. Лекин, хотиржам бўлавер, қамокқа тушмайсан. Сен – чавақсан. Давай, ёз!

Ахийри, эзгин алфоз, хушлар-хушламас ёза бошларкан, Мўмин Хол сассиз-садосиз хўрсиниб, ўз бошига ўзи маломат ёғдираверди.

... адо бўлдинг, Мўмин Хол. Бу кўннингдан ўлганинг яхши эди, Мўмин Хол. Тамом... тамом – у дунёнг бу дунёнгга ўт кетди, Мўмин Хол!..

– Сен судга бормаслигинг керак, Холов, – деди Балоян. – Судда қат-наш-маслигингга рухсат берамиз. Аммо, суд раиси номига, касаллигим туфайли суд-да қатнашолмайман, деб телеграмма жўнатишинг шарт! Тушундингми, Хо-лов?.. Тушундинг-а?..

Мўмин Хол миқ этмай, ҳамон ўз-ўзига маломат ёғдирган куйи, ночор... ноилож тилхат ёзишда давом этаверди.

II

Эртага ҳаво яна ҳам жазирамароқ бўлишидан дарак бериб, қуёшботардаги ола-чалпок булутлар тобора алвонланмоқда эди.

Ботаётган қуёшга бир нигоҳ ташлаб, Мўмин Хол баттар бетоқатланди. Катта йўлга тушгач, машина тезлигини ошираверди. Тилхат ёзганидан бўғилиб, энди қилмишини ҳеч бир ваз билан оқлаёлмай, билтъакс, ўзидан нафратлан-ганча, хаёлан мадад изларкан, барибир, қутулиб қоларига ишоналмади.

... ахир, қиёматли виждон азоби-чи?.. Агар судга чақиришса... Хўп, теле-грамма жўнатиб, бир марта чап берарман, лекин яна чақиришса-чи?.. Чақи-равершса-чи?

Уч кун олдин, – биринчи тергов чоғида, – уларнинг айтган гапларини эслади: бизга сен эмас, Карим Раҳим керак. Агар тилхат ёзишдан бошқа яна бир талабимизни бажарсанг, кейин биз шундай қиламизки, ҳам қамалмайсан, ҳам ишингда қолаверасан.

... яна нима қилишим?.. Қанақа иш бўлиши?.. Йўқ, у имонсизларга ишониб бўлмайди. Уч тузга тушидинг – ҳам ўзинг кўйдинг, ҳам бир бечорани кўйдирдинг, ҳам... Бунақасини бандаям, Худоям кечирмайди, Мўмин Хол. Адо бўлдинг, Мўмин Хол!..

Аллақачон қош қорайган, оппоқ дока чорсу ўраган қиз-жувонлар ўзларидан узун-узун сояларини судрашиб даладан қайтмоқда эдилар.

Кўнглидан кечаётган тўзгин... эзгин хаёллар таъсириданми ё анави қиз-ларга кўнглида маънос бир ниманидир туяётганиданми, аллатовур бошини чай-қаб, таниш, қадрдон дарвоза рўпарасида Мўмин Хол машинани тўхтатди. Эш-икни қулфламади. Секин ҳовлига кирди.

Айвондаги сўрида тоғаси газета ўқиб ўтирган экан, оёқ товушини эшитиб, бошини кўтарди, кўлига кўзойнагини олди:

– Ке, Мўминбой, – деб, дабдурустдан безовталанди. – Ҳа, тинчликми?..

Мўмин Хол тоғаси билан қўллашди, омонлашди. Кейин, дам ютиниб, дам хў-синиб, бошига ёпирилган мусибатни сўйлагач:

– Маслаҳатга келдим, тоға, – деди.

Тоға бошини қашиди, қошларини сийпалади; аллақачонлар тоғасининг қош-ларига куюк оқ оралаган эди. Сўнг, тўр майкасининг осилиб тушган боғичини кифтига тортиб:

– Жуда нодонлик қилибсиз, Мўминбой! – деди, жиянининг бетига тарсаки ургандек, сизлаб гапирди. Бир зум жимликдан сўнг, лабларини чўччайтирди, бошини хомуш чайқади. – Ҳм-м, тилхат бермаслик керак эди.

– Айтдим-ку!.. Энди ўйлаганим сайин ўзим қийналяпман, тоға.

– Да, ўтган куниёқ келишинг керак экан. Қўрқув – одамни майиб қилиб қў-яди. Биласанми, қўрқоқ – хиёнаткор, қўрқоқ – хоин, қўрқоқ – муртад!..

– Ахир, хотинимни, қизимни ўйлашим керакмиди, тоға?

– Ҳеч кимга, ҳеч қачон пора бермаганлигингни, ҳамиша ҳалол яшаётганли-гингни наза-рдан соқит қилмаслигинг керак эди, – деди Тоға. – Ана ўшанда шайтон ҳам сени йўлдан озди-ролмас эди. Ёки пора берганмидинг?

– Э, тоға-а! – деди Мўмин Хол, бўғриқиб. – Нима, сиз ҳам ишонмаёпсизми ?

– Билиб қўйган яхши-да, Мўминбой, – деди Тоға. Сўнг: – Карим Раҳим порахўрмиди? – деб сўради.

– Э, уларнинг олмагани қолдимми?

– Бошқаларни эмас, ман Карим Раҳимни сўраёппман.

– Билмайман, – деди Мўмин Хол, кескин бошини чайқаб. – Билмайман!

– Билмасанг, нима учун унга тухмат қилдинг? Ўйламадингми?..

– Тоға, айтдим-ку, қўрқдим: хотинимни ўйладим, қизимни ўйладим.

– Ҳм-м, – деди Тоға тагин. – Уйингдан келёпсанми?

– Ишхонамдан.

– Э!.. – деди Тоға. – Ана, ўзингни ўйлагансан.

Мўмин Хол индаёлмай, чаккасини қашиди.

– Пешин чоғи уёққа олиб кетишганда, ҳой-наҳой, уйингга чопар жўнаган бўлса, шу тобда болаларинг ўз ёғларида ўзлари қовурилишаётгандир.

Мўмин Хол тўнғиллаб:

– Қаёққа бош ураримни билолмай қолдим ахир, тоға! – деди.

Бир муддат ўйчанликдан сўнг, Тоға:

– Майли, бўлар иш бўпти. Куяверма, – деди. – Ўлимдан бошқасининг чора-си бор.

Мўмин Хол тоғасига жавдираб термилди: чорасини айтинг, тоғажон?

– Бўпти, эрта шу пайдан сал эртароқ кел, – деб, Тоға туришга чоғланди. – Ҳозир тўғри уйингга жўна.

Мўмин Хол чойнакдан яна пиёлага устма-уст яхна чойдан қуйиб ичди. Ўрнидан турди. Симчирокнинг устундаги тугмасини босди. Бирдан айвон ёришди.

– Тоға, янгам кўринмаяптила?

– Янганг билан жиянинг невараларни эргаштириб, туғуруқхонага кетган, – деди Тоға. – Кеча келиннинг кўзи ёриди.

Мўмин Хол жилмайиб:

– Зўр-ку, муборак бўсин! – деб, суюнчига иккита беш сўмлик узатди. – Ху-до умри билан берган бўсин!

Тоға кулиб:

– Қўй, одамни қўлга ўргатма, – деди.

Мўмин Хол пулни хонтахта чеккасига қўяётиб

– Келиннинг соғлиги яхшими? – деб сўради. – Неварачангизнинг?..

– Шукр, яхши... Жиянинг яна ўғиллик бўлди.

– О, зўр-ку!..

Кўчага чикдилар.

Мўмин Хол тагин жавдираб:

– Чорасини айтмадингиз-ку, тоға? – деди.

– Салим Пўлатни биласан-а?

– Биламан, – деди Мўмин Хол. – Зўр одам!

– Бал-э!.. Республика судида Салим Пўлатнинг ўзидан ҳам зўрроқ ошналари бор, – деди Тоға. – Салим Пўлатникига борамиз. Гапингга қараганда, ҳали судгача вақт кўп экан, – деб, Тоға хайрлашди. – Бўпти, келинни, балаларингни сўраб қўй.

Нихоят, кўнглига бир ёруғлик инганини хис этиб, Мўмин Хол хийла хуш-холлик билан хўшлашди. Кейин, машинани юргизиб, тезликни қўшаётганда, елкасидан эзаётган ғусса юки тамом ағдарилгандай енгилгина энтикди.

... келганим яхши бўлган экан. Салим Пўлат – зўр одам!.. Тоғам ҳақ гапни айтдила: қўрқув – одамни ит оаткор махлуққа айлантди – риба қўйярдан. Аммо, ночорлик-чи?.. Беҳуда айтишмагандир ахир: ўйнашмагин арбоб билан, арбоб урар ҳар боб билан, деб! Ҳар хил ҳаромхўр арбоблару амалдорлар ғиж-ғиж қуртдай ғимирлаётган жамиятда ҳалол-ликнинг ўзигина бандаси учун қалқон бўлмас экан. Ўй-ўй, ўй!..

Тагин туйқис Балояннинг уч кун аввал айтган бир гапи Мўмин Холнинг ёдига тушди: “Агар тилхат ёзишдан ташқари, бошқа яна бир талабимизни ба-жарсанг, кейин биз шундай қиламизки, ҳам қамалмайсан, ҳам ишингда қола-верасан.”

... уф-ф! Қанақа иш бўлсайкин-а? Нима учун бугун айтмади?

III

Мўмин Хол чоғроқ кутишхонада мунграйиб ўтираркан, юзлашиш дақи-қалари яқинлашгани сайин, қорнида нимадир узилиб кетадигандай таранг тор-тилгани сайин, юраги ҳам беадад куйишиб оғримокда эди.

... қўрқувданмикан-а? Ўй!... Қўрқувдан ҳам кучлироқ бир... бир даҳшатнинг бўғови бу, – деб ўйлади Мўмин Хол, чуқур-чуқур нафас олиб. – Қорнимдаги оғриқ ҳам, юрагимдаги куйишиқ ҳам – ҳаммаси шундан. Ҳадемай, юзлаша-ми-и?!

На чора, пешонасида бор экан, суд олдида тик туриб, Салим Пўлат ўргатга-нидек, терговчиларнинг ёвуз кирдикорларини рўй-рост айтади. Кейин, муҳ-тарам суд раиси, мани қонун ҳимоясига олинг, қайтиб мани терговга ёки гувоҳликка чақириб юришмасин, дейди. Мен ҳалол-покиза одамман – ҳеч кимга пора бермаганман, ҳеч кимдан пора олмаганман, дейди.

Аммо, бунақа таваллосининг бирор фойдаси бўлармикан-а?.. Негадир, иш-онмайди. Ишоналмаяпти. Билъакс, жисму жонида кезаётган оғриқли бир сезги билан англаяптики, чинакам олишув суддан кейин бошланади. Тўғриси-лигини, қайсару қашамшамлигини анави жоҳиллар кечиришмайди. Таажжуб-ки, куч ҳам, қонун ҳам улар томонда!..

... адолат, ана, кўчада – кетяланг!..

Нима, қўрқатими?.. Ўй!... Қўрқувдан ҳам баттарроқ нимадир домига тортиб, вужуд-вужудини аямай, иштиёқ билан ғажияпти. Майли... Тинчиб қо-лар ахир. Лекин... қизини, хотинини ўйласа, бирдан кўз олди қоронғилашиб кетади.

Ана, дик этиб турди. Тек қотди. Ғудраниб сўкинди. Ичкаридан узук-юлуқ эшитилаётган бўғиқ овозларга бир зум кулоқ солди. Сўнг, қорнини сийпалаган куйи, деразага яқинлашди. Ўйғон панжарадан ушлаб, пастга қаради.

... панжарани қўйорсаму, пастга ийнгисам, тик каллам билан бориб урил-сам!.. Ахмоқ, нодон, қўрқоқ... Бунақа ит қавмида жувонмарг бўлгандан кўра, қўлингдан келса, ана, олдин анави имонсизлар билан ҳисоблашиб қўй, – деб ўй-лади Мўмин Хол. – Қўрқасан-а?.. Ҳа-да, ўзи одамзот, ақли кирар-кирмас, атрофни қуришаган бедодликларни кўравериб, бичилган молдай бўлиб қоларкан.

Эшик очилди.

Мўмин Хол ўгирилиб, калта енгли, оқ кўйлак кийган, қора ёқабоғич такқан, тепа сочи сийрак, юзлари рангпар, ўттиз ёшлардаги бир йигитни кўрди.

– Киринг! – деди Йигит.

Ёпирай, йигитни кўрган заҳотиёқ Мўмин Холнинг юраги ола-тасир ура бошлаган эди. Ичкари кирди-ю, қаёққа юрарини билолмай, тўхтаб қолди. Шунинг баробарида, кулоқлари шанғиллаб, кўз олдини тумансифат бир парда қоплаётгандай бўлди. Назарида, қатор, юмшоқ ўриндиклар қўйилган маҳобатли мажлисхона одамлар билан лик тўла-ю, ҳамма жим эди. Аммо, сал кейинроқ кўрдик, юқоридаги баланд курсиларда уч, пастда олти-етти киши ўтирибди.

Котиб йигит пастак ёғоч панжара билан ўралган бир супачага чиқариб, – худди кинолардагидек, – ҳақиқатни ва фақат ҳақиқатни гапиришга қасам ичиргач, ёлгон кўрсатма берса ёки кўрсатма беришни хоҳламаса, муқаррар жазога тортилажагини уқтирди.

Айни ана ўша лаҳзада Мўмин Холнинг нигоҳи Карим Раҳимга тушди-ю, беихтиёр кўзлари каттариб, кўкси шилиниб кетгандай ачишди.

... бечора, бечорагина! – деб ўйлади Мўмин Хол, беихтиёр кўкси бир қал-қиб. – *Касал-ванд боладай бўлқопти-я! Боши... боши катта экан. Кўзлари... гамгин, негадир, адоватли... Албатта-да!.. Тилхатдан хабар топган шекилли. Қани, нима деркин, деб кутяпти.*

Карим Раҳимнинг бошида охори дўппи, эгнида янги костюм, оппоқ кўйлак, қорамтир ёқабоғич. Ранги заҳилтоб. Қошлари чимирилган... Ортида бир мир-шаб найзадай тек қотган.

Ногоҳ, заифона чийиллаган бир овоз эшитилди:

– Гувоҳ Холов! Айтинг-чи, порахўрликда айбланаётган гражданин Карим Раҳимовга пора берганмисиз?

Чиройли бир жувон ҳамда полвон келбатли йигит ўртасида ўтирган қора кийимли, семиз, юзлари дўмбоқ, ранги болари мумидай сарғиштоб, кўзлари совуқроқ чақнаётган олтмиш ёшлардаги кишига тик қараб, Мўмин Хол:

– Ҳурматли суд раиси! – деди.

Шартта гапни кесиб, Раис:

– Мен сиз учун гражданин суд раисиман, – деди – Марҳамат, сўроққа қисқа ва аниқ жавоб беринг!..

... тўғри айтаёпти, – деб ўйлади Мўмин Хол: – *Турқи бунақа одамнинг икки дунёда ҳам... Гумоно-ов!*

– Пора берганмисиз? Пора берган бўлсангиз, қачон, қанча ва қаерда берган-сиз?

– Пора бермаганман, – деди Мўмин Хол, ўктамроқ, дадил овозда. – Тергов-чилар мени калтаклашган. Ҳатто...

– Шошманг... шошманг! – деди Раис.

Карим Раҳим ирғиб ўрнидан туриб:

– Гражданин суд раиси! – деди. – Талаб қиламан, суд котибига айтинг, гувоҳ Холовнинг кўрсатмаларини сўзма-сўз ёзиб борсинлар?!

– Судга ўргатилмасин! – деди Раис, дўқ-дўқ столга уриб. – Котиб ўз вазифа-сини яхши билади. Ўтиринг!.. Гувоҳ Холов, айтинг-чи, нима учун ўттиз минг сўм пора берганман, деб судга тилхат тақдим этгансиз? Энди дастлабки кўрсат-мангиздан тонишга сизни ким, нима мажбур қилапти?

– Гражданин суд раиси, айтдим-ку, терговчилар мени калтаклашди, ҳақо-ратлашди, ёмон кўрқитишди. Кейин, тилхат ёзиб беравер, судда қатнашмайсан, судга чақиришганда, тилхатимда ёзган кўрсатмаларим ҳаммаси тўғри, касаллигим туфайли судда қатнашолмайман, деб телеграмма жўнатасану, қутулиб қолаверасан, деб аврашди.

– Ана!.. – деб, Карим Раҳим тагин ўрнидан турди. Аллатовур хаяжон билан ҳавога мушт ниқтади. – Гражданин суд раиси, делага тиркаб қўйилган Гавҳаров ҳамда Рўзиевларнинг эллик мингдан пора берганликлари тўғрисидаги тилхат-ларини бекор қилишингизни сўрайман. Улар мен билан юзлашишдан қочиб, атайлаб телеграмма жўнатишган.

– Айбланувчи Раҳимов! – деди раис хўмрайиб. – Ўтиринг. Ўтиринг деяп-ман!..

– Гражданин суд раиси, агар уларнинг тухматдан иборат тилхатларини бе-кор қилишни истамасангиз, марҳамат, юзлаштиринг?! Талаб қиламан. Ҳаққим бор!

– Айбланувчи Раҳимов! – деди Раис, янаям чийиллаганча ўшқириб. – Унут-манг, ҳукм пайти ҳар бир хатти-ҳаракатингиз ҳисобга олинади. Аҳ-ҳа, унут-манг!..

Бирдан Карим Раҳим жим бўлиб, курсига хомуш чўкди.

Унга маъюс тикилганча, баттар Мўмин Холнинг юраги увишди.

... бечора. устидан бесўроқ, бесабаб қуш учмас эди-я!

– Гувоҳ Холов! – деди Раис, сўроқ қилишда давом этиб. – Терговчиларнинг таъзйиқи, зуғуми тўғрисида маъмурий маҳкамаларга мурожаат қилганмисиз?

– Мелисахонанинг ўзида калтаклашди-ку!

Полвон келбатли маслаҳатчи йигит нимадир сўрамоқчи бўлган эди, Раис қўл ишораси билан тўхтатиб, Мўмин Холга:

– Судни чалғитмай, саволга жавоб беринг! – деди.

Мўмин Хол довдираганнамо бошини чайқаб:

– Йўқ, – деди. – Ҳеч кимга!..

– Терговчиларнинг зуғум қилганлигини тасдиқловчи гувоҳларингиз борми?

– Йўқ.

– Гапларингизни нима билан исботлайсиз?

Мўмин Хол йиғламсираётган каби аччиқ кулиб-кулимсиб:

– Исбот?.. Исботим йўқ, – деди. Қўлини кўксига босди. – Сиздан илтимос қилсам майлими?

– Бу ерда илтимос кетмайди, – деди Раис. – Илтимосу илтижолар масжидда бўлади.

Маслаҳатчи жувон пиқ этиб кулди, кафти билан оғзини тўсиб, бошини қуйи эгди. Маслаҳатчи йигит эса тез-тез нимадир ёзмокда эди.

– Майли, – деди Мўмин Хол. – Қўлингиздаги икки варақлик тилхатимга қарши ўн варақлик тушунтириш хати ёзиб келганман. Икки нусхада. Бирини сизга бераман. – Мўмин Хол супачадан тушиб, Раис сари чаққон яқинлашаркан, костюмининг қўйин чўнтагидан тушунтириш хатини чиқарди. – Ҳаммасини тўлиқ ёзганман. Ўқиб кўринг. Бирор тушунмовчилик бўлса, жавоб беришга тайёрман.

Котиб йигит илдам йўлни тўсиб, Мўмин Холнинг қўлидан хатни юлқиб олди. Ва:

– Ўзбошимчалик қилманг! – деди қахрчан шивирлаб. – Боринг жойингизга!

Мўмин Хол мулзам ортига қайтаётиб, бир зум серрайиб тўхтади. Сўнг, тагин чўнтагидан бир даста варақ чиқаргач, чаққон Карим Раҳим томонга яқин-лашиб:

– Мани кечиринг, Карим ака, – деди. – Тушунтириш хатимнинг иккинчи нусхаси бу. Сизга керак бўлар.

Кўзларида қизгин бир миннатдорлик ҳамда сўнгсиз бир умид чақнаб, Карим Раҳим дарров хатни олди:

– Раҳмат, ука! – деди. – Кўп яшанг!..

Айни ўша кезде Раис:

– Гувоҳ Холов! – деб, янаям чийиллади. – Гувоҳ Холов, айбланувчига нима бердингиз?!

– Хат... Тушунтириш хатимнинг нусхаси.

Раис илкис Карим Раҳимга юзланиб:

– Айбланувчи Раҳимов, хатни котибга топширинг! – деди – Сизга айта-япман!.. Навбатчи, гувоҳ Холовни кутиш залига олиб чиқинг!

Зумда қаёқдандир яна бир чақмоқдай миршаб пайдо бўлдию, Мўмин Холни мажлисхонанинг адоқ томонидаги бурчакка бошлаб бориб, тахта деворнинг қўл етар жойида кўзга у қадар илганмаётган қора тугмачани босди. Ўша заҳоти девордан сассиз-садосиз бир эшик очилди.

– Киринг!..

Мўмин Хол ичкарига кирди. Курсига чўкди. Бошини суянчиққа тираб, кўзларини юмди.

... қўрқитишмоқчи! – деб ўйлади. – Албатта-да, буларнинг бари бир гўр. Ё ақлимни киргизиб қўйишмоқчимми?.. Бу қанақа суд ўзи?! Эсингни йиғ, Мўмин Хол, жанг энди бошланади. Беаёв, беомон жанг!.. Во ажаб, қонуи одамзоднинг эркини ҳимоя қилиш учун яратиладими ёки одамзод қонунга қул бўлиш учун яралганми?!

IV

Мўмин Хол тарақлатиб телефонни нари сурдию, хафахол ховлига чикди. Рўзгоридан бошқа ҳаммасидан, ҳатто, дунёсидан ҳам кўнгли совиганлигини яна алам билан ўйлаб, қоровулхона ёнида тўхтади. Қоровулни чақирди:

– Алибой ака!

– Лаббай, балонгизни олай! – Ҳаял ўтмай, белбоғини кифтига ташлаб, қаро-вул рўпара бўлди. – Аччиққина чой дамлаб қўйибман, Холуф. Бир пиёлагина қўйиб берайми, балонгизни олай?

– Раҳмат, Алибой ака, – деди Мўмин Хол. – Терговчи чақираёпти.

Беихтиёр Алибой қоровул калта кузалган соқолини юлқилаб:

– Ў, падарналат-эй, янами?! – деди.

– Агар кечгача қайтмасам, шофёрга айтинг, кечкурун бизди болаларга билдириб қўйсин. Унгача ҳеч кимга сездирманг, Алибой ака. Шофёргаям!..

– Хўп бўлади, балонгизни олай. Аммо-лекин, сиз кўп хавотирланманг, ҳа-лол-покиза одамларнинг зурёдисиз. Ана, мани айтди дерсиз, балонгизни олай, ўйнаб-кулиб қайтасиз ҳали. Дадил бораверинг, Худо ёрингиз бўлсин!..

Мўмин Хол гавжум хиёбондан юрмай, овлоқ кўчадан хомуш бораётиб, аллазамонлар отасидан бот-бот эшитган бир ўғитни эслади.

... бандасига эмас, ҳатто, дунёсига кўз тиккан ҳам мутедир. Тўғри, мол-дунёсига кўз тикмаганим чин. Лекин, нега бу қадар муте, нима учун бунчалар... Агар хотиним, кўрар кўзимдай ўғил-қизларим... Тавба... тавба!..

Раҳматли отасининг нақл қилишича, жаннатмакон Хўжа Аҳмад Яссавий ёлғизгина ўғлининг ўлдирилгани тўғрисида шумхабар келтирган кишига: “Ҳай, аттанг, сапчалигида узибсизлар-да!” деб суюкли оқ отини инъом қилган, ўғли-ни ўлдирган кишига эса қизини никоҳлаб берган экан. Бунақасини нима билан, қанақа ақл билан изоҳлаш мумкин? Нима бу ахир – қиз ҳам кимларнингдир кўлида жувонмарг бўлиши хавфидан кўрқиб, наслу насаб истиқболи ғамидаги саъйи ҳаракатми ёхуд ҳаққа етганликнинг амалий бир кўринишими? Ёки, сен ҳам отангни ўлдирганга онангни бер, деганими?

... отам?.. Ҳа-я, нега бу қадар муте, бу қадар қўрқоқман ахир? Анави имонсизларнинг додини бериши шунчалар қийинми? Агар шундай қилсам... қилолсам... Кейинда келаётганлар учун яхши бўлади-ку!.. К е й и н г и л а р б у – р у н г и л а р г а р а ҳ м а т к е л т и р г а й. Бу дегани – шундай қил, дегани эмасми ахир? Аммо, нима учун шунга ўйлаганим заҳоти юрагим?.. Қўрқоқ-ликданми ё раҳмдилликданми?

Бўйнидан судралаётгандай бўлиб, Мўмин Хол маҳкаманинг орқа эшигидан ховлига кирди. Дабдурустдан захар танг қилаётганлигини сезиб, хожатхонага ўтди... Кейин, камарини маҳкамроқ тортиб, тарвақайлаган тут тагига борди. Қувурдан жилдираб қўйилаётган муздай сувда кўлини чайди, юзларини ювди.

Маҳкама ховлисида ҳеч ким кўринмас, гўё олам гулистон – ҳаммаёқ жим-жит эди.

Нимқоронғи, салқин даҳлизга Мўмин Хол оёғи тортмай кирди. Ва, бирдан юрагининг гупуриб ураётгани кулоқларига аён эшитилаётгандай туюлди. Но-чор даҳлиз адоғи томонга жилди. Ва, хоналардан хоналарга кириб чиқаётган кўзтаниш миршабларга хушлар-хушламас салом бериб ўтаверди.

Яна ўша эшик, яна ўша х о н а.

Секин эшикни очди. Очди-ю, хонанинг ёп-ёруғлигидан кўзлари қараққандай бўлди.

Балоян столга тирсагини тираганча, кафтига юзини босиб ўтирар, Сидоров эса, рўпарада тик турган қўйи, унга нимадир уқтирмоқда эди.

– Кир, Холов, кир! – деди Балоян, русчаю ўзбекчани аралаштириб. – Марҳа-мат, отур!

Сидоров шошқалоқлик билан стол устидаги тунчиروق тугмасини босди. Ўша заҳоти тепадаги серчиروق қандил ўчиб, тунчиروق нуридан хона кўройдин бўлиб қолди.

Ва, шунинг баробарида, Мўмин Хол, аини кўксини нимадир совуқ тили билан ялаётганини ҳис этди.

... тавба, қоронғилик қўрқувни янаям кучайтираркан-эй!.. Чидаш... чидаш керак.

Мўмин Хол қўрқаётганлигини сездирмай, атай бардам овозда:

– Келдим, – деди.

– Албатта келасан-да, – деди Сидоров, пихиллаб кулиб. – Биласан-ку!..

Мўмин Хол унга қарамади.

Балоян курсига оғир суяниб:

– Сен шартимизни буздинг, Холов, – деди.

Мўмин Хол чурқ этмади.

– Судда қатнашмаслигинг керак эди, Холов.

– Уйга хат келди, – деди Мўмин Хол. – Унда: судда қатнашишдан бош торт-санг, жавобгарликка тортиласан, деб ёзилган экан. – Чўнтагидан чақирикнома-ни чиқариб, стол устига қўйди. – Ана, кўришингиз мумкин.

Чақирикномага эътибор бермай, Балоян:

– Нима учун судда, торговчилар мени калтаклаб, зўравонлик билан тилхат ёздирдилар, деб айтдинг? – деди.

Сидоров пишиллаб:

– Калтаклаш қанақа бўлишини бу маразга кўрсатиб қўйиш керак, – деди.

Мўмин Хол юввошгина кулимсираб:

– Судда қасам ичиришаркан-да, – деди.

– Чепуха! Ерунда!.. – Балоян сўкиниб, стол ғаладонидан бир даста қоғоз олди. Асабий силкиди. – Судга топширган тушунтириш хатингми шу?

Ғира-шира кўройдинда Мўмин Хол ўз ёзувини таниди. Юраги шув этди. Лекин, миқ этмади.

– Сен ёзганмисан шуни?!

Мўмин Хол унинг кўзларига совуқ тикилди: ҳа!..

– Мана сенга!.. – Балоян тушунтириш хатини бурдалаб-бурдалаб, Мўмин Холнинг юзига ирғитди. – Энди биз ҳам шартни бузамиз, а, Иван?

Сидоров янаям пишиллаб:

– Эй, сен – Македонскийнинг хазинабони! – деди. – Бугун бизга ўттиз минг келтириб берасан!

Қулоқларига ишонмай, Мўмин Хол ялт унга ўгирилиб қаради. Бехос икки қоши ўртасига Сидоров қарсиллатиб чертди. Бирдан қулоқлари шанғиллаб, кўзларидан ўт чакнаб кетди.

– Энди тушунгандирсан, – деди Сидоров ўқрайиб. – Ўттиз минг!..

Балоян ўрнидан турди, соатига қаради, сўнг:

– Раҳимовни турмада чиритвормоқчимиз, – деди. – Лекин, сен унинг қуту-либ қолишига ёрдам бермоқчи бўляпсан. Шунинг учун биз сени ўйиндан чиқа-рамиз. Ўйиндан чиқишинг учун бизга ўттиз минг беришинг керак! Сенга икки ярим соат муҳлат.

– Олтигача келтириб бермасанг, роппа-роса еттида Отбозорга элтиб тиқа-миз, – деди Сидоров. – Бизда тилхатинг бор: Р а ҳ и м о в г а ў т т и з м и н г п о-р а б е р г а н с а н.

Мўмин Хол уларнинг бунчалар жоҳил ва юҳолигини кутмаган, бинобарин, тамомила гангиб қолган эди, мунграйиб, аллатовур бегона овозда:

– Менда пул йўқ, – деди.

– Вар, сеники пул коп! – деди Балоян. – Бугун кассиринг ўн бирда банкдан бир халта пул олган. Тўғрими?

– Ишчиларнинг пули...

Бизга барини эмас, ўттиз мингини келтириб берасан.

Сидоров рўпарасида тўхтаб:

– Агар олтигача келтириб бермасанг, эрта соат ўнда хотининг билан қизинг-ни Отбозорда биғиллаб йиғлаётганини қўшни камерада эшитиб ётасан, – деди-да, пихиллаб кулди. – Кейин... Уёғини ўзинг билиб олавер!

Мўмин Хол қўлларини мушт қилиб тугмоқчи бўлди. Лекин, уддалаёлмади. Сездики, миғғилаб ташлангандек, вужудида эзгин бир лоҳаслик кезаяпти.

... имонсизлар! Олчоқлар!.. Заррачаюм қўрқшмайди-я! Буларнинг хўжаси ким? Хомийси ким?.. Ўттиз минг – салкам ўн йиллик даромадим. Қаёқдан оламан?

Балоян тагин соатига бир қараб:

– Олтигача келтирмасанг, роппа-роса соат олтида конторангни БХСС босади, – деди.

– Босаверсин, – деди Мўмин Хол.

– Аҳ-ҳа, шунақами ҳали?! – деди Балоян, сўнг Сидоровга кўз қисиб, давом этди: – Ҳар йили ўн минглаб терини кўн заводларига, тонналаб жунларни фабрикаларга жўнатаётган конторангда албатта жиноят бар. Бар!.. Ҳар бир теридан ўртача уч сўмдан уриб қолсанг, бир йилда ўттиз минг ўмарасан. Фақат терининг ўзидан!.. Нима, билмайди деб ўйлайсанми бизни?!

– Мен бир тийин ҳам урган эмасман, – деди Мўмин Хол. – Мен ҳамиша ҳалол ишлаганман. Ўмарганлар бўлса, ўзлари жавоб бераверишсин.

– Йўқ, аввало сен жавоб берасан, Холов. Сен!.. – Балоян унинг кифтига қокди. – Бор, оғайничалиш, кассиринг ҳамда бухгалтерингга яхшилаб тушун-тир. Яна уч йил... тўрт йил ўзимиз хоҳлагандай ишлашимиз учун имкон бери-шармиш, деб айтгин. Мен шунга сўз бераман

Мўмин Хол хазин хўрсинди. Турди. Ҳардамхаёллик билан эшик томонга юрди.

... ўттиз минг-а! Молинг кетди – жонинг кетди. Тамом, адо бўлдинг, Мўмин Хол! Хонумонинг куйди, Мўмин Хол!..

– Тохта, Холов! – деди Балоян. – Огоҳлантириб қўяй: бирор шумликни ўй-лама!.. Опкелганингдан кейин, икки қаторгина хат ёзасан. Тахминан мана бундай...

Бирдан Сидоров унинг гапини бўлиб:

– Айтма! – деди. – Кейин... кейин айтасан, қария.

Бир зум жимликдан сўнг, Балоян бош ирғаб:

– Ҳа, сен ҳақсан, Иван, – деди. Ва, сирли кулимсираб, Мўмин Холга юз-ланди. – Опкелганингдан кейин, биз сени ўз ҳимоямизга олаимиз. Энди ҳаял-лама!..

Мўмин Хол беҳуд кўчага чикди. Жазирама қуёш нуридан яна қарақдими, кўзлари жикқа ёшга тўлди. Дабдуруст ўзидан ижирғанаётганлигини ўйлади. Баттар хўрлиги келди. Ютоқиб-ютоқиб энтикди. Хув ўтган галгидай бўғзига бир нимадир тикилгандай бўлди.

... ў-ў, пешонаси ғурра, юраг... юраккинаси яра-чақа, ўзбегим, онангни қози урса, арзингни кимга айтасан, деганинг ҳам бежиз эмас экан. Декин... лекин, қачонгача ахир?! О-о, Танграм, ахир биз ҳақимизда айтмаганмисан: у л а р н и – н г о т а л а р и я х ш и к и ш и л а р э д и, деб? Ҳали шумиди яхши кишиларнинг зурёдларига марҳаматинг? Ахир, сен – раҳмдил ва марҳаматли-сан-ку, Танграм. Ё йўл кўрсат, ё ол омонатингни?!.

Ана, Мўмин Хол ёнверидан ўтиб бораётган одамларни кўриб-кўрмай, жазирама қуёш тифида пешонасидан, юзларидан дамба-дам тер сирғалган кўйи, ўттиз мингни қарз-қаволи қилиб элтиб берса – хонавайрон бўларини, бермаса – бадному бадбахт бўлари тайинлигини ўйлаб, қайгадир, – қаёққалигини ўзи ҳам билолмай, – қуёшботар томонларга мунграйиб кетиб бормокда.

1990-22 й.

ҚҰША ЖАНОЗА

Ёлғизмен. Ёлғизмен. Шундай ёлғизмен.

Юулдузлар олисдир. Еллар бегона.

Ойбек.

1

Кечки овақтдан сўнг, бирпас давра куриб, жамул-жам телевизордан бир лав-хани томоша қилаётган эдилар.

Одатдагидек, кутилмаганда, телефон жиринглади. Беҳуда жиринглардан, бе-самар кўнироқлардан Нортўхта тўйиб кетган. Жуда!.. Тобора авж олаётган ёл-ғонларга, хушомадларга, кўзбўямачиликларга... сира тоқати йўқ. Феъли шуна-қа. Бундай бир мослашишни ўйлаб ҳам...

... э, мослашишимми-а!..

Аввалдан ҳаммасини билиб турганлиги учунми, эшитишним, кўришним истамайди. Қизиқиб кўрадиган кўрсатувлари: “Время”, “Новости”, “Взгляд”... Кейин, асосан, Россия кинолари – бир қадар ерга яқин – таъсирчан. Голливуд-нинг кинолариям... Аксарияти бўмағур экан. Арзимамайди. Бир кўришгаям арзи-майди. Айримларини эса кўриш гуноҳи кабир.

... эсизгина вақт, эсизгина сарфун харажатлар. “Рембо”си-ку, қонхўр Амери-касининг айни жирканч башарасининг ўзгинаси. Эсиз... эсиз-а!

Хуллас, ҳаммашагидек, бу гал ҳам телефоннинг бетоқат жирингига Нор-тўхта парво қилмади.

Дастакни хотини олди. Саломлашди. Сўрашди. Сўнг, Саъдулла жўрангиз, деб, дастакни узатди.

Саъдулла деганимиз – Саъдулла Аҳмад – шоир. Раҳматли Тилак Жўра Саъдуллани суюб, Саъдий, дер эди. Саъдулла сўзга хассос... Саъдулла сўзга инжиқ... Лекин, одати ажойиб: кайфияти яхши бўлса, хотиржам сўрашади: ав-вал соғлиқни сўрайди. Кейин, кайфиятни... Шундан сўнг, бирма-бир невараларни суриштиради: Туроншоҳ яхшими? Шерзод катта йигит бўлаяптими? – Туроншоҳни кўрган. Кўп маротаба. Шунгами, қайта-қайта Туроншоҳни сўрайди. – Туроншоҳ қалай, Туроншоҳ!?. Саъдулла билан ҳол-аҳвол сўрашаётганида, Нортўхтанинг ҳам кайфияти чоғ бўлади. Умрининг маънисиз ёниб-қуйиб ўтаётганлигини ўйлайди... Лекин, барибир, Саъдулла билан гаплашаётиб, янаям яшагиси келаётганлигини сезади. Чиндан ҳам, тутақиб яшаётганлигига ўзини ишонтириш учунми ё бечора, жафокаш юрагига кўр олиш учунми, Саъдулла, жўражон, битта янгисидан эшитайлик, дейди. Негадир, Саъдулла ўзи-нинг шеърларидан ўқишни ёқтирмайди. Лекин, жўра – жўра-да! Жўра дегани – шунчаки ўртоқ ёки дўст, дегани эмас-ку, ахир!.. Майли, дейди. Бирпас жим қолиб, кўнгил учун бирор тўртлигини ўқийди. Ана шундай телефон гурунглари чоғида ўқиган бир тўртлиги Нортўхтага жуда ёқиб қолган:

Нималар деб сайраяпсан, булбули гўё?

Туғилганлар ўлар; ўлганлар туғилган.

Икки йўқлик аро кўприк бу дунё,

Икки йўқлик аро бўғилган.

... ў, дунёсики бўғилган бўлса, бандасининг жонига балли-е!

Нортўхта хотинидан дастакни олди. Саломлашди. Сўрашдилар. Сўрашаётиб, Саъдулланинг анча шашти сустлигидан англадики, нохуш нимадир рўй берган.

... нима бўлиши мумкин? Жаҳонайвониғадарзкетдими –ё?

Саъдулла кўп кутдирмади, эшитдингизми, деди: Ғайбулла ака оламдан ўтиб-ди.

... Ғайбулла ака-я?! Бечора... Ҳай, ота-я!..

Гўё, Ғайбулла ака – Ғайбулла Салом – Ғайбулла ас-Салом ўлмайдигандек, мангу яшаши керакдек, бир муддат Нортўхта гангиб қолди. Ва, шунинг баро-бариди, бирин-бирин Ғайбулла акага алоқадор хотиралари тобора шуурида ёр-қинлаша бошлади.

Аллабир катта йиғинда маърузага чоғланаётиб, минбарда Ғайбулла ака бир-дан юрагини чангаллабди-ю, қулабди.

Бунга эшитаётиб, беихтиёр Нортўхтанинг кўнглидан шундай бир фикр кечди: бечора. Қутилибди. Ниҳоят, қутилибди. Худо раҳмат қилсин!..

Ушбу фикр кўнглидан кечгани билан, негадир, Нортўхта бирор бир енгил-ликни ҳис этмади. Қайтага, мустақилликнинг дастлабки йилларида, домдарак-сиз йўқолган ёлғизгина ўғлининг ўлик-тириклигини билолмай ўтганлигини ўйлаб, баттар ғусса босётганлигини туйди.

... *кўзи очик кетди бечоранинг.*

Баъзан таниш бировнинг қазо қилганлигини эшитиб, – *во ажаб!* – худди шундай бўлиши керакдек, бир тукингиз ҳам қилт этмайди. Лекин, Ғайбулла акадай яқинингизнинг қазоси эса жисму жонингизни ўртагандан ўртайверар экан.

Ҳамон Нортўхта жим – оғир сукутга толган эди.

Саъдулла ошна-оғайниларга хабар қилиш кераклигини айтди: “Тонгда, бом-дод намозидан кейин, Минор қабристонига кўйилармиш. Дафн маросимини Ҳамидулла бош бўлиб ўтказётган экан.”

... *т о н г д а!* – Беихтиёр таажжубланиб, Нортўхта ёқасини ушлади. – *Нима учун тонгда? Нима учун пешин намозидан кейин эмас? Нима учун?!. Ахир, ёру биродарлари Самарқанддан етиб келолармиканлар? Қозоғистонлигу туркма-нистонлик шоғирдлари, дўстлари жанозага улгуролмайдилар-ку!..* – Ҳамидулла – Саъдулла аканинг ўғли; раҳматли Саъдулла Кароматовнинг, – Ғайбулла аканинг кенжа шоғирдларидан, Бош вазирнинг ўринбосари. – *Агар... агар!..*

Ғайбулла ака таржимашуносликда мактаб яратган олим. Шундай олимнинг дафн маросими ҳам, албатта, ҳар қанча эъзозу эҳтиромларга муносиб. Бироқ, Нортўхтанинг англашича, товук кўноғидан тушмасдан, тонг бўзарар маҳалда, Ғайбулла ас-Салом жасадининг биров билиб, биров билмай тупроққа топши-рилишида аллақандай бир сирли шошқалоқликми, н и м а д и р яшириндай эди.

... *шундай... Шундай. Арслоннинг ўлигиям арслон-да!*

Эртага, тонг отардан аввалроқ таъзияхонада учрашмоққа келишиб, хўшлаш-дилар.

Нортўхта дастакни жойига кўйиб, болаларига Ғайбулла аканинг оламдан ўтганлигини айтди

Ҳаммалари, хатто, неваралар ҳам юзларига фотиҳа тортдилар: Худо раҳмат қилсин!..

Кейин, бир-бир таниш-билиш оғайниларга жаноза хабарини етказишни ўйлаб, Нортўхта дастакка кўлини чўзди.

Айни ўша пайтда телефон жиринглади.

Нортўхта дастакни қулоғига тутиб, одатича, ассаломалайкум, деди. Ибро-ҳимнинг алиқ олгани эшитилди.

... *кўнгли сезган-да!* – деб, ўйлади Нортўхта, Иброҳимга кўнғироқ қилмоққа чоғланганлиги хаёлидан кечиб. – *Иброҳимга ҳам жабр-э!.. Худо жонига тўзим берсин.*

Ҳол-аҳвол сўрашганларидан сўнг, Иброҳим: эшитдингизми, деди. Нортўхта эшитганлигини айтди.

Тонг отардан анча олдинроқ, йўлакай Тўра акани бошлаб, таъзияхонага бирга боришга келишганларидан сўнг, хайрлашдилар.

2

Ғайбулла ас-Салом – Иброҳим Ҳаққул – Нортўхта Қилич – қайғудош биродарлар.

Ғайбулла аканинг Ҳабибуласи йўқолган. Дом-дараксиз!.. Ҳабибулла Респуб-лика Бош прокуратурасининг муҳим ишлар бўйича тергов бошқармасининг бошлиғи бўлган. Адлия полковниги!.. Ўша кунларда мамлакатдаги ягона, йирик Самарқанд чой қадоклаш фабрикасининг чойфуришларини тергов қилаётган катта бир гуруҳни ҳам бевосита ўзи бошқараётган экан. Айтишларича, бир қоп пулғаям сотилмаган. Отасининг ўғли-да!.. Кейин, айни тергов авж олаётган кунларнинг бирида, тушликдан сўнг, кимдир биров пастдан туриб, телефон ор-қали чақирган... Ҳаво хийла салқин бўлишига қарамай, тезда қайтиб чиқишига ишониб, кастюмини ҳам киймай, Ҳабибулла шошилиш пастга тушган.

... *ўшандан бери еру кўкда йўқ. Қанча бўлаяпти шунга – етти йилми, саккиз йилми, кўпроқми?.. Э, ҳар қандай бошқа дарднинг юз йиллик оғриғи ҳам фарзанд доғининг бир кун-*

лик, бир нафаслик аламичаям бўлмас-э! – Ўз фик-рини ўзи маъқуллаб, аламзадалиқ билан, Нортўхта аччиқ хўрсинди. – Яхшиям-ки, йўлдан бири-биридан азиз, бири-биридан ардоқли зурёдлар қолгани.

Иброҳимнинг эса Ғафуржони нобуд бўлган. Айни навқирон йигит ёшида!.. Дилором ҳам, хатто сўзга хасис Рауф Парфи ҳам, – улар қўшни яшар эдилар, – раҳматли Ғафуржонни жуда хушфеъл, ўта абжир, – каратечи-да! – жуда закий бола эди, деб таърифлаганларини Нортўхта кўп маротаба эшитган. Ўша кунларда Ғафуржон университетнинг ҳуқуқшунослик факултетига кириш учун имтиҳон топшираётган экан. Ҳамма баҳолари аъло. Яна биттагина имтиҳонда ўтса – студент!.. Лекин, кўринмас бало оёқ остида, деганларидек, биринчи қава-тида “Мебель” магазини жойлашган тўққиз қаватли турар-жой биносининг олтинчими, еттинчи қаватидан – охирги имтиҳонидан бир кун олдин – отиб юборишган... Аввал ўлдириб, кейин отворишган, деган тахминлар ҳам бор... Н е г а, н и м а у ч у н а х и р?! Ҳали-ҳануз ўртагувчи ушбу саволга жавоб йўқ.

... *Ғафуржон – Иброҳимнинг битмас юрак яраси*, – деб, ўйлади Нортўхта, Ғафуржоннинг қазоси кунларида Иброҳимнинг: б у д у н ё с и д а ю р а г и ш и л и н м а г а н б и р о р б и р б а н д а с и й ў қ э к а н, деган аламангиз гапини эслаб. – *Ғафуржон – туши; отасининг адоқсиз, аёвсиз туши... Ғафур-жон – Иброҳимнинг фожеий эртаги. Ўзи ўқиб, ўзи йиғлайверади... Халқ айта-дики, йўлингиз йўганида бир кун йиғлайсиз, кейин, бир умр – то сўнгги нафасингизга довуз еру кўкка сиғмай чингсийверасиз... Ғафуржон, илоё, навқирон руҳинг то абад Худойимнинг Жаннатиде бениҳоя яйрасин. Омин!..*

Ўша мотам кунларида, ундан кейин ҳам, ўзаро гурунлар асносида, Иброҳим хомуш-хаёлчанлик билан, Хожа Аҳмад Яссавий ҳамда Хожа Баҳоуддин Бало-гардон буваларимиз ҳаётидан бир-биридан таъсирчан, бир-биридан даҳша-тангиз ҳикоялар сўйлаган. Айниқса, улардан иккитаси Нортўхтанинг хотира-сида муҳрланиб қолган.

Эмишки, Хожа Аҳмад Яссавий буванинг биргина ўғиллари бўлган экан. Тў-гон бошида, сув талашиб, ўғилларини ўлдиришипти. Ана ўшанда ўғилларининг ўлдирилганлиги ҳақида шум хабар келтирган кишига Яссавий бува: “Ҳай, ат-танг! Сапчани бемаҳал узибсизлар-да, деб”, боғлиқдаги оқ отларини инъом қилган эканлар. Ўғилларини ўлдириб қўйган йигитга эса ёлғизгина қизларини никоҳлаб берган эмишлар... Бундай валломатликнинг маъни-моҳиятида пинҳон асл н и м а д и р н и расмона ақл билан англаб етиш... душвор, кў-ў-ўп душвор. Иккинчи ҳикоя эса янаям даҳшатлироқ, янаям!.. Ҳазрати Баҳоуддин Бало-гардон бува ҳажга борганларида, қарасаларки, биров қўйни, биров бузоқни, бирови туяни Тангри таолога атаб, қурбонликка бўғизлаётган экан. Баҳоуддин бувада эса ўша тобда қурбонлик қилишга арзирли ҳеч вақо йўқ. Нима қилиш керак – кўп ўйлаб ўтирмай, қўлларини фотиҳага очиб: “Ё бор Худоё, ўзинг берган бир ўғлим бор. Ўшал ўғлимни ў з и н г г а атадим. Омин!” дебдилар. Ҳамроҳлари ўшал кун, ўшал соатни эслаб қолибдилар. Кейин, муборак ҳаж сафаридан қайтиб, билсаларки, айни ўшал кун, ўшал соатда ҳазратнинг ўғил-лари оғирмай-нетмай, жон таслим қилган экан.

Эҳтимол, шундай ғалоғул ҳикоялару ривоятларнинг теран мулоҳазалари Иброҳимнинг куйган кўнглига малҳам бўлолгандир. Ахир, фарзанд фироғига, фарзанд доғига чидаш осонми?!

... *о-о, бой бериб қўйган фарзандингизни қўмсаганингизда, дунёси сариқ чақагаям арзимасдай туюлиб, еру кўкка сиғмай қоласиз!..*

Дилшодининг қазоси ҳозиргидай Нортўхтанинг ёдида. Кўзларидан юм-юм ёш оқиб, борлигу йўқлик аро маҳв бўлиб ўтирганида, маҳалланинг оқсоқоли Мирсайдулла ака дабдурустан: “Сиз шукр қилинг, иним”, дедилар. Бирдан жиннига қарагандай, кўзларида аччиқ ёшлар билан, Нортўхта оқсоқолга қаради: “Эси борми бу чолнинг?! Бу нимаси ахир – ишонган ўғлимдан, суянган боламдан айрилган бўлсам-у, яна шукр қилсам?!”

Ҳамиша Мирсайдулла ака “Астра” чекардилар. Хотиржам сигаретни тутатиб: “Ҳа-ха, сиз шукр қилинг, иним! – дедилар, янаям ўқтамроқ оҳангда. – Ўғли-нгизга икки газ ер насиб қиляпти-ку! Ўғлингиздан икки ўғил – икки нишона қоляпти. Шукр қилинг!..”

Дилшодининг қазосидан бери бир дунё вақт ўтди – агар иккала неваранинг ёшини бири-бирига қўшсангиз, дадасининг ёшидан анча ўзиб кетади. Лекин, ўйлаб қараса, ўтган бир дунё вақт – бир нафасча, бир киприк қоққанча ҳам эмас. Ҳаммаси ҳозиргина рўй бергандек!.. Ана, дунёларга бергисиз боласи, жон талоша-талоша, тонг отардан эртароқ омонатини топшириб, энди жонсиз-руҳ-сиз, сўнгги сафарини – борса-келмас сафарини кутиб ётгандек. Ҳадемай, лапанглаган тобут ортидан мотамдор тумонатни эргаштириб, қабристонга йўл оладилар...

Ана, қабристон – эрта бир куни ёшу қари, аёлу эркакнинг қиёматли манзил-макони. Ҳамма жим. Ҳамма мотамда... Во ажаб – атроф-теваракда бирор бир гулдан асар йўғ-у, лекин ахён-ахёнда бир булбулнинг эзиб-эзилиб сайраётгани қулоққа чалинади. Оппоқ сурп билан кафанланган Дилшодини лаҳадга узат-ганларидан сўнг, Нортўхта қабр ёнида эндида икки ярим ёшларидан ўтаёт-ган неварасини тиззасига олиб, – *илк мартаба Туроншоҳни Саъдулла ана ўшанда кўрган бўлиши керак*, – суврати одаму сийрати абгор бўлиб ўтирганида, Мирсайдулла ака аста энгашиб, оғаларча меҳрибонлик билан, қулоғига шивир-лайдилар: “Сандан розимиз, биздан ризо бўл, ўғлим, деб айтинг, иним!..”

... илоё охиратингиз обод бўлсин, Мирсайдулла ака! Сиз – ҳақ экансиз. Шукр, ўзига шукр.

Ана, Ғайбулла аканинг кўзлари очиқ кетди – ўғлининг... бир кунда, бир на-фасда домдараксиз йитган Ҳабибулласининг ўлик-тириклигини билолмай ўт-ди. Ўлди деса, гўри йўқ, тирик деса, ўзи йўқ. Жабр... жабр!.. Ғайбулла акага кўп жабр бўлди. Ниҳоят, сўнгсиз изтиробларга дош беролмай, аламзада юрак ёри-либ кетди. Иброҳимга эса чандон жабр: Ғафуржонидан на бир нишона қолди, на бола факр... бирор бир сулувнинг сочларини тўйиб-тўйиб ҳидлаёлди.

3

Хомуш-хаёлчанлик билан, таниш-билишларга бир-бир қўнғироқ қилганидан сўнг, Нортўхта телефонни нари суриб, оғир ўрнидан турди.

Неваранинг каттаси – Туроншоҳ столни, кичиги – Шерзод хонтахтани эгал-лаб, дарс таёрламокда эди.

Ҳали эрта. Ухлайдиган вақт эмас. Лекин, барвақт уйғониш керак: тунги уч-ларда!.. Шунини ўйлаб, Нортўхта ётоқхонасига ўтди.

Барибир, энди алламаҳалга довури ухлаёлмаслигини билса-да, тунчироқни ўчириб, уйқуга чоғланаркан, илк марта Ғайбулла ака билан қачон, қаерда уч-рашганларини эслашга уринди. Жуда кўп марта Ғайбулла ака билан кўришган, жуда кўп мартаба Ғайбулла аканинг суҳбатидан баҳраманд бўлган. Лекин... биринчи марта қачон, қаерда учрашганларини эслаёлмади.

Ҳамиша, ҳар гал Ғайбулла акани эслагани баробарида, беихтиёр кўз ўнгига раҳматли Тилак жўраси одатича майин кулиб-жилмайиб, бор бўйича намоён бўлади. Билаяптики, Ғайбулла акани Тилак Жўрасиз тасаввур қилолмайди.

... во дариг, энди уларнинг ҳар иккаловлари ҳам аламли, ҳар иккаловлари ҳам сўнмас ўтмишига айландилар.

Тилак Жўра – курсдоши – жўраси – сирдоши – маслакдоши эди. Унақа жўра камдан-кам бандасига насиб қилади. Бунини энди... энди адоқсиз бир алам билан, қизгин бир ифтихор билан англаяпти. Раҳматли Фармон – синфдоши, у ҳам шу-нақа – қиёматли жўраси эди.

Бир хуфтон чоғи, – ҳануз у кунни Нортўхта яхши эслайди: 1981-йилнинг ўнинчи ноябри эди ўшанда – ҳалигина Машраб аканинг “ТУРУНГ”и кўриги-томошасидан қайтиб, “Время”ни томоша қилаётган эди. Нохос, телефон жи-ринглади. Шартта дастакни олиб, қулоғига тутди:

– Ассаломалайкум! – деди.

Дастакдан қиз боланинг йиғиданми, алланечук хирқираганроқ овози эши-тилди:

– Амаки, ўзингизми?

... ий-э, Нодирами?.. – Бирдан Нортўхта сергак тортди. – *Нодира-ку! Тилак-нинг қизи.*

Тинчликмикан?

– Ўзимман, қизим, ўзим. Тинчликми?

Беихтиёр изиллаб-йиғлаб, Нодира:

– Уйимиз ёниб кетди, амаки! – деди.

Дабдуруст кўнглидан нохуш гумонлар кечиб, Нортўхта:

– Ўзларингиз омонмисизлар ахир?! – деди. – Отанг соғми?

... *хайрият. Хайрият-э!*

Пиёлада совиб қолган чойни гуппа кўтариб, шартта Нортўхта ўрнидан турди.

Хотини, ўғиллари – ҳаммалари, бетоқат, саволчан назар билан қараб ўтирган эдилар: тезроқ айтсангиз-чи, нима бўпти?

– Тилакнинг уйи куйипти.

– Вуй-ей, айтманг-эй! – деди хотини, паришон ёқасини ушлаб. – Ўзлари соғ-микан ишқилиб.

Бари соғ-саломат эканлигини айтиб, Нортўхта даҳлизга ўтди. Саросар ки-йинди.

Ё пирай, бирпасда йўлга шай бўлиб, Дилшод:

– Дада, ман ҳам сиз билан бирга бораман, – деди. – Яхшими?.. Яхши, денг.

Дилшод Тилакни яхши кўрарди, айниқса, унинг қўлларини ҳавога тўлғаб-тўлғаб, завқ-шавқ билан шеър ўқишига ишқивоз эди.

Тилакникида узоқ қолиб кетиши мумкинлигини ўйлаб, Нортўхта:

– Йўқ, Дилшоджон, – деди, йўлга шошилиб. – Ҳозир эмас, кейин... кейин!..

Тилак шаҳарнинг у чеккасида – Сағбон маҳалласида яшайди. Йўл олис... Ле-кин, кечки пайт бўлганлиги учун, қатнов анча камайган эди. Машинани учириб, ҳаял-замон ўтмай, етиб борди.

Дарвоза ёпиқ экан, аста итарган эди, очилди. Қоп-қоронғи бостирмадан ўтиб:

– Тилак! – деди.

Ичкаридан Тилакнинг бир қадар ҳорғин... бир товур мудроқ овози эшитилди:

– Келавер.

Қафасдайгина ҳовлича... Ҳовличанинг тўрт томони баланд деворлару иморат-лар билан қуршалган. Булутлар оралаётган синиққина ой нуридан атроф-тева-рак кўройдин. Ўртада ихчамгина сўри. Сўрининг устида сандиқ, жомадонлар, идиш-товоқ, кўрпа-тўшак қалашиб ётибди. Куйган кийиз ҳиди, ачимсиқ пахта-чағит ҳиди димоққа бурқсиб урилади.

– Кел, – деб, Тилак сўрининг бир чеккасида қаддини тиклади. Ҳаво аёз эди. Ечинмай ётган экан, бошида қулоқчини шалпайган телпак. – Ўт ўчирувчилар токни кесиб кетишди.

Нортўхта, қўллашиб кўришаркан:

– Болаларинг қани? – деди.

Эшиги, деразалари ланг очиқ уй томонга ишора қилиб, Тилак:

– Ана, – деди. Уф тортди. – Ётибдилар... Болохона ёниб кетди. Чирокдан эмиш.

Ялт тепага қараб, Нортўхта анграйиб қолди: том кўчирилган, тўсинлар ҳамда эшик-деразанинг кесакилари косовдай қорайиб кўринади.

– Анча китоб, диссертация.... – Бирдан нафаси қайтиб, Тилак оғир ютинди. – Э, қайси бирини айтай, кўлёмалар ҳам куйиб кетди!

– Бошинг омон бўлсин, Тилак. Куйганга куйма, жўра.

Айтган ушбу гапи Нортўхтанинг ўзига ҳам аллатовур ғалати туюлди. Илк ма-ротаба бу гапни аллазамонлар – ўспирин чоғлари, “Қобуснома”да ўқиганлиги-ни эслади: к у й г а н г а , й и т г а н г а , ў л г а н г а – к у й м а !

... э, *айтишига осон. Хоразмлик айтадики, бировники бировга кийиз кесганча бўлмас. Қўлёмалар ҳама-а!..* – Ўша аснода Асқад Мухтор домланинг таъкидла-ридан ҳикматангиз

бириси тахминан ёдига тушади: “Ўчирган сатрларимдан қайси бирларидир, мангули ҳақиқатга дохиллигини билолмайман.” – *Эсиз... Эсизгина-я!..*

Хийла жимликдан сўнг, паришон оҳангда, Тилак:

– Онамнинг оху ноласи урдими, дейман-да! – деди, сигарет тутатиб. – Эндиям қайтмасам бўлмас.

– Эсинг жойидами, Тилак?!

– Онамни биласан-ку!..

Тилакнинг онаси – бўйи бастлари салкам икки газ келадиган, тўла-тўқ, буғ-дойранг, ёшлари тўқсонларидан ўтган, ўта мўмина, жудаям содда, ажойиб бир онахон.

Бир гал, Тилак ёзги таътилга борганида онаси мавридини келиштириб:

– Тилакжон, бачам, бир йиллик пенсиямни йиғиб қўйибман, – дебдилар. – Ўшани дирик-тирингга этиб бер-да, диплўмингни олиб, Қоракўла қайт энди, бачам. Ман чарчадим.

Тилак Жўра яйраб қикирлаб кулиб, аллақачон университетни битирганию ҳадемай олим бўлажагини айтгач:

– Кўп йиллардан бери студентларга дарс бериб юрибман, она! – дебди. – Ҳа-ли билмай-сизми, домламан-ку!

– Ман не билай, бачам, – дебдилар онаси, кўзларини артиб. – Отангнинг жияни Қиличбойнинг ўғли сандан анча кейин ўқишга кириб, ўтган йили бити-риб келувди. Шу кунларда каттакон бир идорада бинойидай хўжайин. “Вўл-га”да юради. Маниям баламнинг отаси ҳаёт бўлганида, аллақачон диплўмини олиб берармиди, деб ўйлайман-да! Тўқсон – йўқсан, деб қўйибдилар. Етар энди, кўзим очиклигида бағрима қайт-да, Тилакжон?! Муаллимлик қилмоқчи бўл-санг, ана, ўзинг ўқиган мактаб!..

Нортўхта, дабдурустан нима деярини билолмай, айтар гапига у қадар ўзи ҳам ишоналмай:

– Дурустроқ ҳовли ё квартира насиб қилса, онангни кўчириб келарсан-да, Тилак! – деди.

Ажаб, чиндан ҳам орадан бирор икки йил ўтиб-ўтмай, Тилак Жўрага беш хонали, катта, ёруғ уй насиб этади. Бироқ, онасини кўчириб келолмайди.

Онаси бир юзу бир ёшга кирганларида, Тилак доврўғи дoston бўлғили ёш тўйи қилиб беради.

Аммо, ҳали у кунларга довр олдинда кўп машаққатли, бири-биридан кўп ба-ракали ва самарали йиллар бор эди.

Айни тобда эса ачимсиқ куйинди ҳиди бурқсиётган ҳовличасида, борлигу йўқлик аро, ғамгин ҳасратлашаркан, Тилак:

– Йў-ў-ўқ, йўқ! – деди, хаёлчан бош чайқаб, – Ўзим боришим керак, ўзим.

– Ҳаммамиз ҳам эрта бир кун ота-юртга борамиз-да! Бургага аччиқ қилиб кўрпа куйдирмайдилар-ку!

Тилак икки ўт орасида эди, индамади.

... бизни олиб кетишлари мўмкин, Тилак. – Ҳали у кунларда Нортўхтанинг ўртанчаси – Дилшод, гоҳо қарчиғайдай чаппор уриб, гоҳо дадасининг давлати соясида мардона мавж уриб яшамокда; Нортўхта – нодон бандайи ожиз эса, Худойим Дилшодини сийлаб эмас, с и н а б берганлигини, иллоҳ, хаёлигада келтиролмас эди. – *Лекин, биз ўз-ўзимизча кетолмаймиз, жўражон.*

Яна хийла фурсат узук-юлук гурунглашиб ўтирганларидан сўнг, Нортўхта сўридан тушаётиб, кўрпачанинг тагига озроқ пул қўйди.

Шартга кўрпача остига қўлини суқиб, Тилак:

– Эй, манга қара! – деди. – Нима қилганинг бу?!

– Тилак, жўра! – деди Нортўхта, шарт бурилаётиб. – Эрталаб кўришамиз. Эр-тагача!..

Ҳамма-ҳаммаси ҳозиргидай ёдида: ўшанда, тун алламаҳалда уйига қайтиб, Машраб акага қўнғироқ қилган эди. Кўнгли сезганидек, дўстларга “солиқ” солаверишни Машраб ака

маъкулладилар: “Жуда яхши ўйлабсиз”, дедилар. Қанчага қурби етганлиги билан қизикдилар. Озроқ беролганлигини Нортўхта қийналиброқ айтди. “Яхши, – дедилар Машраб ака. Ва, ўзларига ҳам рўйхатда ўшанча ёзиб қўйишни сўрадилар. – Нажмиддин акага, – акахони, ҳамкасабаси, қўшниси, – юз сўм, Ғайбулла акага, – устози, – юз сўм, – *ўша кунларнинг юз сўми шу кунларнинг беш юз... йўқ, қарийб минг дўлларларидан қадрлироқ эди*, – ёзаверинг. Эрталаб ишга ўтаётганингизда, атаганимни мендан ола кетасиз”, де-дилар. Сўнг, асло бу ишни пайсалга солмасликни тайинладилар.

Ана кейин, ухламай, ўйлай-ўйлай, кўнгилга яқин ошналарни Нортўхта бир-бир рўйхатга ёзган эди.

Орадан шунча йиллар ўтганига қарамай, ўшанда ишончи андишасизларча поймол бўлганлиги ҳамон Нортўхтага алам қилади.

... э, аламки, таърифига тараф йўқ!.. Эсиз... эсиз... эсизгина умидлар-а!.. Ўзи, кўкрагига муштлаган қаламкашига ишониши – қизил қор ёғишини қутишдай бир ҳавойи амал экан.

Мана, шу тобда ҳам аниқ эсаяпти, рўйхатга киритилган ёзувчию шоирлар-нинг деярли кўпчилиги парвоям қилмаган. Қайта эслатишга эса Нортўхтанинг елкаси ёр бермаган... Лекин, Ғайбулла ака... Ғайбулла ака бошқача одам эди-е! Ўз чекларига тушганини ўша заҳоти кўшқўллаб топширганларидан ташқари, тагин ҳовличани таъмирлашга ҳам анчагина кўмак берибдилар. Сал кейинроқ эса, беш-олти ойлик егуликни етказиб: “Кандидатлик дипломи сенга керак бўлмаса, менга керак, – дебдилар. – Билмасанг, билиб қўй, бала: Ғайбулла Са-лом-нинг фалон шогирди кандидатликни ҳимоя қилолмай қочворди, деган иснодни мен кўтаролмайман. Етар!.. Кўча-кўйларда санғиб, шеърхонлик қилиб юрганингни кўрсам ёки эшитсам, хафалашиб қоламиз. Тушундинг-а?.. Сенга олти ой муҳлат. Олти ой!.. Ана ундан кейин, қишлоғингга кетасанми, шаҳарда қоласанми – ихтиёринг!..”

Ҳимоя куни эса, тонг-сахарлаб, Ғайбулла ака бир бўғча кўтариб, Тилак-никига борибдилар: “Ҳаяжонланма, балам! – дебдилар. – Сендан ҳам кўра, бу-гун мен учун катта синов. Манави янги кастюм-шимни кийиб, ҳимояга тўй-боладай ясаниб бор. Кўзингга қара, мени уялтириб қўйма лекин!..”

Ўшангача жуда кўп ҳимоя йиғинларида Нортўхта ҳам қатнашган, лекин бу-нақасини ҳеч кўрмаган эди. Ҳатто, ундан кейин ҳам кўрмади.

Ана, Тилакнинг онаси – ёшлари тўксонларидан ўтган забардаст онахон – шо-думон неваралару талай қариндошлар, олимлар, шоирлар, ёзувчилар, талабалар, шогирдлар даврасида; ёлғизгиналари – дунёсига берган зурёдлари – машхур шоир Тилак Жўранинг онаси эканликларидан фахрланиб ўтирибдилар: қандай яхши, қандай соз, арзанда ўғил бугун олимлик диссертациясини ёқлайди.

Ҳайъатда казо-казо олимлар. Ҳамма ҳаяжонда. Айниқса, Ғайбулла ака!..

Биринчи бўлиб Бойбўта ака, – Тилакнинг ҳамкасабаси, акахони, – шоир Тилак Жўра яратган илмий тадқиқотнинг ўзбек таржимашунослиги фанида тутажак ўрни ҳамда назарий қиммати ҳақида гапирган эди шекилли. Кейин... Нажмиддин ака. Нажмиддин Комил, – Ғайбулла аканинг тўнғич шогирди, – олиммисан – олим-да!.. Боплади: ҳаммага манзур бўлган пухта, теран таҳлил-дан сўнг, шоир Тилак Жўрадай олимни вояга етказган онасига, шоирнинг олим-лик қирраларини кашф қилолган устозига раҳматлар айтди.

Бирдан ўшанда кенг-мўл хонани тутиб кетган шодон қарсақлар жарангги, мана, шу тобда ҳам Нортўхтанинг қулоқлари остида аксу садо бериб янграёт-гандек!..

... ўшандай қувончбахш, ўшандай сурурбахш дамлари борлиги учун ҳам, дунёси гўзал, ҳаёт бетақдор. Одамнинг интилиб-интиқиб яшагиси келаверади. Яшасин, ҳа ё т!..

Тагин икки-уч олимнинг таъриф-тавсифидан сўнг, Тилак, хаёлчан кулим-сираб, секин минбар томонга ўтди. Эғнида янги, ярашиқли кастюм, оппоқ қўйлак, бўйнида, – *раҳматли ҳеч қачон галстук тақмас эди*, – кимдир биров чиройли тўғалаб берган галстук. Қўлида думалоқлаб ўралган уч-тўрт варақ қоғоз. Бир муддат сукутдан сўнг, мухтарам илмий кенгаш раи-

сига, кенгашнинг аъзоларига, шахсан устози Ғайбулла Саломга, хуллас – илмий ишига юксак баҳо берган олиму тадқиқотчиларнинг бари-бариларига бир-бир миннатдорлик изҳор этгач: “Мен учун энг катта ютуқ, энг катта мукофот – ёзган ишимнинг ав-вало устозим Ғайбулла акадай олимга маъқул бўлганлиги, – деди. – Диссертацияни ёзиш жараёнида ХХ асрнинг буюк жафокаш шоири Нозим Ҳикматнинг тутқунликда кечган, соғинч тўла дарбадарликда ўтган чигал қисмати, асарларининг ўзбек тилига таржимаси тарихию таржималарнинг бадииятини, шунинг-дек, қардош туркий тилларга қилинган қатор таржималарини тадқиқ этаётиб, адолатнинг оташин куйчиси Нозим Ҳикмат ҳақида гўзал бир дoston ёзганлигини айтди. – Мен – шоирман, – деди. – Ҳурматли оппонентлардан кейин, на-зарий тезислару илмий ибораларга тўлиб-тошган и ш и ҳақида яна батафсил маълумотлар билан азиз биродарларини толиқтирганидан кўра, дostonдан боблар ўқимоқни афзал билаётганлигини айтиб, ҳайъат томонга майин кулимсираб қаради: – М а й л и м и?”

Тилакнинг ажабтовур таклифидан ҳамма ҳайратга тушиб, бир зум жим қотди.

Ғайбулла ака эса, Тилак Жўрадан асло бунақасини кутмаганмилар, кўзлари катгайиб, антанг бўлиб қолдилар.

Раис эса, – қ о й и л! – хушҳол жилмайиб:

– Яшанг-э, шоир, бор экансиз-ку! – деди. – Дostonдан ўқинг-да, дostonдан!

Конец ознакомительного фрагмента.

Текст предоставлен ООО «ЛитРес».

Прочитайте эту книгу целиком, [купив полную легальную версию](#) на ЛитРес.

Безопасно оплатить книгу можно банковской картой Visa, MasterCard, Maestro, со счета мобильного телефона, с платежного терминала, в салоне МТС или Связной, через PayPal, WebMoney, Яндекс.Деньги, QIWI Кошелек, бонусными картами или другим удобным Вам способом.